

Ойдин ҲОЖИЕВА

Зулфия абадияти

Эъзозлаф, афодиглаф ўғун ташаккүр,
Астм Сиз офтобим, мен зиёсіман.
Тоннагариниз құксин дөриламон, ҳүф,
Бахтим шүл — ўзбекнин Зулфиясіман.





Үзинг ташна этдинг, үзинг сув
тутдинг,

Қалбимдаги сахром, дарёмсан,
халқым!


Сени сева-сева мен бойиб кетдим,
Дунё ичра топган дунёмсан,
халқым!

ЎҲАДИС
ҲОЖИЕВА

Ойдин ҲОЖИЕВА

Зулфия абадияти

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия Исройлова
ҳаёти ва ижоди лавҳалари



Тошкент
«O'zbekiston»
2015

УЎК: 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6

X-59

Ҳожиева, О.

X-59 Зулфия абадияти: Ўзбекистон халқ шоири Зулфия Истроилова ҳаёти ва ижоди лавҳалари /О. Ҳожиева — Тошкент: Ўзбекистон. 2015.
— 128 б.

ISBN 978-9943-28-234-6

Бу китоб атоқли шоира ва жамоат арбоби Зулфиянинг 100 йиллик юбилейига бағишиланади.

Китобда дунёга машхур шоиранинг ижодий ва ҳаёт йўллари шогирд нигоҳи билан кузатилади, Зулфия шахсиятининг ёрқин қирралари талкин этилади. Буюк ижодкор ҳаётига оид улкан тарихий воқеалар, Шарқ шеъриятида туттган ўрни шоиранинг замондошлари, сафдошлари нигоҳида ҳар жиҳатдан ёритилади.

Зулфияни куршаган ижтимоий мухит, унинг Инсон ва Аёл сифатидаги ноёб фазилатлари, у яратган устозлик мактаби хусусида муаллиф эҳтиром илиа ҳикоя қиласиди.

Шунингдек, Зулфия асарлари библиографияси, унинг шажараси ҳакида ҳам қимматли маълумотлар ушбу китобдан ўрин олган.

УЎК: 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-28-234-6

© Ойдин Ҳожиева

© «O'zbekiston» НМИУ 2015

Устозим, Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг 100 йил-
лик таваллуд байрамига бағишилайман.

Муаллиф.

Аёл! Сен қачон яралдинг бу қадим оламда?

Сенинг дунёга келишинг оламнинг бошланиши эмасми!

Сенинг оламга келишинг мангаликнинг туғилиши эди,
негаки, сен ҳамиша ҳаётни янгилаб, унга давомат бахш этиб
турадиган ҳаёт бўлиб дунёга келдинг. Фараз қиласман. Сен
инсон зотидан биринчи бўлиб дунёга келдинг! Лекин яшаш
учун курашни сенга ким ўргатди? Сенинг оналигинг ўргатди.
Инсондаги туйгуларнинг энг эзгуси ва ҳароратлиси, энг за-
ифи ва энг қудратлиси бўлмиш сенинг оналик меҳрининг тақозо
қилди бу бурчни.

ЗУЛФИЯ.

МАСЬУД ОНЛАР

Мен уни юрагимда шеър куртаклаган кезлари топгандайман. Кенг пешонали, жайрон кўзли, соchlari чиройли турмакланган, му-
лойим нигоҳли сиймо – китобдаги Зулфия сурати мени сеҳрлаб ол-
ган эди. Барча қизиқувчан, содда, беғубор ўсмиirlарга ўхшаб унга
ҳавас килганман, хаёлан хатлар битганман. Уни бирор марта кўриш
насиб этармикин, деб орзулаганман.

Зулфиянинг шеърияти, шахсияти, унинг шуҳратга ва ҳалқ меҳ-
рига чулғанган умри не боис бу қадар мафтункор? Шу ҳакда кўп
ўйлайман.

Ноёб ҷашмаларнинг сувидан бир ҳовуч ичсангиз, таъми оғзин-
гизда қолади, қайта-қайта унинг зилолидан баҳраманд бўлсан, дей-
сиз. Зулфия поэзияси шундай ҷашмага ўхшайди. Ундаги баҳтнинг
олий замзамаси сизни юксакларга олиб учади. Инсон дардининг
ларзали, долғали лаҳзалари қалбингизни остин-устун қилиб юбора-
ди. Баҳтини ўзингизники каби қабул қиласиз, бошингиз қувончдан
айланаб кетади. Дардидан маҳзун хаёлларга ботасиз-у, лекин аста-
аста жонингиз исий бошлайди, унинг кечинмаларида яшай бош-
лайсиз. Юрагингизнинг аллақаерларида ёнмаган чироқлар ногоҳ
порлаб кетади. Жаҳонингиз ёришади. У куйлаган дардда некбинлик
бор, хаётга, одамларга муҳаббат бор. У – сизнинг қачон-қачонлардир
бошдан кечирган ғалаёнли дамларингиз ифодаси. Ҳижрон кечала-
рида унинг сувратига топиниб, шеърларидан таскин топган, мато-
нат дарсини олганлар бу шоирани Садоқат куйчиси, дея эъзозлай-
дилар. Зулфия лирикасидаги самимият, ростгўйлик, ўкувчига нис-
батан эҳтиром туйғуси бениҳоя кучли. Шу боис муҳаббат ҳакида у
не деса, ҳаммаси ярашиқли. Унинг қалами сўйлаганларига ўкувчи
ишонади, ўзиники каби қабул қиласи.

Бир пайтлар «Мехру ишқинг» номли туркум лирик шеърларим-
ни тинимсиз эълон қила бошладим. Улар орасида майда, ўткинчи,
маҳдуд хис-туйғулар ифодаси бўлганлари кўп эди. Бир нечасини
«Саодат»га олиб келдим.

– Биласизми, Ойдинжон, шеърдаги туйғу бир лаҳзалик, оний бўлса ҳам, у узок йилларнинг башорати бўлиши зарур. Катта, ёрқин гапларни қоғозга туширмак даркор. Шеър зинҳор бир киши учун ёзилмайди. У факат ўз «ҳасратнома»нгиз бўлиб қолса, бу энди поэзия эмас-да! Ҳафа бўлманг, сизга тўғрисини мен айтмасам, ким айтади? Сильва Капутикянни ўқинг. Кимларнингдир изтироби, ўйлари, ўрганишини хаёлингизга пайванд килиб юбормасангиз, у қўпчиликнинг дардига айланолмайди. Инсон келажак учун яшайди. Мехнат қиласи. Шеър эса олдинда юриши керак. Яшашга, меҳнат қилишга, йўлда учраган маشاққат ва тўсикларни енгиб ўтишга ўргатиши лозим!

Бу гапдан кўнглим оғримади, аксинча, жуда зарур маслаҳатни устоздан ўз пайтида эшитганим мени теран фикрлашга ўргатди. «Етти ўлчаб бир кесадиган» бўлишга ҳаракат қила бошладим.

Шеърият инсондан кучли маънавиятни, бардошу чидамни талаб қиласар экан. Шошма-шошарлик, ёзилган нарсанинг сиёҳи қуримасдан туриб, нашрма-нашр югуриш аввало ижодкорнинг ўзи учун зарар экан. Шоиранинг шеър дафтарига кўзим тушганида шу маънода катта бир ибрат кўраман. Мажлисларнинг президиумларида, ишхона, шифохоналар, саёҳатларда битилган шеърлар. Оддийгина идора дафтарида қайта ёзилган, ўчирилган, тузатилган, устидан чизиқ тортилиб, саҳифа орқасида қайта тикланган, дафтар ҳошияларига тизилган бандлар... У шеърлар бошланган кун билан сўнгги нуқта кўйилган вақт орасида баъзан ийлаб ма-софа ётади... Ниҳоят шеър окка кўчирилади. Шунда шоиранинг чараклаб кетган кўзларида ҳали ҳам илҳомнинг олови, файзи мафтункор бир жозиба бағишлаб турганини кўп кўрганман. Бундай кунлар у: «Юринглар, шеър ўқиймиз», дейди. Барчамизни хонасига таклиф этади...

Шеър! Сен бунчалар моҳир элчисан! Бунчалар дилкаш сухбатдошсан! Бунчалар қадрдон дўстсан! Зулфия опа янги шеърини ўқиган кезлари оҳанрабо хушҳаво кайфият кезади ишхонамиизда. У шеър ўқиб бўлгач, имтиҳон олдидаги ўкувчидаи ҳаммамизни беҳад камтарилилк билан кузатади, фикримизни сўрайди...

Қулоғимда унинг «Рашқ» шеъридаги мардона, самимий саволи жаранглайди:

Халқ қалбидай бир гүзал шеърга
Етармикан ҳеч қачон кучим!

Қанийди, бу савол ҳаммамизнинг ҳам дилимизда бот-бот тақрорланиб турса! Шунда биз эълон қилаётган шеърлар орасида хом-хатала, икки томчи сувдек бир-бирига ўхшашлари камроқ бўлармиди...

— Ҳар бир ўкувчи қалбida бир шоир яшайди. Ҳар бир инсон ўзича шоирона оламга эга. У қўлига қалам олиб, бирор сатр шеър ёзмаган эса-да, адабиётни, сўзни нозик тушунади. Шунинг учун ҳам бундай мухлисларга ҳар қандай пала-партиш тизмаларни тақдим этиш одобдан эмас. Бу масъулиятсизлик ва ўзини иззат килмасликдир. Масъулият, талабчанлик – санъаткор учун бош мезон, – дердилар устоз.

Зулфиянинг матбуот юзини кўраётган асарлари мана шу ақидага биноангина нашрга тавсия этиларди.

Хизмат юзасидан, ҳам бурч тақозоси, кўпинча ёш шоираларнинг асарларини устоз билан биргаликда ўқиймиз. Бир-икки сўз билан шеърнинг руҳи, йўналиши ўзгариб, чакнаб кетади. Кутлибека, Мухтарама, Дилбар Ҳамзахўжаеванинг туркум шеърларини тайёрлашда шундай чакнаб кетган мисраларга гувоҳ бўлганман.

— Мана бу шеърни мен шоира сифатида қабул киласман. Лекин, мухаррир сифатида – йўқ. Образлари жуда чиройли. Аммо жуда маҳзун, ғамгин. Ўкувчига, халққа тақдим этилажак шеърларни зийрак кўз билан таҳрир қилиш зарур. Шоир аввало ўз Ватанинг бир фарзанди. Курашchan гражданин. Унга сўз айтиш хукуқи берилгани – мислсиз шараф. Катта жавобгарлик ҳам. Сен билан сукунатда яkkама-якка коладиган китобхоннинг синчков кўзларини унутмаслик керак! Албатта, китобхон энг яқин сирдош, дилдош, лекин унинг олдида майдалашиб кетмаслик керак, – дейдилар Зулфия опа ҳар галги сұхбатларида, – Гинаю аразлар, ишқий можароларни элга достон қилаверишдан тийилиш даркор. Ёшлардан гражданиликни талаб қилаверинг. Ҳар бир босилган шеър ижод йўлини танлашда сабоқ бўлсин. Менинг шундай шеърларим борки, уларни ўқисам, ўзимга ачиниб кетаман. Уларни ҳеч кимга кўрсатганим ҳам йўқ... Ишларман... Кейин эълон қиласман... – Унинг кўзларида хаёл титрайди. Боқишлирида шеърий олов тафти живирлагандай...

Шундай дақиқаларда унинг Ҳамид Олимжон билан бирга тушган суврати кўз ўнгимда жонланади. Палак. Палакнинг кашталари чодир-чаман. Ҳамид Олимжон оппок кителда. Бир қўлини тиззага тираган. Мағрур, хиёл жилмайган. Ижоди, хаёти барқ уриб гуллаган камолот ёшида. Гўё ҳозир гумбурлатиб шеър ўқий бошлайди. У билан елкама-елка атласдай соchlари силлиқ тараалган, навниҳолдай Зулфия турибди. Хаёлчан. Маъсум. У сўзнинг инжа хаёлларига ғарқ. Рафиқининг овозини тинглаётгандай...

Шу нозик елкаларга қулаган ҳижрон тоғи қанчалар залворли эди! Даҳшатли эди! Бу баҳайбат, қора ҳижрон тоғи юк кўрмаган елкаларни эзib ташлай олмади! Бу ғам-андуҳ билмаган соз кимдан қувват олди? Бу елкаларга қандай улуғ қудрат мадад бўлган эди?

Бахтиёр севгини куйларди созим,
Ўлим ханжарига тегдию синди.
Ҳижрон фарёдидай совуқ овозим,
Наҳот, лириканинг ёлқини тинди!

Зулфиянинг таянч тоғи – халқи, устозлари, сафдошлари, дўстлари. Унинг бардоши «Куяман-у, бўлмайман адo», деб ёзганида қанчалар ҳақ, қанчалар севимли, қанчалар ардоқли...

Мана бир умрни яшадим сенсиз,
Қайтмас шодликларнинг қайтишин кутуб.
Тобутинг бошида чўкканимда тиз,
Фарзандлар кўтарди кўлимдан тутуб. –

деб ёзган эди матонатли шоира «Сенсиз» шеърида.

* * *

Шоира ёшлар шеъриятини диққат билан ўқийди. Ёш ижодкорларга меҳрибонлиги ҳам чексиз, талабчанлиги ҳам зиёда эди. Уларнинг кашифиёт даражасидаги гўзал мисраларини қайта-қайта такорлашни ёқтиради:

«Мақсада Эгамбердиеванинг китобчаси чиқибди. Ўқидим. Тасвирлари бирам нозик. Гаплари лўнда-лўнда. Майин қалами менга жуда ёқди. Мириқиб ўқидим».

Яхши шеър ўқиганида ҳаяжонланиб кетади у. Умуман, ёш авлод билимдон, катта нафас билан келаётганидан суюниб гапиради.

1984 йил. Ёзувчилар уюшмасида шоиранинг дўстлари, сафдошлиари, шогирдлари йиғилишди. Унга «Мехнат Қаҳрамони» унвони берилгани муносабати билан қутлашди. Шунда Зулфия ёш ижодкорлар ҳақида шундай қимматли фикрлар айтдилар:

– Мен ёзувчиларнинг баҳтиёр авлодига мансубман. Мен кириб келган адабиётда Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Уйғун, Собир Абдулла, Файратий, Миртемир каби сўз заргарлари тер тўкиб меҳнат қилаётган эдилар. Усмон Носир, Амин Умарий, Султон Жўра, Зафар Диёр каби таникли шоирлар билан бир сафда хизмат қилганим – менинг баҳтим. Ана шу эътиборли, янги, курашчан адабиёт майдонида устозларим, дўстларим меҳрига суюниб, ишониб ижод қилдим, камол топдим. Менинг ишончимга, меҳримга устозларим, дўстларимнинг бироргаси заррача рахна соглан эмас. Устозларнинг ҳар сўзи бизлар учун муқаддас бўлган. Уларнинг мақтовини ҳам, сийловини ҳам, койишини ҳам жон деб тинглардик. Биз улардан энг яхши анъаналарни ўзлаштиридик, уларнинг йўлини давом эттиридик. Устозлар билан шогирдлар, бугунги ёшлар ўртасида шундай яқинлик, меҳрибонлик, давомийлик бўлишини истайман.

Мен ўзим кўтарилиган ҳар бир зинада устозлар назари барҳаёт деб ҳис этаман. Бугунги ёшларга ҳам шу туйғу ҳамроҳ бўлишини истайман...

Устозлик шогирд шеърларига «оқ йўл» ёзиг бериш, матбуотда чиқаришда кўмаклашишгина эмас. Бир томонлама бундай ёрдам шогирдни мўрт қилиб кўяди.

Зулфия опа мақтовини ҳам, тўғри маслаҳатини ҳам аямайди.

Яхши шеър билан кўринган шогирди сатрларини фаҳр билан такрорлаб, кўзлари билан эркалашни ёқтиради: «Умри узок бўлсин!» – Онага ўхшаб юракдан алқаб қўйишни ҳам билади.

«Нега Хосият жим бўлиб кетди? Ҳат ёзинг, шеър сўранг», дейди безовталаниб. Мақсада Эргашеванинг «Эзгуликнинг оппоқ қушлари» шеърини қайта-қайта ўқиб, севинч билан таъкидлайди.

Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Машраб Бобоев шеърияти ҳақидаги самимий фикрларини адабий мажлисларда тез-тез такрорлаб турарди.

Хаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Оғир дамларда инсон яхши-ёмоннинг, оқу қоранинг фарқига етади. Машақватли кунларимда доимо Зулфия опанинг меҳрибон кўлини ҳис қилганман.

1969 йилнинг ёзида умрим «фойда»га қолган. Чакалогим нобуд бўлди. Оғир муолажадан сўнг хаётим қил устида эди. Эртаси куниёқ Зулфия опа журнал ходими Раҳима Шомансуровани юбориб, кандай бўлмасин Ойдинни оёққа турғазиб берасизлар, деб шифокорларга қаттиқ тайинлаттирганлар. Орадан ўн беш кун ўтиб, ўзимга келгач, шифокор Людмила Петровна Шиманская сўраб қолди:

- Зулфиянинг қариндошимисиз?
- Йўқ... Шогирди бўламан.
- Устозингиз бундай жонкуярини кам кўрганман. Устозингизнинг меҳри ҳақи омон колдингиз...

Шундагина бошимдан кечган бетобликнинг бутун даҳшатию Зулфия опа сўзининг қудратини англадим. Шоирлик Инсон учун қайгуриш, инсонга ҳаёт баҳш этиш, мушкул чоғларда унинг қаддини тиклаб қўйиш ҳам экан... Шоиранинг «ҳамма билан бор менинг ишим», деб ёзганлари замирида қанчалар меҳру оқибат мужассам!..

Зулфия опа шодлигингизни ҳам, қайғунгизни ҳам ўзиникидай тез қабул қиласиди. У инсон тақдирига бефарқ, лоқайд қаролмайди. «Ҳа, энди бир кўнглига келиб, хат ёзибди-да», деб қўл силтаб қўйиш у кишига бегона. Якинда Зулфия опани кутлагани сўлимгина бир аёл кириб келди:

– Неварангиз Баҳриддинжонни дадасига топшириб, Сизни табриклагани келдим. Оиламиз номидан Сизга гул келтирдим, опажон!

Опа бениҳоя шод бўлдилар. Бу шодликнинг боиси – Маврудахонни баҳтиёр кўрганлари, унинг севгилиси билан қовушиб, баҳтиёр турмуш кечираётгани... Маврудада кўнгил қўйган йигит кўзи ожиз эди. Тасаввур килинг-а! Бундай ҳолларда тўрт мучаси соғ қизнинг фидойилигини тушунмайдиганлар кўп бўлади. Икки ёш Жиззахдан тўғри Зулфия опанинг уйига келишди. Шоира уларга самимий сўз билан, доно маслаҳатлар билан, тегишли ташкилотлар орқали ёрдам берди – баҳтири оила вужудга келди. Энди бу оиласада жасоратли севгининг нихоли – Баҳриддинжон улгаймоқда. Бундай мисолларни

кўплаб келтириш мумкин. Онасидан айрилган қизчага она бўлиб, хасталик чангалидан азоб чекаётган аёлга шоира: «Менинг севимли Дилоромгинам!» дея ҳамшира бўлиб малҳам сўзларини битади. Шунда у инсон сифатида юксалиб кетади. Шунда, баъзан сендан бир оғизгина илиқ сўз кутиб, кўзи йўлда жовдираб турганлар олдида ўзингни хижолат сезасан киши...

Ижтимоий фаолият, кўпчилик учун ўзини аямай меҳнат қилиш шоир шахсини етук, олийжаноб қиласди. Жамиятнинг фаол курашчисига айлантиради. Буни Зулфия опанинг бош муҳаррирлик фаолиятида яққол кўриш мумкин.

«Саодат» журналида янги ишлай бошлаган чоғларим. Навбатдаги сонни тайёрлаб, босмахонага топширдик. Бир пайт ҳаммамизни муҳаррир хонасига чақиришди. Зулфия опа хурсанд:

– Раҳмат! Бу сонни тайёрлашда ҳамма ходимлар вижданан ишлади. Кўнгил тўладиган яхши материаллар кўп бўлди. Кейинги сонда ҳам шундай ғайрат тилайман!

Бундай кувончли кунлар ўшандан бери кўп тақрорланди. Ходимлар таҳриридан ўтган материаллар ҳошиясига қайд қилинган бўлади: «*Ташаккур!*» «*Барака топинг! Яхши таҳрир қилибсиз!*» «*Сиз бундан тузукроқ таҳрирга қобилиятлисиз. Яна бир кўрасизми?*» «*Нега саёз асарга ўз имзоингизни раво кўрасиз?*»

Мен унинг иш юзасидан аниқ-тиниқ маслаҳатларини, масалани тез ва оқилона ҳал қилишини яхши кўраман. Ундаги иш интизоми, маданияти, муомала-муносабатдаги назокат, катъият, жонкуярлик шоирилигига кўрк қўшади. Таҳрирда эса сўзини, меҳнатини қизғанмайди.

– Ойдин опа Собирова, шоир ўз сўзини қизғанмаслиги керак, у яна янги-янгиларини топади, дегувчи эдилар. У киши журналинизга муҳаррирлик қилган даврларда бизни шунга ўргатганлар. Муҳаррир зиммасига асар учун ҳам, муаллиф тақдири учун ҳам жавобгарлик ҳаммадан кўра кўпроқ тушади. Яхши таҳрир асарни бойитади, – деб кўп айтадилар Зулфия опа бизларга.

Умуман, матбуот одоби, журналистика маданиятида Зулфия опа ўзига бениҳоя талабчан. Бирор газета ёки журнал таҳририятига иккинчи нусхада асар топширишни одобга хилоф билади. Опа таҳририят ходимлари билан ҳамфикр ишлашни яхши кўради.

Холисона фикр-истакларни бажонидил, қувониб қабул қиласи. Ўрнига тушган таҳрирлар учун ташаккур айтади. «Қалам урмасдан чиқарасиз», деган сўзини эшитган эмасман. Эсимда, «Шарқ юлдузи» журналига бир туркум шеър бериб, «фикрингиз бўлса, bemalol айтинг, кишининг нуқси четдан яхшиrok кўринади», дедилар устоз кўнғироқ қилиб.

Кийганим ипакми, читми ё зарбофт,

Юрак бойлигидан қилмабман парво,

Мени огушлаган ҳаёт нақ офтоб,

Янги қўшиқталаб унда ҳар сабоҳ.

«Биринчи сатрдаги «зарбофт» сўзини «кимхобга айлантирасакчи», деб фикр билдиридим. Хурсанд бўлдилар:

– Жуда яхши. Учинчи сатрдаги «офтоб»га ҳам яхши кофия экан.

Шундай қилиб, бу сатр «Кийганим ипакми, читми ё кимхоб» бўлиб қолди. Устознинг бу гўзал шеърида менинг ҳам битта сўзим борлиги билан фаҳрланиб юраман. Жаҳонга машхур шоиранинг бу қамтарлиги ҳеч ўзгарган эмас. Камтарилик унга улуғлик баҳш этиб туради.

Зулфия шахсиятидаги барча ёрқин қирралар борлигича асарларига кўчган. Шоири Светлана Сомова: «Зулфияда ўзбек халқининг бутун назокати, эзгу феъли жамулжам», деб таърифлайди.

Зулфия шеърияти яхши инсонларга Ватан бўлган тупрокка қасида. Унинг ёзганлари эзгуликка тўла ёруғ оламнинг қўшиғи. Унинг ғурури, сурури, бутун изтироби, дардлари, қуюнчи, суюнчи, осуда хаёллари, долғали туйғулари балқиб ётган бетакрор ижодиёти халқимиз меҳнати, ҳаёти, келажагининг ажралмас бир парчаси. Унинг бедорлиги, беоромлиги, илҳоми, ҳижрони, ўчмас муҳаббати – ўз халқининг юрак забтига, томир уришига ҳамоҳанг. У ўкувчиларига, шогирдларига, унинг номи, шуҳрати билан дунё кезган Ўзбекистонга кўп-кўп байрамларни баҳш этди.

Тошкент шаҳридаги «Композиторлар» кўчасидаги чоққина боғ ҳовли. «Ҳар ғиштида баҳоримнинг бир япроғи» деб шоири таърифлаган мўътабар маскан. Бунда ҳаёт қайнайди. Шеър туғилади. Неваралар кун-бакун камолга етади. Ҳамид Олимжон ўз кўли билан

ўтказган дараҳтлар ҳар баҳорда чаппар уриб гуллайди. Бу хонадонга дунёнинг турли бурчакларидан табрикномалар, ҳатлар, дил сўзлари оқиб келади. Катта-катта адабий анжуманларда номдор ёзувчилар, шоирлар бу меҳмондўст хонадон дастурхони атрофида жам бўладилар. Олима қизи Ҳулкар Олимжонова ҳам, келини Риояхон ҳам, жиянлари Гулчеҳрахон ҳам меҳмоннавозлик билан хизмат қиласидилар. Тўрда – Зулфия опа дўстлар жамолидан, юрагидан кувват олиб беҳад баҳтиёр. Ёнидаги стулда (бу Ҳамид Олимжоннинг ўрни) энг азиз меҳмон, одатий қунларда эса ўғли – хуқукшунос олим Омон Олимжонов ўтиради. Жажжи Темурбекни эргаштириб набираси Лола чараклаб келади. Ҳар байрамда шундай. Ҳар сафарги қувончли дақиқаларда шундай. У дўстлари йигилган қунларни дунёга бергусиз саодат, дейди. Шеър ўқиган, шеър тинглаган дамларини масъуд онлар, дейди.

1985.

Шеър тинглаган масъуд онлар!

Бундай дамлар менга бекиёс шодликлар баҳш этган. Ўша ҳузурбахш лаҳзалар ҳаётимнинг ёрқин дамларига айланиб қолган. Устоздан шеър тинглаган масъуд онларгача, унинг меҳрига, илтифотига сазовор бўлгунча мен ўшлиқнинг жўшқин йилларидан, машаққатли йўлларидан ўтиб келганим ҳақидаги ҳикояларни ҳам бу китобга киритишини маъқул топдим.

УСТОЗ ҚАНОТИДА

1959 йил. Олтин куз. 10-синфда ўқирдим. Муаллима Мұхаббат Жўраева синфга кириб, «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналини варақлаб, ҳатлар таҳлил қилинган сахифани очиб ўқидилар. Унда биз уч дугона – Ойдин Ҳожиева, Мұхаббат Тошева ва Назира Нуриддинованинг номларимиз битилган ва баҳсада қатнашиб, мактуб ёзганимиз учун миннатдорлик билдирилган эди. Мактабда байрам бўлиб кетди. Кейин журналнинг бўлим мудири Неъмат Тошпўлатдан хат

келди. Бизларга худди севимли шоира, журналнинг бош муҳаррири Зулфиянинг ўзи мактуб йўллагандек севинганмиз.

Тошкентга ўқишига келиш фикри ҳам ўшанда туғилган. Сехрли кадрдан бир овоз мени пойтахтга чорлайверган, чорлайверган...

Устозимиз Миртемир Зулфияхонимни «тонг куйчиси» деб атаган эдилар. Дарҳақиқат, Зулфияхоним номи, шахсияти, шеърияти, шон-шуҳрати табиатнинг яшариш фасли – баҳорга ва умрнинг му-наввар тонгига бир ҳовуч нурдай туташаверади.

Зулфияхоним деган латиф ва дилбар исм менинг болалик шу-уримга кириб келганига 50 йилдан зиёд вакт ўтди. Мактаб партасида эканимдаёқ бу нафосатли, ўқтам шоиранинг «Салом сизга, эркпарвар эллар!» шеърини ёд олиб, иштиёқ билан саҳналарда айтганман. Сўнг Тошкентга ўқишига келгач, бу азим шаҳарнинг файзли бир гўшасида Зулфияхоним деган нурли, сехрли инсон яшашини, аёллар учун чоп этиладиган «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналида бош муҳаррир бўлиб ишлаётганини билардим. Бу муқаддас даргоҳга боришга, дунёга таниқли шоира ила сўзлашибшига интилардиму юрагим дов бермас эди...

1963 йил. Сентябрь кунларининг бирида мени ушбу журнал таҳририятiga ҷақириб қолиши. Байрам мушоираси ёзилиши кепрак экан. Таниқли шоиралар Саида Зуннунова, Эътиборхон Охунова, Гулчехралар қаторида мени ҳам мушоирага айтишган эди, ҳаяжондан довдираб қолдим. Барчамизга 20 сатрдан шеър ёзишини тайинлашди. Шеърни битиб, ийманибгина таҳририятга келдим. Ўша пайтда журналнинг машҳур фотомухбири Борис Мизрохин (уни Мирзо Охун дейишарди) бизни суратга ола бошлади. Бир пайт эшик очилиб, баланд бўйли, хушсуврат, ўқтам, қошлари қалдирғоч қанотидай, назокатли Зулфияхоним кириб келдилар. Бизларни зеҳн билан кузатиб, кўзлари билан эркаладилар. Менга алоҳида меҳр билан бокиб, кўлимга қалам тутқазиб кўйдилар. «Сиз қалам билан тушинг, – атлас кўйлақда эканим уларга маъқул келди шекишли, – доим шундай чиройли бўлиб юринг», – деб кўйдилар...

Ўша биринчи учрашувдан сўнг мени журналхонлар билан ижодий кечаларга таклиф қила бошлашди.

1963 йил. Кузнинг соҳир кунлари. Офтоб майин нур сочади. Ҳавода сокин хаёллар кезади. Куз одатда Зулфияхоним учун учра-

шувлар, мухлислар билан мулоқотлар, юбилейлари ўтадиган фасл эди. Ана шундай файзиёб кезларда Зулфияхоним ўқиган хотин-қизлар билим юртига учрашувга бордик. Йигинда таҳририят ходимлари – ўша пайтларда танилган ёзувчи Марва Жалолиддинова, журналистлар Ўғилой Юсуфжонова, Роза Сайфиевалар ва устозимиз Озод Шарафиддинов ҳам қатнашишди.

Зулфияхоним минбарда сўзлаганида, шеър ўқиганида юзларидан нур ёғилиб, кўзлари юлдуздай порлаб кетарди. Шеър сатрларини ўқтам овозда, дона-дона қилиб, бироз эркалик билан, бироз нозланиб, суюмли бир алфозда ўқирдилар. Тингловчиларига меҳр, эҳтиром билан назар ташлар, юрагидаги меҳр-муҳаббат, эҳтиром, оналик туйғулари билан уларни эркалаб-эркалаб, ўзига мафтун қилиб сўзларди шоира... Ўшанда Зулфияхоним менга алоҳида илтифот билан қараб, сўнг залга нигоҳ ташладилар.

– Мен икки Ойдин ўртасидаман. Бири – муҳтарам устозим Ойдин Собирова... Бири – умидли, суюкли шоирим Ойдин Ҳожиева.

Шунда роса қарсак бўлиб кетди. Билмадим, эҳтимол ана шу ишонч, меҳр-мурувват юрагимда қатъият, катта мақсад, баҳтга интилиш туйғуси бўлиб, мени ойдин-ойдин йўлларга олиб чиққандир.

...Шу-шу «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали азим шаҳарда менинг маслаҳаттўйим, таянчим бўлиб қолди.

1963 йил, декабрь. Ўзбекистон телевидениясига журнал ҳақидаги кўрсатувга мени ҳам таклиф қилишди. Шеърларимдан ўқиб бердим. Ўша кўрсатувдан сўнг Уйғун домла шоир Барот Бойқобилов орқали мени сўраттирибдилар. Зулфия Йўлдошева деган талаба опам билан уйларига бордим. Уйғун бобо 1953 йилда Бўстондаги учрашувда ўзларининг шеърларини ўқиб берганимни эсладилар, университетда ўқиётганимдан суюндилар ва «Ёш ленинччи» (ҳозирги «Туркистон») газетасига оқ йўл ёзиб бердилар. 1964 йилнинг ёзидаги шеърларим босилиб чиқди.

Зулфияхоним илк шеърларимдан тортиб, «Болалик» достонимгача ўқиб, ўз фикрларини айтиб, гоҳ мақтаб, гоҳ койиб, гоҳ эркалаб, йўл-йўриқ кўрсатиб, доимо онадай меҳрибонлик қилгандар. Баъзи достонларим чиққанида кўнгиллари тўлмаган жойларини айтиб, мен бундай сатрларни ёзмаган бўлардим, деб кескин фикр ҳам билдирадилар...

«Саодат» журналида 1976 – 85-йилларда улар билан 9 йил ёнма-ён ишладим. Бу йиллар мен учун ҳақиқий ҳаёт мактаби, маҳорат, тажриба сирларини ўрганиш даври бўлди. Одамлар билан муомала-муносабат, ўкувчига хурмат-эҳтиром, устозларга ихлос ва садоқат, кийиниш маданиятидан тортиб, ўз қадрини химся қилишгacha – ҳамма-ҳаммасини Зулфияхоним мактабида ўргандим.

1965 йил, май. Университетни битиргач, яна Зулфияхонимнинг хузурларига бордим. Тошкентда қолиб, ишлаш истагимни айтдим. Ўша пайтлари матбуотда шеърларим пайдар-пай чикиб, «оқ йўл»лар берилиб турган эди.

Зулфия опа озгина сукут сақлаб турдилар-да, «Шарқ юлдузи» журналига қўнғироқ қилдилар. Масъул котиб шоир Шухратга мен ҳакимда гапириб, мақтадилар. Бир пайт менга қараб, Ойдинжон, чиқиб туринг, мақтовимдан эсанкираб қолманг тағин, дедилар...

Шундай қилиб, устознинг тавсияси билан 1965 йил 1 июлдан журналнинг назм бўлимида адабий ходим сифатида иш бошладим, сўнг бўлимини бошқардим, бу қадрдон адабий жамоада 11 йил меҳнат қилдим.

Шу йилларда ҳам доимо Зулфия опанинг меҳрини ҳис қилиб турардим, журнал жамоаси ҳам менга ишониб, мақолалар буюртма бера бошлади.

1967 йил. Ёз ойлари... «Шарқ юлдузи»да ишлардим. Ироқи дўппи кийиб, узун соchlаримни иккита қилиб ўриб, ташлаб юрардим. Навоий кўчасидаги 30-уй биносида «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали билан идорамиз ёнма-ён эди. Бир куни Зулфия опанинг ўринбосари Холида Ахророва мени хоналарига олиб кирдилар. Сизни ўзгартирамиз, дедилар. Гулчехра опа икковлари узун соchlаримни орқага йигиб, бирпасда турмаклаб қўйишиди. Роми долчин рангли ёғочдан нақшинкор қилиб ишланган катта кўзгу бор эди (дарвоҷе, щунча йиллар ўтса ҳам, ўша кўзгу ҳануз энг ноёб бисотдай сақланади «Саодат»да). Бирпасда ходимлар йиғилишиди.

«Ана энди яхши бўлибди. Сочингизни турмаклаб юринг», дейишиди. Шу орада Зулфия опа ҳам кириб қолдилар, ёқимли жилмайиб, ярашибди, дедилар.

— Энди талаба эмассиз, катта журналда ишлайсиз, ўзингизга қараб юринг, — дедилар устоз.

Катта хонадондаги каби самимият, меҳрибонлик, ҳарорат сезардим хотин-қизлар журналида.

1969 йил. Ёзувчилар учун қурилган уй тақсимланаётган эди. Мен у пайтда ҳали Ёзувчилар уюшмаси аъзоси эмас эдим. Тузалиб, оёққа туришим, қўлимга қалам олишим даргумон, 5 йил заҳ, совук ижара уйларда яшаш ўз асоратини кўрсатган эди. Шунда Зулфияхоним Ёзувчилар уюшмаси раиси Комил Яшинга қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирибдилар. Лекин устозимга квартиralар тақсимланиб бўлганини айтишибди.

Марказкомнинг ўша пайтдаги раҳбарларидан бири Оқил Умрзокович Салимовга қўнғироқ килишга мажбур бўлибдилар.

— Ёш ёзувчига уй берилмаса, кимларга берилади, — дебдилар.

Кутилмаганда хужжатларимни суриштириб қолишибди, масала тезгина ҳал бўлди. 1970 йилнинг бошларида Марказ-І даги уйнинг 9-қаватидаги З хонали квартирага кўчиб ўтдик. Азиз устозимнинг буюк ҳиммати билан ватанлик бўлдик. Бу воқеани мен кейинроқ бошқалардан эшитдим, ўзлари ҳеч қачон айтмаганлар.

1970 йил. Ёз ойлари. Зулфия опанинг қошига бордим. Анча гурунглашдик. Устоз бирданига сўраб қолдилар:

— Нега Уюшмага аъзо бўлишга ҳаракат қилмаяпсиз?

— Кандай бўларкин? Тавсиянома берасизми? — дедим.

— Жоним билан, — дедилар ва уч кунда тавсия ёзиб бердилар.

Устоз Миртемир, Шухрат, Ҳамид Ғуломлар ҳам ёзиб беришибди. 1971 йилнинг августида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндим.

«ТАВСИЯ

Мен Ойдин Ҳожиевага Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиб кириш учун тавсия бераман. Жаҳонда энг катта ва илғор адабиёт бўлган бизнинг адабиётимизни бойитувчилар, яратувчилари каторига ўз

асарлари билан жуда дадил кириб келган Ойдин Ҳожиева шу сағнинг чинакам бир ҳалқаси эканига ўзи ҳам оқибат ишонч ҳосил қилиши керак. Бу ишончни Ойдин қалами жуда тез ўзига йўл топган китобхон муҳаббати бағишлади. Бу санъат демакдир.

Ойдиннинг ilk шеърларидан тортиб, ҳозирги кунгача ўтган ижодий йўли жуда қисқа дейишимиз мумкин, негаки ҳаёт ва ижод йўлининг ҳали ҳаммаси олдинда, келажакда. Лекин ўша ўтилган ҳали кичик йўлда ўқувчи аниқ, теран, қайноқ туйғуларга тўла, салмоқли, тиник фикрларни, энг қувончлиси, ана шу хис-туйғу ва фикрлар аниқ, ёрқин образли ифодаланган шеърларни териб олади, уларни севиб, ўзиники қилиб олади. Демак, бу шеърлар ҳақиқий шоир асари.

Ойдиннинг «Шабнам» шеърлар тўплами унинг ilk китоби. Лекин бу китоб яхши китоб, ҳақиқий шеърият тўла юрак ва қалам маҳсули. Кишида шодлик ва фикрлар, хис ва ҳаяжон уйғота биладиган ёш қаламнинг нафис ва тоза, шаффоф ва теран кўшиғи, кўшиқни истеъдод эгасигина тўқиёди.

Ойдиннинг бу китобдан кейин ёзилган шеърлари ҳам икки мажмуя қилиб нашриётга топширилди. Мен бу китоблардаги шеърларнинг кўпчилиги ва «Келинчак» достони кундалик матбуот сахифасидан чиқиб, аллақачон шеърият муҳлисларининг юрак йўлдоши бўлиб қолганидан воқифман ва бениҳоят шод, мағурман.

Ойдин ва унинг тенгқурлари бўлган қизларимиз ижоди ўзбек адабиётимизда салмоқли экани ўта ифтихорли. Буларнинг ҳеч бири иккинчисига ўхшамайди, ҳар бирининг ўз кўшиғи, ўз услуби, рангли қалами бор. Жуда кўп ва жиддий меҳнат қиласидан камтаринларидан бири Ойдин, албатта.

Ойдин шеърни яхши ёзади, шеърни яхши таржима қиласиди, шеър ва шеърият ҳақида яхши фикр юритади. Бу меҳнат ва фазилатнинг ҳаммаси соғдил ва ёшлиқ завқи билан суғорилган, ҳаётни севиш ва уни куйлаш, ҳалқни севиш ва унга хизмат қилиш оташи нурлантирган ижод маҳсули.

Ойдиннинг ҳаёт ва меҳнат майдони – ватани шеърият, адабиётдир. У бу шеърият майдонисиз, ўзини тасаввур қилолмайди. У қаламни кўлда маҳкам тутгани, бу унинг ҳалққа хизмати, ҳаётдаги яшаш маъноси бўлиб колган – демак, у ҳақиқий шоир.

Ойдинни хаёт, кенг ўтмиш ва келажаги билан хаёт яратишга чакиради, кўшиқ, ижод, дард ва шодлиги, китобхон ташналиги, маданиятимиз ривожи учун хизмат қилиш истаги муттасил қалам тебратишига даъват қиласди. Биз уни ўзимизнинг катта сафимиз, ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИГА аъзо қилиб қабул қилишими унинг ўз ижоди кучига ишончини мустаҳкамлайди, бутун адабиётимиз, халқимиз олдидаги бурчини, масъулиятини янада ўткирлаштиради. Мен Ойдиннинг адабиёт заҳматкашлари сафига – уюшмага қабул қилинишига севинч ва ифтихор тўла дилдан тавсия қиласман. Биласман, ишонаман, бу меҳнаткаш ёш қаламнинг камолоти жуда якин. Оқ йўллар, катта-катта довонлар, ёрқин уфқлар уни кутади ва бу йўлни Ойдин Ҳожиева меҳнат ва истеъоди берадиган, бизнинг ишонч берадиган ижод мевалари билан тўлдириб боради.

ЗУЛФИЯ,

Ўзбекистон халқ шоури.

3.08.1970».

КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

1970 – 75-йиллар мен учун оғир келди. Кизалоғим ёш, саломатлигим унча тикланмаган, шеърларимда шу кайфият акс этарди. 1973 йилда биринчи рўзгорим барбод бўлди. Зулфия опа энг машаққатли дамларимда тушимга кирав, сухбатларини кўмсаб борар эдим. У киши доим очиқ чехра билан кутиб олар, шеърларим ҳақида фикр билдирав, ўз ҳаётидаги ҳижрон дамларидан сўйлаб, менга таскин берардилар.

– Ойдинжон, ҳали ёшсиз, ҳаёtingизнинг энг қувончли йиллари олдинда. Ҳадеб ҳижронзада шеърлар ёзиб, чиқараверманг. Тақдирингиз ўзгариб кетса, турмуш курсангиз, уялиб қоласиз. Менинг йўлим бошқа. Мен ўз тақдиримни ҳеч кимга раво кўрмайман.

Шундай деб, устоз елкаларимдан кучиб, юзларини юзларимга кўйиб, узок туардилар. Хушбўй нафаслари, онадай куюнчаклигидан баҳра олардим. Кетма-кет мақолаларим, шеърларим, таржималаримни «Саодат» эълон қила бошлади. Ўша йиллари устоз ўз сайланмаларининг иккала китобини совға қилдилар.

«Менинг суюкли ва умидли шоцрам Ойдинга бениҳоя ойдин шеърлар ва гўзал тўлиқ тақдир истайман. Зулфия.1974».

«Ойдинхон! Шеърият ва илҳом ҳамиша Сиз билан, мен Сизга ҳақиқий аёл баҳтини, севгили, покиза аёл тақдирини тилайман. Зулфия 18.07.1975».

1975 йил. Зулфиянинг 60 йиллик юбилейи арафасида у ҳақда ўнлаб, юзлаб шеърлар, мақолалар чоп этилди. Мен ҳам севимли устозимга бағишилаб ёзган шеъримни учрашувларда ўқиб бердим, маъқул келди:

СИЗ – ЭЗГУЛИК

Табассум ўрнида қутдим чараклаб...

ЗУЛФИЯ

Сиз ҳаётни севиб жон-жондан,
Аталдингиз жондан суюклик.
Оловланди нозик түғёнлар,
Шеърга тонгдай кирди буюклик.

Мұхаббатнинг етуқ достони
Жаранглади тилларда такрор.
Яйраб, яшнаб, севгида ёниб
Күйладингиз мағур, баҳтиёр.

Тошқинларнинг шамолларидан
Шунда музлар синиб қолдилар.
Чаманларнинг жамолларидан
Кўзлар тиниб-тиниб қолдилар.

Сиз – эзгулик, бармокларингиз
Зар сўз билан палаклар битган.
Сиз – дарёсиз, ирмоқларингиз
Боғу роғлар оралаб кетган.

Шеъриятнинг олтин тахтида
Бўстонларга айланди меҳнат.

Қалб аталған дарднинг баҳтидан
Қанотланди сұнмас мұхаббат!

Сүз шалола бўлди тоғларда,
Камалакдай порлади чунон.
Дардлиларни асраб доғлардан,
Бахтлиларга жўр бўлди шодон.

Сиз – Мұхаббат, гўзал, баркамол
Куйлаб ўтди Ҳамид Олимжон.
Сиз – Садоқат, мұхтарам Аёл
Матонатин этган намоён.

Иродани шарафлай бугун,
Олқишилайин гўзал ҳижронни,
Чин вафога бахш этиб хусн,
Буюк тимсол этди Инсонни.

Сўздан дилга кўприклар ташлаб,
Не манзилдан, не йироқлардан,
Кўп кўшиклар терарсиз ташна,
Йўлдан, дилдан, дўст нигоҳлардан.

Улуғ элнинг келажагига
Юрагини пайваста этган
Сиз – дарёсиз, ирмоқларингиз
Боғу роғлар оралаб кетган...

1976 йил, октябрь. Опанинг ҳузурларига бордим, бу гал журъят
қилиб, иш сўрадим.

– Ишингиз яхши-ку! Катта адабий журнал бўлса... – дедилар.

– Ҳамма эркак ходимлар ичида бир ўзим ишлагим келмаяпти, –
дедим маъюсланиб.

– Тушунарли. Лекин мен қаттиққўлман, сафарларга чиқасиз.
«Шарқ юлдузи»да шоира бўлиб танилдингиз, биз энди Сизни жур-
налист қилишимизга тўғри келади.

Дарҳакиқат, «Саодат»да ҳаёт қайнар, Зулфияхоним ходимлари билан баравар меҳнат қилар, материалларнинг таҳририни кўрсангиз, шудгор, дердингиз.

Биринчи мақолам «шудгор» бўлгач, хафа бўлиб, аразладим. Устоз хоналига чақирдилар.

— Мақолангиз ёмон эмас. Лекин лирика кўп. Бу ижтимоий-сиёсий журнал. Аниқ фактлар, таҳдиллар, хуносалар керак бизга... Мен билан муносабатингизни бузар экансиз, нега ишга кирдингиз бўлмаса? Бунақа аразчи бўлманг, эътиrozни тўғри қабул қилинг...

Бу гаплар менга сабок бўлди. Зулфияхоним чиройли, сипо кийинганни яхши кўрар, ўзлари ҳам басавлат, вазмин кийиниб юрадилар. Улардан журъатни, ўқтамликни, интизомни, муомалани ўргана бошладим.

Зулфия опа менга кўпинча Ойдинжон, Ойдинхон деб сўзланардилар. «Ойдин» — десалар бир нарсадан кўнгил тўлмаганликни, «Ойдин Ҳожиевна» — десалар, «сал ўзингизни босиб олинг», маъносини уқардим.

Бир куни янги пальтода, сувсар телпак кийиб ишга бордим. Қизлар Зулфия опага етказишибди. Дарров хонамга кирдилар:

— Қани, Ойдинхон, янги пальтони кийиб кўрсатинг, телпакни ҳам.

Мен хурсанд бўлиб, кийиб кўрсатдим. Устозга ёқди шекилли, эркалаб, елкамга қоқдилар.

— Ҳамма либосларингиздан яхши бўлибди. Шундай юринг. Олифтахон-эй!

Суҳбатларимиз кўпинча иш чегарасидан чиқиб, ҳаётий мавзуларга кўчиб қоларди. Устозлар ҳақида, Ҳамид Олимжон ҳақида иштиёқ, меҳр билан сўзлардилар. Ҳамид Олимжон шеърларидан ёд ўқирдилар, мен ҳам қўшилардим.

Ҳамид Олимжондан шеър ўқийман:

Севги десам, фақат сен десам,
Сенинг билан яшаса қалбим.
Сен десам-у бутун дунёning
Шўришига қулоқ солсам жисм...

Зулфия опа ўзларидан ўқийдилар:

Наҳот шунча масъум, шундай пок
Севиши моқда алам бор шунча?
Бардоши бермас иродада, идрок,
Тамоман лол ақп тушунча...

Баъзан Зулфия опа дилгир бўлиб қолсалар, Насимахон Юсупова (бўлим мудири) менга, Ойдинжон, ёнларига сиз киринг, деб у кишининг хоналарига йўллардилар. Шеър, сухбат, азиз кишисининг ёдидан устозининг кайфияти бирданига яхши бўлар, ҳамкасларимиз хам кувнаб, очилиб юришарди.

Катта мушоиралар, адабиёт байрами, пушкинхонлик кечаларига устозим албатта мени ҳам рўйхатга қўшар, қайси шеъримни ўкишини, қандай либосда чиқишимни, саҳна маданиятини ўргатардилар. Бундай анжуманларда албатта Зулфияхоним раислик қиласардилар.

1977 йил, ёз. Шоира қизлар «Саодат»га йигилдик. Шунда қизлардан бири Иброҳим Ғафуровдан сўз очиб қолди.

– Сизга шундай бир олийжаноб, маърифатли киши керак-да, опа, – деди бири менга юзланиб.

– Ўйлаб кўриш керак. Бундан муносиброқ номзод йўқ, – дедилар Зулфия опа. – Лекин Сизга уйланиб, яна бизни унтиб юбормасинлар...

Ярми ҳазил, ярми чин айтилган бу гапларга фаришталар «омин» деган экан, тақдиримиз қўшилди...

1980 йил, 8 апрель. Онам Тошибиби Жаҳмат қизи дунёдан ўтдилар. Навоийга жўнадим. Баҳор, ҳаммаёқ гулга бурканган чаронғон кунлар онамдан айрилиқ юрагимни ўртаб юборганди. 11 апрель куни Бўстондаги ҳовлимизга «Саодат» журнали бўлим мудири Роза опа Сайфиева кириб келдилар. Зулфия опа мендан кўнгил сўраб, таъзия билдириш учун атайлаб Роза опани жўнатибдилар. Қариндошлар, опаларим бениҳоя миннатдор бўлишди...

Тошкентга қайтганимдан сўнг, Зулфия опа ёнларига Холида Ахроровани олиб, уйимизга келдилар, таскин берив, кўнглимни кўтардилар. Бундай меҳр-оқибат, чин инсоний фазилатлар устозни яна ҳам дилимга яқин қилди.

1985 йил июль ойида Зулфияхоним нафақага чиқдилар. Шу йилнинг августида мен «Гулхан»га Бош мухаррир бўлдим. Устоз суюндилар. Дўрмондаги боғ ҳовлиларига бордим. Опа соғинган экан-

лар, анча сұхбатлаштық. Дид билан жиҳозланған хоналарда бирор-та ортиқча нарса йўқ. Дарпардалар, дастурхон табиат рангида эди. Мұхаррирлик масъулияты, жавобгарлик түйгүси ҳақида гапирдилар. Китoblари чиққан экан. Сұрашга ботинмай турувдим, ўзлари чиroyли мулойим табассум билан, дастхат ёзib «Қатра» китoblарини тұxфа этдилар.

«Ойдинжон!

Эндилікда менга маңқул бўлган йўлга тушиб олишингиздан беҳад шодман.

Икки соҳада ҳам тенг парвоз билан яшашингизни истайман. Шеъриятнгизнинг жўшиқин дарёсидан узоқ йиллар элимиз баҳраманд бўлсин.

Зулфия. 26.IX.85.»

1988 йил. Устоз қизим Малоҳатхоннинг тўйида иштирок этиб, ғоят самимий сўзлаганлари, набира кўрганимда ҳайдовчилари орқали чиroyли совғалар юборганлари доимо эсимда туради.

1992 йил 25 май. Менга «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берилган ўша куниёқ эрталаб қўнғироқ қилиб табрикладилар:

– Ойдинжон, Сиз бундай унвонга жудаям муносибсиз. Хузурини кўринг. Оғзингизни тўлдириб, халқ шоириман, деб юринг!

Бу сўзлардан жону жаҳоним ёришиб кетди. Устоз ўз шогирдларининг ютуқларидан севинишни яхши кўрардилар.

– Иброҳимжонга турмушга чиқиб, фикрингиз очилди, ўсдингиз, шоира ва шахс сифатида камолга етдингиз, – дер эдилар таъкидлаб.

1992 йил, 15 июнь. «Баҳор» концерт залида 50 йиллик таваллуд байрамимга Зулфия опам қизлари Хулкар билан анча вақтли келдилар. Жуда хурсанд бўлиб Иброҳим ака ва менинг ёнимда туриб меҳмонларни бирга кутиб олдилар. Залда камтарингина бўлиб учинчи қаторда ўтирдилар. Мен саҳнада ўтириб, азиз устозим мухлислар қатори пастда ўтирганидан хижолат эдим. Тадбир ниҳоясида сўз беришганда, устозимни тавоф этгали, яхши кунларим, эришган мартабам, топган иззатим учун ташаккур айтгали залга югуриб тушдим. Устоз бағрини очиб, менинг пешонамдан ўпиб, гулдастани қабул қиларканлар, Зулфия шарафига ҳаяжонли гулдурос қарсаклар бўлиб кетди. Устозим мендан кўра кўпроқ шодланган, суюнган эди ўша кунлар...



Зулфия, О. Ҳожиева, И. Ғафуров. 1992 йил 15 июнь.

Йиллар ўтаверди...

1994 йил, 25 август. Мени «Саодат» журналига Бош мухаррир этиб тайинлашди. Устозим беҳад севиндилар. Ўша йили мустакил Ўзбекистоннинг биринчи – «Дўстлик» ордени билан мукофотландилар.

1994 йил, декабрь. Вазирлар Маҳкамасида мукофот топшириш маросими бўлди. Президент Ислом Каримов Зулфияхонимга орден топширарканлар, шоира чексиз самимият, оналарча меҳр билан у кишининг елкасидан кучиб, пешонасидан ўпдилар ва ихчам, ёрқин сўз айтиб, «Халқимга айтар сўзларим» шеърини ўқиб бердилар. Хурсанд бўлиб, чақнаб эшикдан чиқиб келаётган азиз устозимни табриклашга ошиқдим. Устозим мендан аввал бағрини очиб, янги вазифам билан табриклидилар-да, чиройли гулдасталарини менга совға қилдилар... Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов Зулфияхонимнинг ҳиммати, меҳрини кўриб, у киши ҳам гулларини менга тутқаздилар. Шоиримизнинг кўксига ҳам «Дўстлик» ордени ярқираб туради.

ДАМУК НИҚОЛДАРДЫҢ МЕДАЛДАРЫ

ДУР КАБИ НОЁБ

Журналдың 10-жылдык мүнисибдик жылдарынан бастап

1976 йил. «Саодат» журналига янги ишга ўтган кезларим. Бир куни навбатдаги сонга икки-уч ёш шоиранинг шеърларини тавсия этгандым. Ишга келсам, столим устида бир даста шеърлар: таҳрир ҳам қилингандар, мисрама-мисра таҳлил этилган, сахифаларда савол аломатлари...

«Ойдинхон! Бу қызлар шеър нима эканлигини яхши тушун-майдилар! Улар ҳали осмонларда юрибдилар. Ердаги меҳнатдан, ҳаётдан мутлақо хабарлари йүқ. Бундай шеърларни менга тавсия этманег!»

Дарҳақиқат, бу шеърларда нукул – «космон», «вафо», «хижрон» каби сўзлар «бачкилаб» кетган эди. Ўша куни Зулфия опа билан сұхбатимиз узоқ чўзилди. Руҳим ниҳоятда енгил тортиб, шеърият ҳақидаги ҳали мен билмаган сирларни билиб олдим. Ўз шеърларимга ҳам бошқача назар билан қарайдиган бўлдим. Ўшанда устоз ниҳоятда самимилик ва меҳрибонлик билан ижод ҳақида сўйларканлар, дарҳақиқат, шеърнинг захмати улуғ эканлигини яна тақрор англағандим. Мана шу туйғу билан шеърларни қайта ўқиб ва янги-янги қирраларини топиб, шеърдаги ҳикмат ва ҳақиқатларни ҳаётдан излайдиган бўлиб қолдим.

Шунда ҳар бир асар шоирнинг ёки ёзувчининг эътиқоди меваси, катта ҳаётий тажриба ва изланишлари самарааси эканлигини ҳис эта бошладим. Устознинг қаттиққўллиги, синчков назари шогирд учун нақадар қадрли ва зарурлигини англағадим.

Одатда Зулфия опанинг тортмаларида бирор асар узоқ қолиб кетмайди. Яхши асар бўлса, эртасига ёк қўнғироқ қилиб табриклайдилар, ё албатта муаллифига мактуб ёзадилар. Бу мактублар шоирона фахр, хаяжон билан, кўнгилни қўтарувчи, янги асарлар ёзишга ундовчи олийжаноб сўзлар билан тўла бўлади.

Бир куни шеърларимни ўқиб, журнал учун танлаб, қолганларига ўз фикрларини ёзиб қўйибдилар. Аввал ютуқларимни таъкидлаб, сўнг шундай дедилар:

– Мана бу шеърни мен бўлсан, ёзиб ҳам ўтирмасадим. Ҳаётда балки бундай ҳодисалар бўлгандир, лекин бу ҳол шеърга предмет бўла олмайди. Агар ҳамма нарса сиз тасвирилагандай бўлаверса,

хаётда яшаб бўлармиди? Мен ёрқин, жасоратли шеърларни яхши кўраман. Ҷардда ҳам ёрқинлик бўлади. Факат уни кўра билиш керак.

Журналнинг бир сони юзага чикқунча, қанча режа тузиш, андоза, корректура, таҳрир жараёнлари бўлиб ўтади. Бош мақолаю ҳикоядан тортиб, журналнинг сўнгги сахифасидаги икки-уч жумладан иборат пазанда маслаҳатигача ҳаммасини ўқиб, назардан кечирганларини кўриб Зулфия опанинг меҳнаткашлигига, масъулият туйғусининг юксаклигига ҳавасимиз келарди. У пайтларда журналнинг хомаки макети тузилиб, шрифтлар, кегеллар кўрсатилар, клишелар ёпиштирилар, жойлаштириладиган суратларнинг ҳажми миллиметрларгача, ўлчаб, белгилаб қўйиларди. Рассом ва техник муҳаррир Зулфия опага тасдиқлатиш учун олиб кирганларида, бош муҳаррир синчилаб кўрап, жуда кўп сахифаларни янгидан макет қилишар, корректура келганида яна шундай жараён бошланарди. Зукко муҳаррир қайта-қайта ўзгартиришдан чарчамасди, баъзан эса хижолат бўлиб, менга кўрсатсангизлар сизларга шундай иш ортираман-да, деб қўярдилар.

Шундай пайтларда, иш ўрганинг, деб мени ҳам таклиф этардилар. Материал тайёрлагандан қандай расм билан безаш, қандай фотолар бериш, макетни қандай тасаввур қилиш кераклигини тайинлардилар.

Журналга оқиб келаётган минглаб мактубларнинг қарийб барчасида Зулфия номи зикр этиларди, шоирадан маслаҳат, йўл-йўриқ сўраганлар жуда кўп эди.

Зулфия каби олийжаноб, тиниб-тинчимас, ўзини тамоман элу юрт қайғуси, севинчи билан тирик деб билгувчи улуғ санъаткоргина ижодкор шахсdir. Унинг ҳароратли, камалак рангларидек хилмалил шеърларида нимаики бўлса, инсонпарварлик, хаётсеварлик шуълалари бўлса – ҳаммаси мана шу бедор юракдан, ўқтам ва меҳнаткаш шоира Зулфиянинг ҳаётидан, кундалик турмуш тарзидан зарра-зарра бўлиб, сехрли бир олов бўлиб ижодига ўтган, десам янглишмайман. Унинг қаламига тушган сўз янгиланиб, порлаб кетади. Аёл қалбини, суратини «чизганда» (шоира «ёзмокдан») кўра «сурат чизмок» деб ишлатади) сатрлар аро ҳароратли эпкин, нафис шабада ҳилпираб туради.

Нурланади дагал бармоқлар,
Күзларидан жон олар құшиқ.
Қонидаги янги ирмеклар
Замзамасин чизишга ранг йүк.

...Мен чизаман нон, севги, меҳнат,
Нондек азиз аёл суратин.
Шу камтарин, шу улуг санъат
Менинг юртим, менинг шұхратим.

Ўз кечинмаларига гал келганида сўзларга бўрон оралайди, тошқин, жала, түғён, сел шариллайди оҳангларда.

Инсонга ящаши, курашини табиатнинг ўзи ўргатади. Табиат инсонни тоблайди, фикрини чархлайди, улғайтиради, сабру қаноатни ўргатади.

Бўрон қучогида қолдим бир оқиом,
Табиат ва қалбим ичра тўполон.
Нақ илк бор май тўла сипқоргандай жисом,
Бир қанотим – ором,
Биттаси – түгён.

Бир янги шеър қофозга тушгунча шоир юрагида неча бор чақмоқ олови ёнади, илҳом дўллари савалайди қалбини. Табиатни бўрон янгилаб, яшартиргандай илҳом кийноғи, сўз машаққати хар гал юракни янгилайди, софлайди, бу гўзал лахзаларда илоҳий чечаклар очилади. Зулфия шеърларини ўқиганимда кўнглимнинг сокин кўлларида довул туроди, руҳим осмонида гулдирак уйғонади. Бу ҳақиқий шеъриятнинг сехру жозибасидир. Бундай шеърият сизни мафтун этади, ҳайратга солади.

Зулфия шеърларида «қўшиқ» сўзи кўп учрайди. Бу бежиз эмас. Қўшиқ – юракка яқин сўзларнинг инсон тилига кўчган ҳаёти. Қўшиқнинг қаноти бўлади. Уни бирор йўлда куйласа, бирор чашма бўйида, бирор меҳнат авжида куйлади. Қўшиқ дарё каби оқиб юради. Шамолдай эсиб ўтади. Қўшиқ йўлга ўхшайди – инсонни уфқларга чорлайди, тоғларга ўрмалаб боради, дарё бўйларига элтади, из тушмаган маконларга инсон билан бирга бораверади. Яхши шеър ҳам шундай, доимо ҳаракатда. Яхши шеърни ёзиш эса мушкул.

Эмиш, баҳор ёмғирлари фасли келганда, дарё бўйида чиғаноқлар ёмғирга оғиз очармишлар. Улар илиб олган ёмғир томчиларининг мингтасидан бири – дур бўлармиш, қолганлари эса – марварид. Шу сабабли ҳам дур ноёб ва қимматбаҳо аталарниш. Бу эҳтимол афсонадир. Лекин, мен Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг шеърларини ўща ягона-ягона дурга жуда-жуда ўхшатаман.

МАЛИКАДАЙ УЛУҒВОР, ОНАДАЙ МЕҲРЛИ

Ён дафтарлар вақти келиб ҳаётингнинг бир бўлагига, умринг кўзгусига айланиб қолар экан. Суҳбатлар, учрашувлар, мушиоиравлар, анжуманларда дўстларинг, устозларинг, дугоналарингнинг чехралари ён дафтарнинг саҳифаларидан чиқиб келаверади. Улар юрагингга нур багишлайди, кўнглингни тўлдиради, ўтган ийларингга ёруғлик сочиб туради. Устоз Зулфия билан ёнма-ён ишилаган йилларим, дилдан суҳбатлар, сирлашувлар менинг учун ана шундай ноёб бир тухфа бўлиб қолган. Кундалик дафтаримни варақлайман. Зулфияхонимнинг иссиқ чехраси, самимий сўзлари, аслзода қиёфаси, меҳрибон нигоҳлари жонимга малҳам бўлади.

1982 йил 8 июнь. Ҳар йили буюк рус шоири Пушкиннинг таваллуд кунларига бағишлиланган шеърият кечалари бўлиб ўтади. 7 июнь куни «Баҳор» концерт залида устоз Зулфияхоним пушкинхонлик кечасини бошқардилар. Зал одамлар билан тўлган, саҳна чиройли безатилган, улуғвор ва сипо либосларда Зулфия анжуманнинг маликасига ўхшардилар. Ўзбекча ва русча олиб борилган пушкинхонлик кечаси жуда файзли, мароқли ўтди. Шоиралардан Гулчехра Жўраева ва Ҳалимахон Пушкин шеърларидан ўқишиди. Ҳар бир шоирга сўз бераркан, ниҳоятда гўзал лутфлар билан уларни саҳнага чорлар эди Зулфия опа. Ўша куни тишилари оғриса ҳам оғриқли кайфиятларини мутлақо сездирмай, пушкинхонлик кечасини бошқардилар. Эртаси куни ишга келдилар ва хоналарга ўтаётib, менинг хонамга мўраладилар. Гулчехра Жўраева ва Шаҳодат Исахоновалар билан сухбатлашиб ўтирган эдик. Зулфия опа биз билан сўрашдилар, киринглар, соғиниб кетдим сизларни, дедилар. Устоз ҳузурида анча гаплашиб ўтиридик, шеърлар ўқидик, ҳаммамиздан ҳол-аҳвол сўрадилар. Мен зарур бир камёб дорини

тополмаётганимни айтдим. Дархол дорихоналар бошқармасига телефон қилдилар. Чукурсойдаги дорихонада бор экан, машиналарини юбориб, олдириб келтирдилар. Энди яхши бўлиб кетасиз, деб тасалли бердилар. Мен устознинг бу меҳрибончилигидан кўнглим ийиб, аллақандай бир туйғу аро раҳмат дейишимни ҳам, қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмай анча муддат жимиб қолдим. Узоқ тополмай юрган доридан муолажа бошлаб, ўзимни анча яхши сездим.

1982 йил 10 июнь. Зулфия опа эрталаб ишхонага келиб, белорус шоираси Эди Отнечевтдан таржима қилган «Тасаввур этмам» сарлавҳали шеърни кўчиртирдилар. Кейин Максим Танқдан ўзлари ўзбек тилига ўтирган «Янка Купала ҳайкали қаршисида» шеърини ҳам кўчиртириб, қайта кўриб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига бердилар. Тишлари безовта қилаётган экан, боғга бориши олдидан докторга борсаммикин, деб отландилар. Озгина дам олай, мана бу кунлар (пушкинхонлик) мени анча толиктириди, дедилар. Зулфия опа ҳар куни боғдан тарам-тарам чиройли олмаларни саватчага солиб, биз учун олиб келардилар. Бизни хурсанд, баҳтиёр, чиройли кўрсалар, суюниб, мақтаб, кўнгиллари тўлиб, хурсанд бўлиб юардилар. Кўп шеърларини сахарда ёзганларини айтардилар. Аслида Зулфия опа күш уйқу эдилар. Кўпинча уйқу дори билан ухлардилар. Яхши ухламасалар ҳам, доимо ўқтам ва кўркам киёфада ишга келардилар.

– Маним барча дардларим, қайғуларим – ҳаммаси уйда қолади. Остонадан қадам босиб чиқишим биланоқ мен бошка Зулфияга айланаман, – дердилар.

Бетобликларини, нохуш қайфиятларини атрофдагилар сезишини хоҳламасдилар.

Зулфия опа андак ғамгин, нохуш кўринсалар, биз дарров Ҳамид Олимжондан сўз очардик. Унинг шеърларини ёд айта бошласак, Зулфия опа Ҳамид Олимjon шеърларидан ёд айтиб, сухбатимизни қизитардилар, қайфиятлари кўтарилиб, жаннатмакон шоиримиз Ҳамид Олимжон ҳақида яйраб-яшнаб сўз очардилар. Бир куни ёзувчи Саъдулла Сиёевнинг «Сарвиноз» ҳикоясини тайёрлаб олиб кирдим. Зулфия опа ҳикояни ўқиб маъқулладилар. Ундаги йигит образининг нимасинидир Ҳамид Олимжонга ўхшатган эдилар.

— Биз Ойдин опа ва Ҳамид Олимжон билан бирга театрга ёки учрашувларга борсак, у кишига эшилтириб: «Ҳозир Ҳамид Олимжон эшикни очиб, бизни ичкарига ўтказиб юборадилар... Ҳозир Ҳамид Олимжон пальтоларимизни кийдириб қўядилар...», — дер эдик. Ҳамид Олимжон ёш боладай кувониб, оппоқ тишлари яраклаб куларди-да, бизни олдинга ўтказиб юборар, пальтоларимизни кийдириб қўярди. Одамлар Ҳамид Олимжондай мағрур йигит шунчалар мулойим тортиб, гапга кирадиган бўлиб қолганига ҳайрон бўлишарди...

Қиши кунлари эди. Яхмалак отишга чиқдик. Ўшанда Хулкар туғилишига озгина қолган. Яхмалак учай десам, учолмайман. Шунда Ҳамид Олимжон, қани, хоним, ўтиринг, менинг пальтоимдан ушланг, мен сизни чана тортгандай яхмалак учирман, деди. Кийкириб, щодон бўлиб яхмалак учдик... Ҳамид Олимжон жуда меҳрли, сезгир ва ниҳоятда топқир инсон эди. Бир куни зиёфатга бордик. Баланд пошинали туфли кийиб олганман. Юришга қийналаман. Қайтаётганимизда юриш яна ҳам машаққат бўлиб кетди. Шунда Ҳамид Олимжон, қани, хоним, туфлингизни ечиб менга беринг, мана буни кийиб олинг деб, туфлисини ечиб ёғимга кийдириб қўйди. Мен Ҳамид Олимжоннинг катта туфлисини кийиб, у эса ялангоёқ уйга қайтганимиз...

Ҳаётининг бу кувончли, завқли лаҳзаларини у юзлари ёришиб, худди ўша ҳолатни кайта бошидан кечираётгандек ҳузурланиб сўзларди. Балки, мана шу лаҳзаларнинг сўнмас ёди Зулфияга то сўнгги нафасигача куч-кувват, мадор, сабр-тоқат бергандир...

1983 йил, 1 июль. Республикализнинг жуда кўп жойларида шоира Жаҳон отин Увайсийнинг 200 йиллик юбилейи тадбирлари бўлиб ўтди. Зулфия опа юбилей комиссияси раиси эдилар. Фарғонада, Шоҳимардонда, Марғилонда бўлиб ўтган увайсийхонлик кунлари файзи, шукухи Тошкентга кўчди. «Бахор» концерт зали саҳнасида ҳалқимизнинг суюкли, таникли олима, шоиралари жам бўлганлар. Зулфияхоним худди юлдузлар буржидаги энг ёрқин юлдуздай чараклаб тўрда ўтиради. У малла рангли, ҳошиялари сарик ипак билан тикилган каштали кўйлакда маликаларга ўхшаб кўринарди. Опанинг теграсида булбул овозли Ҳалима Носирова, таникли олималар Музайяна Алавия, Суйима Ғаниева, Махбуба

Қодирова, Эътиборхон Иброҳимовалар чиройли бўлиб тизилишган. Кечанинг раисаси Зулфия шоираларга, хонанда қизларга илтифот ва назокат билан сўз берар, газаллар шеърларга, ашулаларга, сўзларга уланарди. Кеча файзга, сурурга тўлиб борарди. Мен ҳам ушбу кечада Жаҳон отин Увайсийнинг «Мандин ўрганди» радифли ғазалини ўқидим. Устоз аruz вазнида жуда кам ёзсалар-да, бу кеча Увайсийнинг «Замона кулфатидин бу кўнгил доғ ўлди, доғ ўлди» ғазалига татаббу қилиб ёзган «Тоғ ўлди, тоғ ўлди» радифли мухаммасни ўқиб бердилар. Мухлислар ҳаяжон билан тинглашди, узоқ олқишлишади. Азиз ҳофизамиз Ҳалима Носирова кеча бошланиши олдидан шогирди Мақсадхон Юнусовага Увайсийнинг «Забонингни кетургил, эй шакарлаб тўти, гуфтора» матлаи билан бошланувчи ғазалини ўргатдилар. Мақсадхон бу ашулани шунчалар маромига етказиб куйладики, «Баҳор» концерт залининг шифтлари зириллаб кетди. Мақсадхон ашула айтаркан, Ҳалимахоним ҳам бармоқларини қарсиллатиб унга қўшилиб, ўтирган жойларида хиргойи қилиб бердилар. Назаримда, ўша ғазалхонлик кечасида нафакат Увайсий, балки Зебунисобегим, Нодирабегим, Анбар отин ва Дилшод Барноларнинг руҳлари шод бўлди. Ғазал ва куйнинг оҳангидан диллар сел бўлди. Кўнгилларга хаёт шавқи ва завқи тўлган эди. Зулфияхоним бошқарган ҳар бир анжуман, шеърият кечаси шундай мароқли, бетақрор ва файзли ўтар эди.

Зулфияхоним дўстларига, устозларига, яқинларига нихоятда меҳрибон ва садоқатли эди. Уларнинг қийин-қаттиқ кунларида, яхши-ёмон лаҳзаларида ёнида бўлишни, кўнглини кўтаришни яхши кўрарди.

1983 йил, 31 октябрь. Жамоат арбоби ва адаб Шароф Рашидов вафот этдилар. Зулфия опа ўша куни ёк Шароф отанинг уйларига кетдилар. Кутимаган ноҳуш хабар опани жуда изтиробга солди. 2 ноябрь куни дағн маросими бўлиб ўтди. Биз муҳаррир хонасида телевизор кўраётган эдик. Зулфия опа ҳорғин кириб келдилар.

— Охирги дакиқаларда юрагим кўтармади. Қабрга тупроқ ташлашларини кўришга чидамим етмади. Омонжон олиб келиб кўйди, — дедилар.

Ўша кунлари биринчи маротаба бошларига қора рўмол ўраганларини айтдилар. Зулфия опа Шароф Рашидовнинг азасида

оиласига икки кун ҳамдард, ҳамсухбат бўлиб турганларини сўзлаб бердилар. ХурсандFaфуровна тушларида туфлисини йўқотганини, ҳеч ким топиб беролмаганини айтиби. Нукул жizzахликлар йиғилиб, чапак чалишди, ўргада нима бўлаётганини билмайман, эртасига мана шу иш бўлди, дебдилар Хурсандой опа.

— Шароф Рашидовнинг қариндошларидан бири, укажонгинам, Шарофиддинжон, деб йиғласа, Хурсанд Faфуровна: «Шарофиддин» деган тилларингиздан ўргилайин-а, — дерди...

... Зулфия опа шу гаплардан сўнг диванда бир соатча дам олдилар, чой ичдилар, тил остига дори ташладилар. Ҳамид Олимжоннинг вафоти кунларини яна бир карра эсладилар.

— Шароф Рашидович Ҳамид Олимжоннинг видолашувида доимо бирга бўлганди. Ёнма-ён юриб, таскин берганди. Тушларими ни айтиб бергандим у кишига. Дунё шу экан-да, энди бўлса Хурсанд Faфуровнага мен мадад бўлиб турдим. Ҳеч қачон ўзини бундай гариб, ёлғиз сезмаган бўлса керак, — дедилар.

Бироз ўзларига келгач, уйга телефон қилинг, дедилар. Хулкар опа уйда экан, хавотирланиб, «ойим қалайлар?» — деб сўради. Яхшилар, дедим. Зулфия опа йўл анча тескари бўлса ҳам, машинада мени уйга ташлаб, сўнг ўзлари ўтиб кетдилар.

Ўша кунларнинг бирида тушлик овқатдан сўнг хаёлчан, маҳзун бўлиб қайтдилар. Бироздан сўнг анча ўзларига келдилар-да, одамлар бунча бешафқат, дедилар.

Одатда, барча газета-журнал муҳаррирлари «Шарқ» нашриётининг иккинчи қаватида жойлашган овқатланиш хонасида тушлик қилишарди. Ўша куни бир мўйсафид ёзувчи Ш. Рашидов қабри ҳақида сўзлаб, ким шу жойга қўйишни ўйлаб топган бўлса ҳам, зап аклли иш қилган-да! Музейга келганлар (ўша пайт Ленин музейи эди) Рашидовни ҳам зиёрат қилиб кетади, дебди.

Сўнг Ҳамид Олимжон вафоти ҳақида шундай марокланиб гапира бошладики, қарасам, кичрайиб, ерга кириб кетаётгандайман, шундоқ қошиқ, вилкани жойига қўйдим-да, ўрнимдан туриб чиқдим-кетдим, дегандилар Зулфия опа... Ўз заифлигини ҳеч қачон бирорларга билдирамаган, мағрур яшаган шоира Ҳамид Олимжон номига, шаънига заррача гард юқтиришни истамасди. У киши учун Ҳамид Олимжон доимо тирик, доимо ҳамнафас, уни суюб, кузатиб

юргандай эди. Унинг сиймоси, руҳи, ўйлари Зулфиянинг жисму жонига кўчгандай эди. Бу илоҳий, муқаддас севги эди. Сўнмас хотиралар, унинг ёди ҳакида сўйлашдан чарчамас, бизлар уни тинглашдан зерикмасдик.

Кўпинча ишдан кетаётгандаридаги фариштадай бўлиб хонамга кирав, сухбатлашиб ўтирав ва «Ойдинжон, кетасизми?» – деб сўрардилар. Мен ийманиб жавоб бермасам, қани бўлинг, мен сизни уйингизга ташлаб, кейин ўтиб кетаман, дердилар оналарча меҳрибонлик билан. Бундай меҳрибонлик, лутф шунчалар самимий, шунчалар инсоний эдикни, беихтиёр онанинг меҳри, куюнчаклигини ҳис қиласди киши.

1984 йил, 14 сентябрь. Ойбек таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан олим Наим Каримов опанинг ҳузурига келганида, Ойбек ҳақида сухбат бўлди. Зулфияхоним Абдулла Қаххор, Ойбек ва Шайхзодаларни ниҳоятда ҳурмат қилас, ўзини уларга шогирд хисоблар, эҳтиром билан улардан сўзларди. Ойбекнинг сўнгти сафари ҳақида сўзладилар. Сухбатнинг бир учи Шайхзодага уланди.

– Шайх аканинг вафоти менга қаттиқ таъсир қилди. Бордим. Сакина хоним маҳзун бўлиб қолган. Шайх акага тикилиб бутун фикр, бутун даҳолик унинг пешонасига йигилганми, деган хаёл ўтди. Ҳайратга тушдим ўшанда. Муздек пешоналаридан ўпдим. Бетобликларида саватчага чиройли мевалар териб, Шайх акага юбориб турардим. Жуда меҳрибон аёл экансиз, деб ёзган хатлари бор. Агар умрим етса, ўша хатга жавоб ёзаман. «Кечиккан мактуб» бўлади сарлавҳаси. Ажабо, доно одамларнинг ақли шу ерга (пешонага) йигиллар экан-да. Одамлар ўлгандан кейин энг ноёб нарсамизни йўқотганимизни билиб қоламиз, – дедилар Зулфия опа ўкинч билан.

Зулфия опа турли мамлакатларда, жаҳоннинг барча давлатларида катта анжуманларда қатнашар, минбарларда сўз айтар, шеър ўқириди. Ҳамишаш ёнларидаги Шарқнинг буюк олимлари, шоирлари азим чинордай уни паноҳида олиб юришарди. Гафур Ғулом, Мирзо Турсунзода, Мустай Карим, Ойбек, Абдулла Қаххор, Миртемир... Уларни Зулфияхоним катта оғаларидан ҳурмат қилас, эъзозлар, муҳаббат ва эҳтиром тўла сўзлари билан алқар эди.

Ўзи улуғларга ҳурмат кўрсатиб, иззатини жойига қўйган одамларгина эл ичра обрў-эътибор, шону шухрат топадилар ва шогирдларининг меҳри, соғинчида яшайдилар. Зулфияхоним ҳам ана шундай буюк устоз мақомига эришган, шону шухрат саҳнига кўтарилиган ва мангуликка дахлдор бўлиб қолган ёрқин сиймолардан биридир.

ЕЛКАЛАРИГА СЕМУРҒ ҚЎНГАН ШОИР

Зулфияхоним эътиқоди сабит, иродаси мустаҳкам Инсон эди. 1991 йилда Ёзувчилар уюшмаси иккига бўлинниб кетди. Бир қанча адиллар ҳар хил ҳаракатларга, ташкилотларга бир-бир кириб чиқишиди. Зулфияхоним ҳеч қайси гурухга рўйхуш бермади. У ғийбатни, бировнинг нуқсини айтиб гапиришни ёмон кўрарди. Ҳар қандай вазиятда ҳам сипо, олийжаноб, вазмин тутарди ўзини. Кўнгли гўдакникидай нозик, тез яраланаар, бировга билдирамас, кек сақламас эди. Ҳеч қачон ҳоҳолаб қаттиқ кулмас, нимтабассум билан жилмайиб қўярди.

1990 йил, 19 май. Ҳамид Олимжонга пойтахтда ҳайкал ўрнатилди. Майдонча чиройли, баҳаво, безанганд. Ҳайкалда навқирон шоир илҳом оғушида, олдинга талпинган ҳолатда. Елкаларига учта семурғ қуши қўнган. Ниҳоятда нафис ҳайкал. Ёзувчилар Сарвар Азимов, Одил Ёқубов, меҳнат фахрийси Расул Ғуломовлар тасмани кирқишиди. Менга ҳам сўз беришиди, шоирнинг гўзал шеъларидан ўқидим. Таниқли шоирлар, ёзувчилар самимий дил изҳорларини баён қилдилар.

Кундузи Зулфия опани кўргани «Чимкент» кўчасидаги уйларига бордим. Ёлғиз эканлар. Анча суҳбатлашдик. Опа юбилей тантаналаридан хурсанд эдилар. Иброҳим Ғафуровнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да чиккан Ҳ. Олимжон ҳақидаги «Мунис ҳол ва шарпа» мақоласи жуда маъқул келибди.

Зулфия опа бир таниқли кекса олимдан хафа бўлиб гапирдилар: «Ҳайкалнинг елкасига күш қўнгани нимаси? Қўллари ҳам эгри» дебди у киши.

– Бу – семурғ қуши. Бу қүш ҳамманинг ҳам елкасига қўнавермайди. Қўлларни четлаб ўтади. Қўли ҳам худди Ҳамид Олимжонники. Унинг қўли тўғри бўлган. Эгри бўлмаган! Қўйинг!

Шундай кунда ҳам мақолаларингиздаги каби кир изламанг, – дебдилар Зулфия опа.

Яна, у кишини хафа қилиб қўйдим, деб хижолат чекдилар кўнгли пок устозим.

Хозир бу майдон Ҳамид Олимжон номи билан аталади. Шаҳарнинг энг кўркам, гавжум масканига айланган.

СУВРАТ ВА СИЙРАТ

Зулфияхоним улугсифат либосларда, киш кунлари елкага рўмол ташлаб юришни ёқтирадилар. Баланд бўйли, сарвиқомат, пайваста қошли, оқини буғдойранг юзларининг тархи нозик, қиррабурун, кенг пешонали, кулганда катта кўзлари чараклаб кетадиган мафтункор аёл эдилар. Кийикдай енгил ва шахдам, бироз мағрур ва салобат билан қадам ташлардилар. Оппоқ ёки қаймоқранг плашлари ўзларига ярашиб турафди. Кўпинча нафис оқ ёки қовоқранг шарф ташлаб олардилар ёқа остидан. Саксон ёшга кирганларида ҳам елкалари буқчаймаган, дид билан тикилган узун пальтоларининг ёқаси ва енгларидаги мўйнаси ўзларига ярашиб, янада кўркам ва латофатли кўрсатарди. Сувсар телпакларини бироз дол кўйиб киярдилар. Либосларининг ранглари бир-бирига мос, уйғун эди. Ҳамиша баланд пошиали туфлида юрадилар. Кўпинча асарларни бирга ўтириб таҳрир қилардик, материалларни бирга ўқиб-тинглаб, бирваракайига таҳрир ҳам қилиб кетардик, разм солсам, бармоқларига ярашган қаламроҳат қилгандай туюларди менга. Умр бўйи қаламга сир айтган бу кўллар дутор чертадиган бармоқлардай нозик ва баҳмалдай майин эди. Мусаввир Чингиз Аҳмаров шоиранинг портретини чизаётганда неча кунлар бу нафис бармоқларни чизишга ваqt сарфлаган дейишади.

– Чингиз оға бармоқларимни қайта-қайта чизар, лекин портретда кўзларим юмуқ тураг, ҳадеганда уларга мўйқалам урмасди. Тоқатим тоқ бўлиб, аразладим ва сабабини сўрадим.

Рассом узок хаёлга толиб жим турди ва оҳиста деди;

– Хоним! Шунчалар гўзал ҳусну латофат билан дунёнинг барча лаззатларидан кўз юмиб ўтаётибсиз...

Зулфия опа ишхонада шиппак кийиб юришни, пала-партиш кийинишини сўймасдилар. Бизларга қандай кийинишини, қайси

анжуманда қандай шеър ўқишиň үргатиб чарчамасдилар. Устоз сермулоҳаза, сезгир, фикрати ёрқин, дилкаш сұхбатдош эдилар. Битта гапингиздаёқ мақсадингизни тушунар, фикрингизни хурмат қиласын, юзингизга қараганда меҳр ва табассум дилингизни яйратарди. Синчилардай дикқат билан тикилар, худди қалбингизда ке-чаётган ўй-фикрларни ўқиётгандай туюлар, кишини унинг салобати босарди. Икки оғиз сұхбатлашгач, орада самимият ва ажиб бир дилдорлик туғилардикى, юрагингиз кенгайиб, фикрларингиз бо-йиб, шоирата ихлосингиз ортиб, бу сұхбат ҳеч тугамаса, деб орзу қиласын.

Зулфия опани ходимлар, айниңса шоиралар бир-биридан қизғаниб ҳам юришарди. Ёшлик қилиб опанинг күнгилчанлигидан фойдаланиб, ишончини суистеъмол қылғанлар ҳам бўларди. Опа бағрикенглик билан кечирғанларида ўша ходим уялганидан бошқа ишга ўтиб кетганини ҳам билишарди ходимлар. Майдакашлик, чақимчиликни мутлақо ёмон кўрардилар. Интизомсиз, қўл учидаги ишлайдиган ходимни қаттиқ уялтирардилар. Муаллифларга одоб ва назокат билан муомала килишни, ёрдам ўтиниб келғанларни ноумид қиласликни талаб қиласын.

Сал ножӯя қадам босиб кўйган ходимни чиройли муомала билан бошқа бир ишга ўтказиб юборардилар. Мехрлари ҳам, қаҳрлари ҳам қаттиқ эди. Мухаррирнинг мақтаб кўйгани, баъзан янги либос учун ўзлари фасон чизиб берганлари биз учун байрам эди.

Қабулхонада Муҳаббатхон ва Моҳирахон деган иккита чакконотиба ўтируса ҳам устоз таҳрирдан чиққан материалларни ўзлари бўлимга олиб чиқардилар. Хонамизга Зулфиядан нур тарааларди, жаннатнинг ифорлари келарди шоирамдан.

Опанинг соchlари жуда узун эди. Қалин соchlарини оддийгина килиб, орқага турмаклаб юарди. Умрининг охиригача шундай содда ва зеболикда қолди. Зебу зийнатларга қизиқмади. Бармоқларига сұхбатдош биргина феруза кўзли узук бўлди. Якранг, сидирға либослари уни улуғвор кўрсатарди. Фақатгина озгина лаб упасидан сурисиб юардилар.

Ҳамон мулкимдаги сийму зарим – шеър,

деганлари унга қанчалар ярашарди!

Зулфияхонимни хонадонида шоира қизлар, жиянлари куршовида кўрардик. Жиянлари Гулчехрахон, талаба қизлар Гулсумой, Юлдузхон, Сайёрахонлар опанинг қанотида ҳаётни таниб, иссиқ меҳр кўриб яйраб юришарди.

Қариндошларининг мушкулларига оғринмай елка тутарди у. Туғилган кунларида нафис, чиройли совғалар тухфа этар, китоблариға шеър билан гўзал дастхатлар ёзиб берарди. Акалари – Қодир отанинг невараси Гулчехрахонни қизларидай суюб, эркаларди.

– Бир куни Зулфия аям эртага меҳмон келади, тайёргарлик кўришимиз керак, дедилар. Аямга, сиз дамингизни олаверинг, дедим. Ўша кечаси тонггача норин тайёрлаб кўйдим. Аям жудаям хурсанд бўлдилар. Ўша куни менга бир шеър ўқиб бердилар. Бу сенга бағишлиланган, совғасини кейин қўшиб бераман, дедилар. 1984 йилда ёзилган ўша шеърни 1994 йили оқ қоғозга кўчириб, совға қилдилар.

ГУЛЧЕХРАГА

Гулчехрам, кийикнинг кўзидек
Кўзларинг кўзимга мудом жо.
Қалбимни биласан ўзимдек,
Даркормас илтимос, илтижо.

Тилингдан тўкилган шакар сўз,
Меҳрингдан яйрайди дилгинам.
Илоҳим, сурмали кора кўз
Кўз ёшин билмасин, қизгинам.

Дилларни хуш этар исминг бор,
Донолик, одобинг – латофат.
Вақт келиб бўлажак сенга ёр
Йигит ҳам бахш этсин саодат.

Ўшанда кўзларинг менингмас,
Севганинг қалбига бўлсин жо!
Ўзинг-ла олиб бор кувонч, баҳт,
Кутмайин илтимос, илтижо!

ЗУЛФИЯ. 20. 09. 94.

Ушбу шеърни Гулчехрахон Шоумарова кўз корачигидай асраб келади.

Қодир акаларининг қизлари Мунаввархон аяни ўз сингилларидай яхши кўрадилар. Унинг хар бир сўзидан, нозли ва самимий қараашларидан меҳр ёғилиб турарди.

«Менинг ёлгизгина синглим Мунавваржон!

Сенга ва фарзандларингга янги йил муборак бўлсин! Тинч, осо-йишталик ва аҳиллик, ва вақтихушилик йили бўлсин.

Мунавваржон! Фарзандлар катта бўлган сари онага қанчалик қийин бўлишини яхши биламан. Шукр, болаларинг ақлли, ҳушлик. Лекин ҳар бир инсон ўз характери билан туғилади. Катта бўлган сари бу характер юзага чиқа бошлийди. Бу табиий. Биз оналар шуни тушуниб, уларга тушунтириб, оғир бўлиб яшашимиз керак. Фарзандларни ҳар ёқقا тарқатиб юбориш керак эмас. Мумкин қадар ўзимизни ҳурмат қилишига ўргатишимиш керак. Бу эса уларни ҳам ҳурмат қилиши демак. Иккинчи ўғлиниг ҳам кетаман, дермиши. (Ўқчиликлардан эшийтдим.) Кўйма. Ёнингда бўлсин. Бир сўзлашармиз.

ЗУЛФИЯ. 1979».



Зулфиянинг акаси Қодир ота, рафиқаси Инобат ая ва қизи Мунаввархон.

Устоз биревларга қийинчилик туғдиришдан, ўзгаларни безовта қилишдан хижолат бўлардилар. Иш юзасидан баъзан кескинроқ гапириб қўйсалар, бирпастдан сўнг хонамизга кириб қўнглимишни олар, дилдан сухбатлашар, дилдаги ғуборингиз таркаб кетарди. Кўнгилга йўл топишни билардилар азиз Зулфиямиз.

Акалари Қодир отанинг қизлари Мунаввархон аяга ёзган хатларини шу ерда келтиришни жоиз топдим:

«Мунаввархон, жонгинам!

Мана, эрта тонгда Москвага сафарга чиқаман. Сафар олдиндан гуноҳларимдан фориг бўлиб, очиқ кўнгил, енгил кайфият билан жўнамоқчиман.

Сизлар келганда бирдан хурсанд бўлдим. Жуда Сиз бирга келишингизни эшишиб, интиқлик-ла кутдим, сўзлашиб, дардлашиб ётамиз, дедим. Келиб, кирмасданоқ, эшик ортидан жўнамоқчи бўлганингизни кўриб ҳайратдан жсаҳлим чиқди. Нега десангиз, шунча йўлдан келиб, эшикдан кетиш... Гулчехрани кузатиш заруратидан шундай совуқ қунда шунча йўл босишга маъжбур қилганимдан ўзимни койидим. Сизларни ҳам безовта қилиб қўйдим.

Ўша замон ўзимни ҳеч кечира олмадим. Азбаройи Сизни койитганим учун хижсолатдан шу аҳволга тушдим. Суннатило ҳам ҳайрон бўлгандир, аямга не бўлди, деб. Агар шундай қолиб, ётиб кетсанглар, не бўлар эди?

Ҳаммаси учун узр. Мен омон қайтгач, насиб қиласа, келиб ётиб кетинг. Гулчехранинг меҳрибонлиги учун Сизга ташаккур. Илоҳим, баҳтини берсин. Хайр, саломат қолинглар.

ЗУЛФИЯ. 9. II. 79.»

Зулфия опа ҳеч қачон қилган ишларини, яхшиликларини гапирмасдилар. Уларда мардона жўмардлик, аслзода викор, тозалик ва гўзал самимият бор эди...

ОҲАНРАБО

Устоз Зулфияхонимнинг меҳригиёси, оҳанрабоси бор эди. Бир марта унинг сухбатида бўлган киши шоиранинг меҳру муҳаббати, ўзгача салобати, улуғворлигига мафтун бўлар, бу дилкаш инсон билан учрашувини умрбод эслаб юради.

Шону шуҳратнинг юксак чўққиларида турган шоиранинг беҳад гўзал самимияти, одамжонлиги, камтарлиги мени ҳали-ҳануз лол қолдиради. Бош муҳаррир Зулфияхонимнинг муайян қабул кунлари бўлмасди. Эртага келинг, деган иборани ёмон кўрардилар. Байрам арафасида барча машҳур ёзувчи-щоирларимиз албатта у кишини табриклишга келишар, узоқ сухбатлашишарди. Шоира кизларни, айниқса, вилоятдан келган тортичкоқ ҳаваскор кизларни дарров қабулига чорлар, бағрига маҳкам босиб, пешонасидан ўпар, машқларини ўша заҳотиёқ ўқиб, таҳрир қилиб, бўлимга чиқарар, навбатдаги сонга режалаштиришни таъкидларди.

Илк шеъри ўқувчилик кезларидаёқ Зулфиянинг оқ йўли билан «Саодат»да чоп этилган Ҳалима Худойбердиева халқ шоири бўлиб, эл меҳрини қозонди.

Муҳтарама Улурова, Санъат Маҳмудова, Кутлибека Раҳимбоева, Дилбар Саидова, Ҳаётхон Ортиқбоева, Шарифа Салимова, Шаҳодат Исахонова, Раъно Раҳмон, Гулистон Матёқубова, Ҳосият Бобомуродова, Раҳима Шомансурова, Энахон Сиддиқова, Гулжаҳон Мардонова, Гулчехра Раҳимова, Замира Рўзиева, Венера Иброҳимова, Дилбар Ҳайдарова, Фароғат Камол, Раъно Зарипова, Муҳаббат Туробова каби бугунги таникли шоира ва адигаларнинг ilk асарлари «Саодат»нинг сахифаларидан учирма бўлган. Кутлибека ва Фароғатга оқ йўл ёзиб, «Менинг кувончларим» деб атагандилар. Дилбар Ҳамзахўжаеванинг шеърларидағи нозикликни, нафосатни яхши кўрардилар. Муҳтарамани эркалаб, қатим тортар қизгина, деб кўярдилар. Фарғонадаги учрашувлардан бирида Мақсада Эргашеванинг ўқувчилик дафтариға битилган шеърларини ўзлари олиб келиб, навбатдаги сонга қўйганлар. Ўзларига маъқул мисралар ёнига белги қўйиб кетардилар. Улар билан ишлаш осон эди: устоз фикрларингизни тоқат билан тинглар, маъқулини олар, номаъқул бўлса тушунтирадилар. Ходимлар билан муносабатда ғоят самимий, сезгир ва кўнгилчан шоира дарров ахвол руҳиямизни англар, хафа бўлсак боисини суриштирас, мушкулимизни бир зумда осон қиласди. Кўл остидаги ходимлари учун ҳамма шароитни муҳайё қилиб қўяр, улар билан туғишганлардай қадрдан бўлиб кетган эди. Насима Юсупованинг қизини тиббиёт техникумига, Холида Ахророванинг ўғил-қизларини мусиқа ва рассомлик мактабларига

жойлаб кўйганларини миннатдор бўлиб гапиришарди ходимлар. Журналистлар Насима Юсупова, Роза Сайфиеваларнинг шодлик ва ташвишларига ҳеч оғринмай елка тутар, уларни доим қўллаб-кувватларди меҳрибон раҳбар.

«Саодат»да бирга ишлаган йилларим устозим мени катта тадбирлар рўйхатига кирита бошлади. Осиё ва Африка ёзувчилари Тошкент конференцияси сўнгига катта мушоира бўлди. Шунда устоз менга Файз Ахмад Файзнинг Пушкин ҳакидаги шеърини таржима қилишни ва мушоирада ўқиб беришни айтдилар. Ҳатто қандай либосда саҳнага чиқишимни тайинладилар. Ҳалқнинг назарида доимо орастা, камтарин ва вазмин либосларда чиқинг, деб ўргатарди устозим.

Зулфияхоним минбарга чиққанида муҳлислари уни соғиниб тинглардилар. Залдаги меҳр-муҳабbat ва ихлосни у хис қилиб турарди, бундай анжуманлардан завқ, куч-кувват оларди. Ҳалқ муҳаббати билан бахтиёр эди, юрагида тутаб ётган хижрон дардларини шу қудрат билан енгигб яшарди. У сабр-тоқат, матонат, вафсадоқатнинг гўзал тимсоли эди.

Аёл баҳти!

Мендек Аёл баҳтига

Тақдир маликани кўрганми лойиқ?

Ҳалқ меҳрида, ёрман эл шуҳратига,

Баҳти аёл деса, ҳакли ҳалойиқ, –

деганида у нақадар ҳакли эди!

Қанчаларимизга елкасини тутиб, опичлаб ижоднинг сўқмоқларидан олиб ўтиб, юксакликларга кўтарди. Паноҳига олиб, ҳимоя қилди. Ҳаволаниб кетганимизда қаттиқўл онадай тергаб, қийинчиликлардан довдираб қолганимизда меҳру эътиборини аямади. Эвазига ҳеч нарса тама қилмасди у. Туғилган кунларида унинг хонадонига фақат гул кўтариб борардик. Гулларимизга таъриф бериб, меҳр билан нозик гулдонларга солар ва Ҳамид Олимжоннинг ёшлиги акс этган портрет тагига оҳиста қўярди. Шоирнинг нафис мўйқаламда чизилган навқирон ёшлик сурати севгилисининг таваллуд кунини нишонлашга келгандек бахтиёр бокарди. Зулфиянинг «Чимкент» кўчасидаги уйи бундай кунларда жуда гавжум бўларди. Кираверишдаги дахлизда Зулфия табассумдан чарақлаб турар, пе-

шонамиздан ўпар ва бизни хижолатга солиб, зар шиппаклар кийдириб тўрга чорларди. Таваллуд айёми ажиб мушоирага айланарди. Ҳар биримизни таърифлаб, сўз берар ва мушоирага чорларди. Аввал Ҳамид Олимжондан ўқирдик, тўрда қўр тўкиб ўтирган Зулфия яшариб кетар, шоирнинг шеърини биз билан бирга такрорларди. Зулфиядан, ўзимиздан ўқирдик.

Зулфияхоним даврасининг меҳмонлари халқимизнинг фозилаю оқила машҳур хонимлари эди: Нозимахоним Дехқонхўжаева, Сабоҳат Азимжонова, Сайёра Раҳматхўжаева, Хосиятхон Ёкубжонова, СуйимахонҒаниева, Машхура Султонова, Кумри Абдулаева, Муқаддамхон Ашрапова, Холида Ахророва, Шоҳидахоним Шоҳимардонова... Қандай фараҳли кунлар эди бизлар учун! Гулга, шеър завқига чулғанган хона дунё қадар кенгайиб кетар, ундаги меҳру муҳаббат, вафо-садоқат шуълалари юракларимизга ҳарорат сочарди.

Шоира, фольклоршунос олима, сухбати жон ҳузури Музайяна Алавия, назокатли шоира Саида Зуннунова, лафзидан ғазал дурлари сочиладиган Кириё Қаҳхоровалар таҳририятга тез-тез келиб турардилар, уларнинг гурунгларидан бизнинг ҳам дилимиз яйраб кетарди.

Устозимиз бизларни «беш гўзал достоним» деб таърифлагандилар. Эътиборхон опа, Гулчехралар, Ҳалимахон ва камина бу сийловдан ҳузурланиб юардик.

Зулфия опа меҳрга меҳр билан жавоб қайтарар, илтифотли эдилар. Бирор газета ёки журналда шеърлари чиқса, дарҳол қўнғироқ қилиб миннатдорлик билдирадилар. Байрамлар арафасида ишлари жуда тифиз бўлиб кетарди. Мажлислар, анжуманлардан вақт чегириб икки-уч кунлаб дўстлари, сафдошлари, муҳлислари ва барча муаллифларга табрикномалар ёзишга ўтирадилар. Тайёр хатларнинг ёнларига икки оғиз илиқ сўз, икки сатргина чиройли шеърлар қўшиб қўярдилар. «Янги шеърларингизни соғинидим», «Сизни ардоклаб», «Ёрқин ва гўзал илҳом тилайман», «Нега камнамосиз» каби самимий сўзлар ўз кўллари билан ёзилган бўларди. Турли виляятларимизда, қардош республикаларда камол топаётган ўнлаб Зулфия қизалоқлардан мактублар келарди. Уларнинг барчасига устоз жавоб ёзар, тухфалар юборарди.

Бир гал опа кўлимга атлас мато тутқаздилар ва иккита кўйлакча тикириб келишимни сўрадилар. Аввалги «Гулистан» ресторани рўпарасида тикувчилик ательеси бўларди. Чеварга атласни бериб, тўрт-беш ёшлик қизалоқка кўйлакча тикиб беришини илтимос қилдим. Қизчанинг ўзи қани, деб сўраб қолди чевар. Уларнинг бири Озарбайжоннинг Нахичеван, бири эса олис вилоятда яшашини, исмлари Зулфия экани, шоира Зулфия уларнинг туғилган кунларига тухфа юбормоқчи эканликларини айтдим. Зийраккина ёшгина чевар, э-ха, шунақа демайсизми, атласингизни олиб кўйинг, беш яшарлик жияним бор. Атласим ҳам бор, индинга келинг, тайёр бўлади, деди. Шундай қилиб қизалоқларга иккита чиройли кўйлак тикиб берди, кўл ҳақи ҳам олмади. Зулфияхоним адашларига ширин сўзлар ва табрик дуоларини битиб бердилар, почта орқали юборганимиз.

Бундай олийжаноб ишларининг кўп гувоҳи бўлганман.

Шоира Зулфия инсон қадрини, сўзини улуғ тутар, мухлисларининг мактубларига меҳр ва муҳаббат ила жавоб хатлари битарди.

«1976 йил 9 ноябрь куни телевизорда шеър ўқидингиз. Оиласизда дунёга келган янги меҳмонга ном қўйишни маслаҳатлашиб турган эдик. Шеърингизни дикқат билан тинглаб, янги чақалоқни олиб ўтиридик. Сиз шеър ўқиб бўлгач, ҳаммамиз бир оғиздан сизга раҳматлар айтдик. Қизчамизни Зулфияхон деб атадик. Бу тўғрида сизнинг руҳсатингизни илтимос қиласиз.

Сизга ва уй ичингизга узоқ умр, соглиқ тилаймиз.

Салом билан, Ҳўжаевлар оиласи. Туркманистон. Тошовуз шаҳри».

Ижодий фаолиятдан, жамоат вазифаларидан, «Саодат» журналига муҳаррирликдек масъулиятли ишдан фурсат топиб, меҳрибон инсон Зулфия ҳар галгидек тўлиб-тошиб, ташаккур сўзларини битади:

«Кизчангизга яхши ният билан менинг номимни берган экансизлар, мен унга бутун шуҳратим, яхши номим келтирган шодликларни тилайман! Шоира бўладими, олима бўладими, тўқувчи бўладими, доктор бўладими, ким бўлса ҳам меҳнатсевар, покиза, инсофли, одамларга меҳрибон, иродали ва ақлли бўлиб ўссин. Севги, садоқат унга ёр бўлсин!

ЗУЛФИЯ. 1976 йил»

Зулфия опа жуда андишали, ҳәёли, ҳар бир сўзини етти ўйлаб бир гапирадиган инсон эдилар. Ҳикоялар, маколалар, очерклар, энг кичкина маслаҳатларда ҳам бирор ибосиз, қўполроқ сўзлар бўлса, ниҳоятда ўринли таҳрирлар киритардилар. Соғлик-саломатликка оид мақолалардаги бирор нозикроқ сўздан кейин «минг узр» деб қавс ичига олиб қўярдилар. Инсон муносабатлари пардали сўзларда акс этиши керак, ҳар бир инсоннинг ҳис-туйғулари муқаддасдир дегувчи эдилар. Ҳеч қачон хаҳолаб кулганларини, бирорни масхара-лаб, камситганларини кўрмаганмиз.

Оила, фарзандлари, набираларига меҳрибон она эдилар. Кизлари Ҳулкар опанинг дилбарлиги, саранжом-саришталигидан, рус ва ўзбек тилларида равон чиройли шеърларни ёд айтишларидан суюнардилар. Омон аканинг ўғиллари Улуғбек, Фарруҳбек ва Отабекларни шаҳзодаларга ўҳшатардилар. Келиллари Риояхонни қизларидай яхши қўярдилар. Қайнингиллари Саҳобатхон, Муҳаббатхоннинг хурматини жойига қўярдилар. Ўғиллари Омон акани суюнган тоғлари билардилар. Омон ака Олимжонов садоқатли ва меҳр-мурувватли ўғил бўлиб, онасининг хурматини бошида тутганидан хурсанд эдилар. Қайноналари Комила буви мунис ва меҳрибон онадай умрининг сўнгигача – 1970 йилгача Зулфия хонадонида яшадилар. «Меҳрибонгинам, ғарибликдаги ҳабибим», дер эдилар бу меҳнаткаш ва дардкаш аёлни эслаб.

Катта хонадоннинг суюкли келини, хурматли бекасидай эъзозлашарди Зулфияхонимни. Зулфия 1944 йил 3 июнь куни бошига тушган айрилиқ мусибатини мардонавор кўтарди. Ҳамид Олимжоннинг фожиали ҳалокати унинг ҳаётини остин-устун қилиб юборди, лолу карахт қилди.

Бундай айрилиқ изтироблари оловида куйиб, кул бўлиб, қакнусдай қайта тирилиш осон эмасди. Ўша мудҳиш кечада пешонамда бир тутам сочим оппок қордай оқарган, дердилар опа. Кўлимда қаламни маҳкам ушлаб, икки киши учун яшаб, ишлашим керак эди, дердилар. Ҳамид Олимжоннинг катта хонадони, дўсту қадрдонлари, устоз оға шоирларнинг кўмаги, далласини ҳар қадамда сезиб турарди.

Айт-чи, сен-ла баҳтиёр кунлар
Кўрганимдинг кўзимда бир ёш?

деб саволга тутарди севган ёрининг руҳини байрамлар, мушоиралардан бир кучоқ гул кўтариб бориб, маҳбуби қабрини гулга чулғаб...

Начора, совуқ қабрнинг тили йўқ, юпантрий деса, севган ёрнинг кўли йўқ. Аламли саволлардан бағри эзилиб шоир қабри тепасида булат йиғлай бошларди. Нафис гулларга кўз ёши сочилиб, юрагининг торлари узилиб, руҳи бунда қолиб, куруқ жисмийгина уйга қайтгандай бўларди. «Юрагимга таскин берар деб, пианино клавишларига бармоқ босаман, у худди юрагимнинг торларидаи нола киларди. Лутфийдан «Бу кўнгил» ғазалини хиргойи қилардим», – дегандилар ўша кунларни эслаб Зулфия опа. Ўша пайтлари битилган шеърларда «Сен қайдасан, юрагим?», «Не балога этдинг мубтало» деган ўтли саволлар алангаланиб турарди.

Ҳижрон йиллари унинг иродасини тоблади. Ёнган юрак ёлқинлари лириканинг бехад гўзал намуналарини яратди.

Ишқа маскан юрагим
Топиб бер, деб қистайди.
Нима қиласи, бераҳм –
Руҳим сени истайди.

Софинч, армону нолалар, ўртанишлар ва фарёд алангаси йўғир-маси бўлиб «Ҳижрон кунларида» туркум шеърлари дунёга келди.

«Зулфия айрилиқ шиддати билан алангаланиб турган элегиялар яратди. Уларда гўзал инсон сиймоси гўзал бир руҳи билан гавдаланди. Зулфия қалбининг кўзгусида акс этган бу сиймо шунчалар ёрқин, шунчалар инсоний, шунчалар гўзлаки, энди Ҳамид Олимжон шеърларини ўқиётган чоғда ҳам Зулфия чизган, яратган сиймо гавдаланиб, тасаввурда жонланиб туради. Ва бу галати тасаввур Ҳамид Олимжоннинг рангу рўй боисидан тугал баҳорий шеърига ўзгача маъно бахши этгандай бўлади» – деб ёзган эди Иброҳим Ғафуров Зулфиянинг «Ҳижрон кунларида» туркуми ҳақида «Йиллар, туйғулар» – китобига ёзган сўзбошисида.

Зулфиянинг юрагини шеърият катта олам, олис йўллар билан боғлади, таниқли шоира, жамоат арбоби сифатида жаҳон минбарларида овози янграй бошлади. Унинг «Мушоира»си шеъриятни инсоният бахту саодати, тинчлиги, дўсту биродарлигининг буюк

Элчиси мақомига кўтарди. Поэзиянинг жозибаси, ўзбек тилининг камалак ранглари, Тинчлик, Дўстлик деган нондай азиз сўзлар офтоби дунё халқларининг юрагига кириб борди унинг мағур овозида. Шарқ мумтоз адабиётидаги мушоира жанрига янги мазмун, маъно бағишлади. Шарқ шеърияти осмонида «Зулфия» деган гўзал юлдуз чараклаб порлади.

Йигирма тўқкиз ёшида қор остида қолган атиргулдай малоҳатли эди шоира. Йиллар бўрони уни буқолмади, иродасини синдиrolмади. Бир куни дугоналари шоирага соchlарини бўяб юришни маслаҳат беришганида қайнисингиллари ва қайниси ёзувчи Сарвар Азимовдан андиша қилди.

— Ахири Сарвар Олимжоновичдан ижозат сўрадим. Сулоланинг маслаҳатчиси, бошлиғи эди у киши.

— Опоси, — дедилар Сарвар Олимжонович. — Сиз келинлик хурмат-иззатини ўрнига кўйдингиз. Таниқли шоирасиз, жамоат арбобисиз. Биздан ихтиёр сўраб ўтирунг, ўзингизга ярашган ишни қиласкеринг. Биз розимиз. Сиз бунга тўла ҳақлисиз!

Хонадон обрўсини, қадрини баланд тутарди Зулфияхоним. Оналик мартабаси ул табаррук зот учун ҳамма нарсадан устунроқ эди. Ҳамид Олимжон хотираси унинг юрагидаги кимё эди. Умр бўйи мусаффо садоқат уни шоирнинг хонадонига узилмас ришталар билан боғлаганди...

Нафақага чиққач (1985 йил), буюк шоира анча йил парда ортида қолиб кетди. Баҳор байрами тадбирига юборилган таклифномалар бир ойга кечикиб келганини бир гал айтиб бергандилар кулиб. Ўшанда ҳам бировни айблаб, гина қилмагандилар.

ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА

«Ҳаёт менга талабчан ва қаттиқўл муҳаррирни баҳш этди. Ҳаётимнинг ўн йили, фақатгина ўн йили Ҳамид Олимжон билан ҳамнафас ва ҳамқадам ўтгани мен учун улкан баҳт бўлди.

1935 йили тўйимиз бўлди. Мен яйраб яшардим. Инсон чинакам севиб, севилганда отрофидаги барча қийинчилклар ушоқ бўлиб кўринади. Тўрт фасл ҳам баҳор бўлиб кўринади. Мен ўша пайтда шундай руҳда эдим.

Ҳамид Олимжон фақат севимли киши сифатида меҳр, эркалаш билангина эмас, дўст сифатида катта замхўрлик ва талабчанлик билан қарапарди. У аввало ўз-ўзига жуда талабчан инсон эди. Мен унинг ўзи белгилаб қўйган иш интизомига темир қонун каби амал қилганига ҳали-ҳануз ҳайрон қоламан. Бу фазилат – инсондан катта ироди, катта бардоши талаб қиласди, ахир.

... Шоир билан кечирган кунларимда мени ҳайратга соладиган лаҳзалар кўп бўларди. Мен Ҳамид Олимжоннинг кескин, зиддиятли даврда энг муҳим ишларни аниқ кўра олишига қойил қолардим. Тинимсиз изланиши, ўзини бутунлигича адабиётга, жамоат ишларига багишлай олишига ва бундан заррача нолимаслигидан ҳайрон қолардим.

Умуман, бир одамда шу қадар куч, завқ-шавқ, меҳр-муҳаббат бўлиши менга гайриодатий бўлиб туюларди. Яна шуниси ҳайратланарли эдик, шоир шунча улугвор ишлар орасида ҳам ёшлигини, самимиятини бир лаҳза унумасди. Ўзини сиполикка солмасди.

... У энг гуллаган ёшлик чогида, ранг-баранг, сира туганмас, ёрқин истеъододининг камол чўққисига етганда фоксиали ҳалок бўлди», – деб ёзганди Зулфия.

Зулфиянинг юрагида энг катта бойликдан бири Ҳамид Олимжон билан боғлиқ баҳтиёр кунлари эди. Зулфия опа бир адабий йиғинда кийим илгак номерини ўйнаб ўтирганларию шоир шу Сизга халақит беряптими, деб олиб чўнтагига солиб қўйгани, шу баҳона танишиб олганларини, уни кузатаётганда Ҳамид Олимжон кўчанинг бир ёғидан, Зулфия иккинчи томондан боришлиарини айтганларида, бу навқирон севгида қанчалар мусаффолик, нақадар покизалик борлигини хаёлан ҳис қиласдим. Иттифоко, «Ҳамид Олимжон» ҳужжатли фильмида шоир сиймосини бир лаҳзагина кўрдим. Оппоқ кителда, ўқтам ва кудратли овози гумбурлаб шеър ўқиётган эди.

Фашизм одамизод учун қора доз келди,
Күёш нурига қарши чанг билан тупроқ келди.
Үлакса устидаги қузгун билан зоз келди,
Ёлғиз менинг Ватаним баҳт ўстирад боз келди.

Назаримда, экран нурланиб кетгандай, чақмоқ чақандай, дунё ларзага келгандай эди. Ўшанда йўл-йўлакай ёзилган ушбу «Ғалаба қўшиғи» шеърининг санаси 1941 йилнинг 24 июни – уруш бошланганинг учинчи кунига тўғри келаркан. Камолга етган қирчиллама ёш, севги шаробидан масти, кучогида икки полапони ва маликалардай соҳибжамол савгилиси. Билмадим Зулфия опа бу кадрларни кўрганда қандай чидаган экан!.. Яхшиямки, одамзод вужудида сув бор, бўлмаса аланга олиб, ёниб кетармиди?

Ҳамид Олимжон ҳақида сўйлаганида Зулфия бир лаҳзада ёри билан баҳтиёр кунларга қайтар, кўзларида муҳаббат оташи ёнар, қароқларида чакноқ бир нур ўйнаб янада мафтункор бўлиб кетарди, хижрон ҳам одамни шунчалар гўзал қиласми, деб ҳайратга тушардим.

Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг муҳаббатдан баҳтиёр кунлари ҳақида кўп тинглаганман. Хурматли олим Наим Каримов ҳам икки шоирнинг муҳаббати, баҳтиёр кунлари ҳақида яхшигина эсдаликлар ёзган. Шу ўринда шоира Мухтарама Улуғованинг «Муҳаббат саройида мангу қолганлар» китобидаги гўзал манзараларни сизга ҳавола этишни жоиз деб билдим.

СЕВГИ ИҚРОРЛАРИ

Хотиралар, шоиранинг табиатларидан келиб чиқиб шундай деб ўйлайманки, муҳаббат худди баҳор фасли каби бутун қалб оламларини гулу ифорларга тўлдириб келган ёшлик ийларида ҳам Зулфия опа ўзбекона одоб, ҳаё, андина чегарасидан четга чиқмаганлар. «Муҳаббат – маним қалб бойлигим. Уни ҳар кимларнинг олдига дастурхон қилиб солиш мумкин эмас», – деган эътиқодга аввалу охир содик бўлиб қолганлар.

– Баъзан ёзувчи Ойдин (Собирова, ёзувчи) опанинг ўйларига борардик, чунки ишхонага яқин жойда яшардилар. Адабиёт ҳақида сұхбатлашиб ўтирадик. Бир куни Ҳамид Олимжон у кишига: «Тўй қилмоқчимиз» дебдилар. «Вой, шунаقا муносабатларинг бормиди? Каналакдай бўлиб юрадиларинг. Мен шундай муносабатларинг борлигини ҳеч сезмабман», – деб ҳайрон бўлган эканлар Ойдин опам.

Ақтимни танибманки, иккита акам Москвада ўқишиарди. Уйимизга эркагу аёл меҳмонлар бирга-бирга келишаверарди. Ўша пайтда покизалик, одамларнинг бир-бираига ишончи шунчалар кучли эканми... ҳаёсизлик, бешармлик ҳақида гап-сўзлар йўқ эди.

Ҳар гал учрашувга борганимда, Ҳамид ака кўзлари чағнаб, кўлидаги соатга ишора қилганча:

— Соатлар неччи бўлди? — дерди ва жавобимни кутмай, яна ўзи «Минг бўлди!» дерди.

— Бир куни Охундий хотини билан келиб:

— Юринг, Тельман паркига борамиз, — деди.

Ўшанда Ҳамид Олимжоннинг уйиниям билмасдим.

— Ҳамидни ҳам овлолайлик, — деди Охундий.

— Олиб чиқинглар...

— Йўқ, бирга кирамиз.

... Ҳамид Олимжон мени кўчамизгача кузатиб келишидан ҳеч ким ёмон фикрга бормаган. Кўчанинг бир томонидан у киши, иккичи томонидан мен бораверардик. Ҳамид Олимжон мени кузатиб келиб Охундийнинг утига ўтиб кетарди. Баҳор, ёз фаслларида атиргуллар очилиб ётган ҳовлимизга қараб:

— Қанийди, мана шу атиргуллар тагида бир кеча сиз кириб кетган хонага қараб ўтириб тонг оттириши мумкин бўлса... — дерди.

Дарвозамизнинг тўгрисида маҳалла гузари бўларди. Бир куни шундай келаётганимизда, дадам бизни кўриб қолиб, ўрниларидан турдилар-да, уйга кириб кетдилар. Иккинчи марта шундай ҳолат бўлганда, онамга: «Қизингга айт, бошлишиб юрмасин. Агар йигит уйланмоқчи бўлса, одам кўйдирсан», дебдилар. Янгам онамга:

— Зулфияни бир йигит кузатиб юрибди, — дебди.

— Ким?

— Охундийнинг ўртоги.

Шунда Нормат акам:

— Мен у йигитни биламан, яхши йигит, — дебдилар. Орадан бир оз муддат ўтгач:

— Ойи, мен гаплашдим, яхши йигит, тўй қилиб бераверинг, — деб айвоннинг четига ўша пайтда янги урф бўлган патефон қўйибдилар-да, «Бу – мендан совга», деб Хоразмга жўнаб кетибдилар. Ҷунки ўшанда Хоразм вилояти тафтиши комиссиясининг раиси эдилар.

Менга Ҳамид Олимжон томонидан түгунчада бир оқ рўмол, оқ кўйлак, оқ туфли келди. Уни берсин, буни берсин, деган гаплар бўлмади. Тўйдан уч кун олдин менинг келинлик сепларимни олиб бориб, уйни ясатиб келишиди.

Кеннойим:

– Бир яхши ойилари бор экан, шириңсўз, мулоийим, – деб келдилар.

Ўша пайтларда афсонавий қаҳрамонларга ўхшаб ҳар хил ҳолатларда расмга тушиши одат бўлганди. Ҳанжар ушлаб тушган сувратимни катталашибтиришига бергандим. Ўзлариям ҳазилкаш, ҳазилни тушунадиган Ҳамид Олимжон расмни олиб, палакнинг ўртасига осиб қўйибди.

– Абдулҳамид, ким бу? – деб сўрабдилар аям.

– Келинингиз.

– Кўлида ҳанжари бор-ку.

1935 йилда Отажон Ҳошимнинг ҳовлисида тўйимиз бўлди. Келинни олиб кетиши учун еттита извоши юборишибди.

– Болам, баҳтили бўлгин, кўша қаринглар. Она қизим, йиғлама, баҳтили бўласан, – деб дуо қўлдилар отам.

Шунда амакиларимдан бирининг хотини:

– Мана, она қизингизга тўй ҳам бўлмади, – деди.

– Сен бундай жодугарлигингни қўяссанми, йўқми? Қизим баҳтили бўлса, бас, – дедилар дадам.

Қатор извошларда бордик. Кўчалар бирам чиройли, сувлар сепилган. Ҳамид Олимжон оптоқ кўйлакда бизга пешвуз чиқдилар, кўзлари чақнаган. Извоши тўхташи билан олдимизга келиб, қўлимдан тутдилар:

– Соат неччи бўлди?

– ...

– Мине!

Столларда ҳаммаси бўлиб 40–50 чоғли одам, дастурхонлар безатилган. Ўшанда Ҳамид aka Фанлар академиисида шиллардилар. Ҳоди Зариф, Отажон Ҳошим, Ўйгун, Яшин aka, Ҳалимахоним, Олим Ҳўжсаев, Назира Аҳмедова, Сораҳоним, Розияхоним Каримова, Мукаррамахоним эри билан. Нариги сўрида маҳалламиздан келган аёллар. Онами ҳам кўриб туривман. Бир пайт аям – Комила бувини ёнимга олиб келишиди.

—Аяжон, сиз келинингиз билан гаплашиб туринг, мен ойим билан кўришиб келай, — деб нариги сўрига кетди Ҳамид ака.

Ҳамид Олимжон бориши билан маҳалламиз аёллари ўринларидан туришиди.

— Менинг онам қанилар, сўрашиб олай, — дедилар Ҳамид Олимжон.

Онамнинг:

— Вой, она деган тилларингиздан. Маним қизим сизнинг уйингизда яшиаб юрсин. Ўзим бўласиз, — деган гаплари эшитилиб турарди.

Жуда чироили тўй бўлди. Кейин Назир ака, Аъзам Аюб, Охундий мени Ҳамид Олимжоннинг уйига олиб боришиди.

Тўйдан кейин аям — Комила буви бошқа фарзандларини олиб Жиззахга қайтиб кетишга шайландилар. Лекин мен уларнинг кетишларига йўл қўймадим. «Ўзлингиз шу ерда, сизлар ҳам биз билан бирга яшайсизлар», — дедим. Шу-шу битта уйда ҳаммамиз яшадик. Ҳамид Олимжонга бўлган муҳаббатим унинг онаси, сингиллари, укаларига бирдек етарди. Улар ҳам мени шунга яраша эъзозлашарди. Ҳаттотки Ҳамид Олимжон бўлмаган пайтларда ҳам унинг ўзи бўлиб авайлашиди.

Отам, онам куёвни шунчалар суюб, эркалатишди-ей... Ҳамид ака дадамни жуда яхши кўрадилар.

ХИЖРОНДАН ИККИ КУН ОЛДИН...

Ховлимиzinинг орқасида картошка экилган ер бор эди. Ҳамид Олимжон кечки овқатдан кейин ўша жойда ишилаётган эдилар. Ой нурида сув жисимиirlайди. Чой олиб чиқдим.

— Ташина бўлиб турганингда, чой олиб чиқсанг арзийди, — дедилар.

— Ташина бўлганингизни билдим-да!

Шундан кейин қаршиларига, майса устига ўтирудим.

— Шунақаям шоира бўларканми, — дедилар. — «Тап» этиб ерга ўтирудингиз, — дедилар-у, кўйлакларини ечиб, тўшаб бердилар. Мен уларнинг оёқларини ювмоқчи бўлдим. Шартта қўлимдан ушлаб:

— Бу кўллар менинг оёқларимни ювиши эмас, сочларимни силаши керак, — деб кўлларимни ушладилар.

Бу — 1944 йилнинг 31 май оқиоми эди...

* * *

Устоз Зулфияхонимнинг сирдош, меҳрибон келини Риояхоним Олимжонова сұхбатидан:

«... Зулфия аяжон ҳар гал йигилганимизда дадајсонимиз Ҳамид Олимжонсондан сўзлаб берардилар... Дадајсон қандай инсон бўлганлар, ёшликларида қандай ва қаерда учрашишган, атрофларидағи инсонларга, қариндошлиарига, болаларига қанчалик меҳрибон бўлганликлари ҳақида яйраб гапириб берардилар. Аяжон айтишиларича, дадајсон ўзларига жуда талабчан бўлган эканлар. Эрталаб сахардан то 10–11 гача ҳеч нимага чалгимай ижод қилар эканлар. Аяжоннинг ёзган шеърларини биргалашиб ўқишиар ва керак жойда ўз фикрларини айтар эканлар. Шунинг учун бўлса керак, уларнинг шеърлари бир-бирига руҳан нухоятда яқин.

Бизга, алалхусус менга, шундай сұхбатлар жуда ва жуда ёқарди, жуда хурсанд бўлардим. Чунки мен дадајсонни фақат китобларидан, ёзган шеърларидан билар эдим-да. Умуман, аяжон билан сұхбатлардан кўп нарса билиб олардим ва қалбан бойиб кетгандай бўлардим. Аяжон эса ҳар гал завқ-шавқ, меҳр билан сўзлаб берардиларки, менимча, дадајсонни тақрор-тақрор эслаганларидан ўзлари қувонар ва таскин топардилар! Бу сұхбатлар кўп бўлгани учунми, ҳатто бир куни тушимда дадајсонни кўрдим, улар менга уч маротаба «Сизга раҳмат» деб айтдилар. Мен аяжонга тушимни айтиб берсам, ўзлари қандай, қандай кийинган, сочи қандай тараған, деб сўрадилар. Муфассал билиб олганларидан кейин «тўғри кўрибсиз» деб айтдилар. Ҳам хурсанд бўлдилар. Ҳам ажабландилар».

САНЪАТКОР ТАРЖИМОН

Шоира Зулфия қаламидан чиққан таржималар офтобдай нур сочиб туради. У ўзбек тилига ўтирган шеърлар туйгуларга, эҳтиросларга йўғрилиб, худди асарнинг аслиятидай қиймат касб этади. Зулфия ўзбекчалаштирган буюк Пушкиннинг оташ-алангали шеър-

лари мафтункор, ўртаниш ва изтироблари жонингизга титроқ солади. Пушкиннинг қайноқ мұхаббат дардларини қайта ҳис қиласиз у мисраларда. Ёки Некрасовнинг «Рус аёллари» поэмасини мутолаа қилсангиз, сўзниң рангини, ифорини, жарангини, таъмини, маин тароватини туясиз. Сўзниң тошдай қаттиқ бўлгани, корнинг олмос учкунларига айлангани, сўзниң гул очганини кўргандай бўласиз. Ўзбек тилининг нечоғлик жозибадор, ранг-баранглиги сизни ҳайратга солади. Сўзда қаҳратоннинг захрини сезасиз, ёзниң чарақлаган куёши тафтини, занглаган оғир кишанларнинг маҳзун шилдирашини ҳис қиласиз. Киборлар, зодагонлар базмининг ёрқин, шўх юлдузлари княгиня Трубецкая ва Волконскаянинг ёшлик йилларига бағишиланган сатрларда таржимон сўзларни сайдатиб юборади, бахту саодатга чулғанган, ҳашамга ботган гўзал хонимларнинг кўнгил кечинмалари шоҳона тасвирга айланади. Уларнинг изтироблари, қора қаҳратоннинг қорли йўлларида мавзудлари баёнида, рус кишлоқлари таърифланган манзараларда шоира таржимонликнинг юксак намуналарини яратади. Икки буюк мұхаббат ва вафотимсоли қисматини шоира худди ўз бошидан кечиргандай ҳарорат ва айрилиқ азобларини ўта санъаткорлик билан мисраларга жо этади.

«— Авваллари Пушкин ва Лермонтовнинг бир қатор шеърларини ўзбекчага ўгирган эдим. Қирқ-эллигинчи йилларда Некрасовнинг «Рус аёллари»ни ўқидиму шу достондан бир зум узилолмай қолдим. Ўшанда русчани ҳозиргидай билмасдим, кўп жойларини фақат қалб ҳисси билан ўқирдим, қалбим билан тушунардим. Ўша кунлар мен Волконская ва Трубецкаянинг синглисидай эдим. Қандай таржималари киришиб кетганимни билмайман.

Мен гамгин мұхаббат, тогдай тоқат қиссанинг ўтларида ёниб юрган пайтларимда матбуотда шу достоннинг Мақсуд Шайхзода, сўнгроқ Насрулло Охундий томонидан қилинган таржималаридан парчалар босила бошлади.

— Тўхтатмадингизми?

— Хаёлимга ҳам келмади.

— Мехнатим зое кетади, деб чўчимадингизми?

— Менда «мехнатим куяди, таржимам босилмай қолади» деган ўй ҳеч қачон бўлган эмас. Ҳар доим ўзим учун таржима қила бошлийман. Шу жараёнда катта ижод мактабини ўтайман.

— Кейин Некрасов достони таржимасини қаршиликсиз чоп этишидими?

— Бир неча бор. Мен ҳар гал унга янгидан сайқал бердим, — деган эдилар Зулфия опа журналист Анвар Жўрабоевнинг «Гўзаллик яшаган қалб» сұхбатида.

У бу асарни ўзбек тилида қайта яратади гўё. Зеро, таржимоннинг ўзи ҳам муаллиф қадар юксалиши, асар ёзилган даврнинг руҳини теран англаши ва ўз тилининг бутун имкониятларини на-моён этиши керак-да!

Зулфияхоним таржималари рўйхатида жаҳонга таникли шоираларнинг асарларини кўрасиз: Габриэла Мистрал, Леся Украина, Соломея Нерис, Анна Ахматова, Марина Цветаева, Елизавета Багряна, Маргарита Алигер, Десанка Максимович, Людмила Татьяничева...

Машхур шоирлар Мирзо Турсунзода, Қайсин Қулиев, Мустай Карим билан дўстона муносабатлари самараси бўлиб, жуда фасоҳатли шеърлари таржимаси дунёга келган. У ўз қалбига, туйғуларига, қарашларига яқин бўлған шеърларнигина мухаббат ва ихлос билан ўзбек тилига ўгиради Устоз сұхбатларимизда Ҳамид Олимжон билан бирга таржималар қилган кезларини соғиниб эсларди, шоир таржималарининг равонлигини, асл нусхасидай ёркин ва мукаммаллигини тақрорларди. Шу ўринда Зулфияхонимнинг айтганларини хотирга олсан жоиз бўлар.

1943 йил. Ҳаёт-мамот жанглари дунёни ларзага солиб турган суронли давр. Ҳалқ қурол ясар, завод-фабрикаларда уйқусиз дастгоҳ юргизар, бир тишлам нонини ҳам, ташвишини ҳам фронт билан баҳам кўтарди. Госпиталларда ҳамширалар малҳами билан бир қаторда санъаткорлар қўшиқ билан ярадорларни даволар эдилар. Юрт ёзувчи ва шоирларнинг сўзига илҳақ эди. Тошкентда адабий ҳаёт кайнар, бу ерда яшаётган таникли рус, украин, белорус шоирларининг асарлари ўзбек тилида чоп этилар, ўзбек жангчиларининг кўкрак чўнтағида Ҳ. Олимжоннинг «Кўлингга қурол ол», Ф. Гуломнинг «Сен етим эмассан» шеърлари билан бирга К. Симоновнинг «Мени кутгил»и каби ноёб шеърларнинг ўзбекча таржимаси ҳам юрарди.

Белорус шоири Якуб Коласнинг юбилейи бўлиши керак. Адибнинг китобини зудлик билан ўзбек тилида чиқариш даркор эди. Буни дўстлик бурчи ҳам талаб этарди. Хонадоннинг энг катта хонаси икки шоирнинг ижодхонасига айланди. Ўртада икки юракни бирлаштириб шам ёнади. Бир шам ёруғида икки дил, икки сафдош шоир ярим тунгача Я. Колас билан ғойибона суҳбатда. Китобга сўзбошини Ҳамид Олимжон ёзар, шеърларини Зулфия ўзбек тилига ўгиради. Уч кунда сўзбоши ҳам, Зулфияга тегишли таржима ҳам тайёр бўлди. Шамнинг хира ёруғида бир хона кенг жаҳондай бўлиб, битта столнинг икки қаноти илҳом ва меҳнатда эди. Улар битта нафасга айланиб баҳтиёр яшар, ишлар эдилар. Қийин шароитни пайқамас эдилар, ҳамма шундай яшарди. Меҳнат, меҳнат қилиш керак эди. Уруш борарди ахир. Ҳалқقا таянч сўз керак эди.

Ўша машаққатли кезларда нозикниҳол Зулфиянинг қудратли таянчи – Ҳамид Олимжоннинг ёнида ёниқ сўзларни излаш ва топиш осондек эди.

Қардошларнинг адабиёт байрамларида Зулфия албатта янги таржималарини мухлисларига совға этарди. Эсимда, тожик адабиёти кунларида устоз Мирзо Турсунзоданинг «Ватан» шеърини ўз таржимасида ўқиб, мухлисларнинг олқишига сазовор бўлган эдилар. Шоира арузда деярли ёзмасди, лекин Сулаймон Рустамдан, Мирзо Турсунзодадан аруздаги шеърларини маҳорат билан она тилимизга ўгирган. Шоиралар ижодидан қилинган таржималарда майнинлик, нафосат, аёл қалбининг титроқлари сезилиб турса, Нозим Ҳикмат, Қайсин Қулиев ва Мустай Карим асарларида донолик ва ҳикмат, шарқона фалсафа уфуриб туради.

Унинг таржималари орасида тасодифий асарлар йўқ. Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов Иброҳим Гафуровнинг таржималари ҳақида сўз юритиб, таржимонлик учун улкан истеъдод ва қобилиятдан ташқари улкан сўз захираси ҳам кераклигини таъкидлаган эди. Шоира Зулфия улуг ҳурмат ва муҳаббат билан қилган таржималари унинг сўз заргари, санъаткори эканидан далолатдир. Зулфиянинг таржимонлик санъати мактаби кўпларимизга ўrnак бўларлидир.

Муниссан сиздиш
Таънисидато Ҳамзате дар
Хозигӯн амона, ба салжон

* * *

ҲАҖИ С. ПУШКИН

Софирини сарк
Дар оштак ше
Динсаҳи сарни

Мондада сиздиш
Дар байни сарк
Динсаҳи сарни
Сарни сарни
Бо мондада
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни

Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни

Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни

Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни

Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни
Сарни сарни

Кечирамикансан, орзумдаги рашк,
Ишқдаги бу сифат телба ёнишни?
Содиксан! Не учун севасан яккаш –
Фикру хаёлимга кўркув солишни.
Жазманлар қуршаган сенинг атрофинг,
Кўринмак истайсан барчага дилбар,
Гоҳ мунис, гоҳ маъюс сенинг нигохинг
Ҳаммага нечун пуч умид бахш этар?
Ақлимни банд этиб, ўзимни мафтун,
Бу бахтсиз севгимга ишончинг комил,
Кўрмайсан шовқинли гурунгда бутун
Суҳбатга бегона, изтиробда дил,
Танҳолик ҳасратин чекаман толиб,
Махрумман илтифот ва шафқатингдан...
Кетмоқчи бўламан; кўркиб, ёлвориб,
Кўзларинг қидирмас менинг изимдан.
Ишвали сўзлар-ла қилмоқ бўлиб ром,
Мени гапга тутиб қолса бир жонон, –
Сен беғам, осуда; қувноқсан мудом.
Бу таънанг мен учун ўлимдан ёмон!
Гапир-чи, не учун менинг рақибим;
Мену сен икковни кўраркан хилват,
Сенга нечун сирли қиласди таъзим?..
Айт-чи, ким берибди бунга ижозат?
Сўйла-чи! Не учун тўлғанар рашкда,
Не учун оқарап жамолинг кўриб?
Не учун кун ва тун ўртаси пайтда
Онангиз сен танҳо оласан кутиб?!

Лекин мен севимли... Мен-ла қолганда
Шу қадар муниссан, шу қадар дилдор!
Бўсанг – ўт! Сен ишқдан суҳбат очганда
Самимий юрагинг этилар изҳор!

Сенга кулгилидир мендаги азоб
Ва лекин севасан, етади ақлим.
Азизим, кийнама, ҳеч қолмади тоб,
Билмайсан, нақадар кучлидир ишқим,
Билмайсан, қандай зүр менда изтироб.

* * *

Агар сени алдаса ҳаёт,
Сен ноумид бўлма ҳеч қачон.
Фамли кунга қилгин итоат,
Хушнуд кунлар келади, ишон!

Қалб келажак ишқи-ла яшар;
Бу кунимиз қайғу ва доғли:
Бари оний, ўтишга шошар,
Ўтган эса ҳамиша тотли.

* * *

Эсимдадир ажиб дам хали,
Кўз олдимда бўлдинг намоён,
Соф гўзаллик даҳоси каби
Бир лаҳзалик хаёл, тушсимон.

Гам-аламдан дилим ёнгандা
Тушларимда кўрдим чехрангни.
Ҳаётдаги бўм-бўш суронда
Келиб турди товшинг жарангни.

Йиллар ўтди. Исён бўрони
Хаёлларим совурди дилдан
Ва унутдим дилбар садонгни,
Ўчди азиз чехранг ёдимдан.

Кувғинликнинг чангидаги нурсиз
Фамга тўлиб кунларим ботди;
Худо, илҳом ва кўз ёшилиз,
Ишқ, изтироб, ҳаётсиз оқди.

Мана, қалбга ошно бўлди най,
Кўз олдимда бўлдинг намоён,
Гўзалликнинг соф парисидай,
Бир лаҳзалик ажиб тушсимон.

Руҳим яна уйғонди бу дам,
Яна унда тирилди нажот,
Яна дилда худо ва илҳом,
Кўз ёшию муҳаббат, ҳаёт.

Леся УКРАИНКА,
Украина

КУЙЛАРИМ

Куйларим! Нега сиз чақмоқдай бўлиб,
Жангларда ёнувчи пўлат эмассиз,
Ё душман бошини бешафқат узиб
Ташловчи шамшири қасос эмассиз.

Эй, менинг тобланган тигим – куйларим,
Сизни қинингиздан олсам сугуриб,
Фақат оқизасиз дилдан хунларим,
Ёв бағрин тешмайсиз яшиндай уриб!..

Бағишлаб барча куч, билим, санъатни,
Мен пўлат шамширни чархлайман жангга –
Ярқираб, деворнинг бўлиб зийнати
Турган бу пўлатдан не фойда менга?

Эй, менинг курашга тайёр куйларим,
Биз ҳалок бўлмасмиз бехуда ҳеч бир.
Балки сиз нотаниш жасур дўстларим
Кўлида бўларсиз душманга шамшир.

Кишангага теккан тиф чиқарган садо
Душман кўрғонини кўпориб ташлар.

Озод қардошларнинг дардига даво
Бўлиб кураш сари, жанг сари бошлар.

Қасоскор ҳеч қачон жангда енгилмас,
Хужумга киаркан кўшиқ-ла ҳамдам.
Куйларим! Бу заиф кўлларга эмас,
Жасур курашчига ёр бўлинг ҳар дам !

Марина ЦВЕТАЕВА,
Россия

Севги! Талвасада, тобут қаъридан
Тортиниб, интиқиб, талпингум қувноқ!
Севги! Гўр лабида, булут бағрида
Туриб ҳам, демасман сенга алвидо

Берилмаган ахир, жуфт ўт қанотлар
Юрсин деб юракка ортиб ғам юкин.
Йўргакли, кўзюмуқ, безабон зотлар
Нуфузига қўшмам яна бир юпун.

Кўлларим кутқариб, ростлайман қаддим,
Ишқ! Сени ўлимдан сақлайман омон.
Мен унга ўт кўйсам минг-минг чақирим
Ерларда қор қайнаб, ёнади ўрмон!

Лекин қанотларим, кифтим, тизларим
Букиб шум ҳукмига бера қолсан тан,—
Бу — ўлим устидан кулиб, эзганим,
Бу — мен шеър бўлганим, бўлганим гуашан.

* * *

Кеча термулардинг ҳали кўзимга,
Бугун кайлардадир кезади нигоҳ!
Кеча куш тургунча бўлдинг ўзим-ла,
Бугун ҳамма тўрғай — нақ карға сиёқ.

Мен чунон нодонман, сен эса доно,
Сен тирик, мен жонсиз донг қотиб қолдим.
Замонлар аёлин доди бу садо:
«Жонгинам, мен сенга не қила қолдим?»

Аёл кўз ёши – сув ва қони ҳам сув,
Қонда ва кўз ёшда чўмилди аёл.
Севги она эмас, ўгай она у,
Хукм ва тараҳхум кутмак хом хаёл.

Кема олиб кетар севгилимишни,
Уларнинг йўллари нурафшон доим.
Фарёдимиз тутар ернинг юзини:
«Жонгинам, мен сенга не қила қолдим?!»

Ҳали кечагина ётиб пойимда,
Хитой хоқонига этгандинг қиёс.
Бирдан икки қўлим қолди ёнимда,
Занглаган чақадай сочилид ҳаёт!

Фарзандин қатл этган бир жаллодсимон
Суддаман: носуяк, журъатсиз, музлим.
Мен дўзахдан сенга чекаман фарёд:
«Жонгинам, мен сенга не қила қолдим?!»

Сўрайман стулдан ва каравотдан:
«Нечун шунча азоб, шунчалик тоқат?»
Ва жавоб оламан: «Тўйди ўпмакдан,
Ўзгани ўпмак-ла этмоқчи бадбахт».

Оташда яшашга ўзинг ўргатдинг
Ва муз сахросига сўнг отдинг жисмим.
Мана, не кунларга солдинг, не қилдинг,
«Жонгинам, мен сенга не қила қолдим»

Мен барин айтаман, килма эътиroz,
Боз кўзим очилди. Эмасман жазман,

Қаерда чекинса мұхаббат шу хос
Хукмин бошлар ажал аталмиш боғбон.

Олма шохларини силкитмоқ нечун
Пишиб етилганда тушар ўзи жим.
— Мени кечир, бари, барчаси учун:
Жонгинам, мен сенга не қила қолдим?

Анна АХМАТОВА,
Россия

Юртни ёв қаҳрига ташлаб кетгандар
Бүлолмас ҳеч замон ҳамроҳим меним.
Маҳлиё этолмас мадху найранглар,
Уларга бермасман битта ҳам шеърим.

Лекин мисли туткун, мисоли хаста,
Ҳамиша аянчли менга кувғин жон.
Мусофир, йўлларинг қора зулматда
Ҳеч вақт ширин бўлмас ёт кўл берган нон.

Бу ерда, ёнғинлар аччик дудида
Қолган ёшлигимиз этаркан қурбон,
Эл бошига тушган кўргиликлардан
Ўзимизни олиб қочмадик бир он.

Биламиз, келажак қиласар сархисоб,
Қимматин топади ўтган ҳар соат.
Лек биздай кўз ёшсиз, оддий ва кибор
Одамлар бўлмаган жаҳонда ҳеч вақт..

Мана, бир амаллаб бўлдик ажирам
Ва ўчиридик ўзи сўнган оловни.
Энди билмак даркор, абад рақибим,
Чиндан севмакни ҳам ахир бировни.

Мен эркин, ҳар нарса мен учун эрмак
Тунда учиб кириб юпатар илхом.
Тонгда қулоғимни батанг этарак
Шұхрат шақылдокдай қилмок бўлар ром.

Не кор мени ўйлаш, раҳм ва шафқат,
Кетаётиб ортга ташламоқ назар.
Қора еллар менга баҳш этар тоқат,
Ва ҳазонрезгилик дилим қувнатар.

Хижронни ўзимга биламан тухфа,
Унутмоқни буюк ҳузур, мурувват...
Лекни айт, бундайин дўзахвор ўтга
Ўзгани ташлашга қилмассан журъат?..

Сулаймон РУСТАМ,
Озарбайжон

АХТАРИНГ

Бир кун ёдингизга тушсам мабодо,
Бу она-ерлардан мени ахтаринг.
Беш-олти қўшиғи муаллифини
Севган кўнгиллардан мени ахтаринг.
Илк баҳор чоғида,
Иса боғида,
Ораз қирғоғида
Сайр этган чоғда
Үрдакли кўллардан мени ахтаринг.

Энг азиз билганим жонажон Ватан,
Умидим босади на туман, на чанг,
Карвон-карвон бўлиб маъноли кечган –
Ойлардан, йиллардан мени ахтаринг.
Бу кўярар кўзимни,
Юрак сўзимни,
Менинг бор вужудим,
Менинг ўзимни
Куй севган диллардан мени ахтаринг.

ҚИММАТИ ЙҮҚДИР

Сийнаси дарёдай шеър-ла тошган
Шоирнинг қуёсиз сахари йўқдир.
Кора кун ҳам ўтди, ёруғ ҳам бошдан,
Деманглар, дунёдан хабари йўқдир.

Бу тупрок ўғлининг орзуси зиёд,
Ёркин чўққиларга тўлиқдир ҳаёт.
Ўзини менга дўст билмаган бир зот –
У ким дилда тоза гавҳари йўқдир.

Севгисиз ва дардсиз кечирган умр
Ҳаётмас, хулёдан излаган хузур.
Ватансиз, онасиз, бетолеъ, бенур
Куни ўтганларнинг бир қадри йўқдир.

Қайсин ҚУЛИЕВ,
Кабардин – болқар

ҚАДИМГИ НАСИХАТ

«Сендан кичик йўқ бунда!» – дерлар,
Зарра бўлсин ғазабланма сен.
«Сендан улуғ йўқ бунда!» – дерлар,
Зарра бўлсин мағурланма сен.

Сокин тошдай бўл чидам рамзи,
Бўронда ҳам, ёқканда ҳам қор.
Кўланкали дарахтдай сахий –
Ором бўл ким шабадага зор.

Гар истасанг ўз йўлинг топмоқ,
Зўр оқимдан олгин андоза.
Не кун кўрма, тоғ қори сиёқ
Қола билгин оппоқ ва тоза...

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ва Коражалпогистон халқ шоири.

ТУРНАЛАР*

Юрт кўкида қанотларин толдириб,
Қай манзилга сафар этган турналар,
Айрилиқнинг дардин бизга қолдириб,
Кувончини олиб кетган турналар.

Овозингга қулоқ солиб қарасам,
Оқкушлардай қағиллашиб борасан,
Алёр айтиб видолашган бўласан,
Келмасликка йўлга чиккан турналар.

Ерга бир навбатдир, элга бир навбат,
Қайтиб боргач, қайтиб келмоқ бир давлат.
Оч тўлкинлар қўймас учишга гурлаб,
Сўнали қўллардан учган турналар.

Сизлар уя қурган ўтовлар овлок,
Адирада қолгандай ойдинли булок,
Тик осмонда учиб «қуррэй-қуррэй»лаб,
Не тилак-ла борар шўрлик турналар...

Инсон нелар кўрса – феълидан топар,
Гар қасд қиласа – дарё тескари оқар,
Бу ер бизга бир умрга ҳаром деб,
Чуғурлашиб йиғлаб кўчар турналар...

Кушларни қанотсиз, қўлларни сувсиз
Қолдирган номардлар қолмас сўровсиз,
Қарғишига йўлиқиб, аслу наслсиз
Колар, деб тиғлашиб борар турналар...

Тонгларим уйғонмас тўлқин товшидан,
Қаердан топарман бундай кушни ман?

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ва Коразалпогистон халқ шоири.

ТУРНАЛАР*

Юрт кўкида қанотларин толдириб,
Қай манзилга сафар этган турналар,
Айрилиқнинг дардин бизга қолдириб,
Кувончини олиб кетган турналар.

Овозингга қулоқ солиб қарасам,
Оккушлардай қагиллашиб борасан,
Алёр айтиб видолашган бўласан,
Келмасликка йўлга чиқсан турналар.


Ерга бир навбатдир, элга бир навбат,
Қайтиб боргач, қайтиб келмоқ бир давлат.
Оч тўлқинлар кўймас учишга гурлаб,
Сўнали кўллардан учган турналар.

Сизлар уя қурган ўтовлар овлок,
Адирада қолгандай ойдинли булок,
Тик осмонда учиб «куррей-куррей»лаб,
Не тилак-ла борар шўрлик турналар...

Инсон нелар кўрса – феълидан топар,
Гар қасд килса – дарё тескари окар,
Бу ер бизга бир умрга ҳаром деб,
Чугурлашиб йиғлаб кўчар турналар...

Кушларни қанотсиз, кўлларни сувсиз
Қолдирган номардлар қолмас сўровсиз,
Қарғишига йўликиб, аслу наслсиз
Қолар, деб тиглашиб борар турналар...

Тонгларим уйғонмас тўлкин товшидан,
Қаердан топарман бундай қушни ман?



Зулфия ижодхонасида



Зулфия ва Ҳамид Олимжон. 1936 йил



Ўнгдан: Ойбек, Ойдин Собирова, Зулфия



«Саодат» журналида



Сирдарё утрашви



Зулфияхоним ўали Омонбек, Риояхон ва нөвэрлари Фаррухбек, Отабек билан



Зулфия, Комила ая, қайнисинглиси Мұхаббат, қизи Хулкарой
ва ўғлы Омонбек билан



Зулфия қизи Ҳулкарой, қөлини Риояхоним, жияни Эркин
Истроилов ва эваралари билан



Зулфия номидагы Давлат мукофоти соҳибалари

Тузли қатлам күмган күллар түшидан
Сув ичмай ташналаб жўнар турналар...

Кетасиз осмонга арғимчоқ солиб,
Қарайман кўзларим, дилларим оғриб,
Нега ота юртдан Сиз каби тониб,
Оёқ узолмайман, айтинг, турналар...

ИЛОЖ БЎЛСА, ОШИҚ БЎЛМАЙ ЯШАНГЛАР...

Бу балодан кўрқсан Инсон бормикан,
Сўнгра бармоғини тишлаган доғдан,
Илож бўлса, ошиқ бўлмай яшанглар,
Мен шўрлик ҳеч шундай яшай олмадим

Гул ёшлик чоғимда кирдим чаманга,
Сехргар бир булбул фол очди манга:
«Ишқнинг азобисиз бир кун йўқ санга» –
Деди, лекин шундай яшай олмадим.

Уч хумор кўз мени нишонга олди,
Иккиси кетдию, биттаси қолди,
Ул ҳам мени тутиб қафасга солди,
Канча уринсам ҳам чиқа олмадим...

Хижрон косасини тутди лиммо-лим,
Сездим, ўтганининг менинг давроним,
Сановбар қушидан сабоқлар олдим,
Унинг ҳам кўнглини хушлай олмадим.

Одамлар бор: қорни тўйса яйраган,
Ишқка на тиз чўккан, на-да сайраган,
Умрида на севги бағрин тиғлаган,
Мен шундай азобисиз яшай олмадим.

5.04.91 йил.

Изоҳ: Ушибу қорақалпоқ тилидан таржималар муаллиф архивидан олинди.

ЗУЛФИЯ ЁГДУЛАРИ

Ҳаво кезиб чарчаган қушдай,
Учуб, қўниб кезгум Ватанини,
Ва меҳнатдан нақ ипак қуртдай,
Тўхтамасман, тинмаса қалбим.

БИРИНЧИ ҚУВОНЧ

Ўқчи кўчасидаги катта боғ ховли. Қотмагина, буғдойранг чехрали, шахдамгина бир қиз техникумдан қайтиб, қувониб она олдига кирди. Унинг қўлида янги китобча. Муқовада лотинча қилиб «Зулфия Истроил қизи», «Ҳаёт вараклари», 1932 йил деб ёзилган. Асил ўзбек аёлларига хос босиқлик ва ички қувонч билан она қизини кўзи билан эркалади. Бу кичкина бир хонадонда дунёга келган қизчанинг жаҳонга машҳур шоира бўлиши онанинг хаёлига келганмикан ўшандა? Фақат она янги ҳаётнинг фаол курашчилари бўлган ўғиллари изидан ёлғиз қизининг ҳам дадил овоз билан эргашганидан мамнун эди, холос.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, қизи унга бир даста пул келтириб берди. Бу илк шеърий китобчанинг қалам ҳақи эди. Она ҳайрон савол берди:

– Вой, болам, биз ҳали пул тўламадик-ку бу китобчага? Қанча коғоз, меҳнат сарф қилинган ахир бунга?

– Мен сўраб борганим йўқ. Илёс акам олиб келиб бердилар (шоир Илёс Муслим шоиранинг амакисининг ўғли бўлади). Шеърларимга давлат тўлаган қалам ҳақи экан.

Меҳнаткаш, саводхон, доно она ҳали ўз қизининг умр йўлларида шеърнинг камёб шухрат гуллари, ҳалқ меҳрини кўражагини ҳам ўйламагандир? Бу бутун ҳашами гулу боғ бўлган хонадон дарвозаси остонасидан бошланган йўл Ер юзининг жуда кўп эллари, одамлари қалби билан туташажагини. Она ўшандагиси қилганмикан?

— Ҳамид Олимжон ҳалок бўлганда (1944 йил) кўру кар эдим. Ҳеч нарсани билмасдим. Ўшанда уни кутиб, театрга борамиз деб чиройли кийиниб олгандим.

Мен ўша куни фалокатни эшитиб, жонимга ўт кетиб, қасалхонага чопдим. Бир лаҳзага кечикибман. Кейин менга бирга бўлган дўстлари гапириб беришиди. У ўша лаҳзада бошида турган Усмон Юсуповга оғриқ билан аранг, бўлиб-бўлиб:

— Усмон ака, врачлар иложини қилишса... ёрдам беришсин! Ахир, ҳали иш жуда кўп... ёшман! – деган экан.

— Албатта, ўғлим, албатта, – деб Усмон Юсупов врачларга илтижо билан қарабди. Врачларнинг нигоҳи умидсиз экан...

Ҳамид Олимжон энг сўнгги дақиқаларигача шундай бўлганига, айнан шундай деб айтганига мен жуда ишонаман.

Халқ уни елкасида олиб борарди. Ўша мудхиш кун унинг бошида турибману, хиноли бармоқларимни қаёққа қўйишни билмайман. Кесиб ташланглар, дейман...

Қайнонам Комила ая иродали эдилар. Мен ва Саҳобат йиғлаб-йиғлаб икки ёқда чўзилишиб қолардик. Шакарли чойга нон ивитиб, оғзимизга солардилар. Орадан кўп ўтмай, лағмон пишириб, устига кўклар солиб, дастурхонга тортдилар.

— Олинг, болам, енг. Абдулҳамид яхши кўрарди буни. Авваллари икковингизга пишириб берардим, – дердилар. – Мотам ақлсизни – жинни, ақллани – доно қиласди.

Оҳ она, она! Сенинг борлиғинг сабр-тоқат ва мадад эди!

Ўша кунлари тушимга Ҳамид Олимжон кирибди. Шундай зинадан тушиб кетаётса, йиғлаб орқасидан эргашибман, югурибман.

— Қаёққа борасиз, ана, онамдан ўрнак олсангиз-чи! Йиғламанг, болаларга қаранг, менинг дунёим бошка. Бўлди, колинг, йиғламанг! – Шундай деб чиқиб кетиб қолдилар, – сўзлаб берардилар устоз...

Бу башорат – муニис йўлдошини тирик ҳаёт бағрига, катта шеърият, элга хизмат йўлига ундаган эди. Ўша бедод айриликнинг тоғдай юкига қаламга таяниб, одамларга суюнибгина, шоира тоб берди. Ҳижроннинг оловли чиғириғидан порлаб, жароҳатли жайрондай дардига эм топиб, ёниб шеър ёзди.

МЕХМОНЛАР

Гавҳар орттирмадим дўстликдан бошқа...

Таҳририятга Зулфия опа чақнаб кириб келдилар. Узун йўлакда унинг шахдам, енгил қадамларини дарров билиб қоламиз.

«Эй, дил» янги шеърларини айтиб ёздириб ўтирган эканлар, кўришгач, «келинг, шеър ўқиймиз», дедилар.

– Эрталаб соат 5 дан 9 гача ўтиридим. Бирданига битди.

Ҳамиша шундай. Одатда у шеърни узоқ дилда кўтариб юрар, эҳтирос, тошқин илҳом билан бир ўтиришдаёқ қоғозга туширади.

Тожикистон адабиёти ва санъати кунлари. Адабиёт кечаси мушиорасида Зулфия Мирзо Турсунзоданинг «Эй, Ватан» шеъридан сўнг ўзларининг «Эй, дил» шеърларини ўқидилар.

Тожик шоири Лойик Шерали жуда гўзал билан шеърини ўқигач, президиумда ўтирган Зулфияхоним шоирга чиройли гулдаста тутдилар. Лойик одоб ва эҳтиром кўрсатиб, шоиранинг кўлларидан ўпид, таъзим айлади...

Шу кунларнинг бирида Жалол Икромий билан бўлган бир сұхбатни айтиб бердилар.

– Фотех Ниёзий эсимга солди. Шундай бўлган экан, менинг ёдимда ҳам йўқ. Ундай ҳодисалар кўп бўлар эди.

Москвага учайдган Душанбе самолёти Тошкентга қўнибди-ю, рейс тонготаргача қолдирилибди. Бир пайт телефон жиринглади. Ҳамма ухлаган. Гўшакни кўтарсам, Мирзо Турсунзода:

– Зулфияхоним! Мен Мирзоман! Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом! Қаердан сўзлаяпсиз? Тошкентданми?

– Мусоғирлар дарвозангизда турибмиз, кир, дейдиган одам борми, деб!

– Тошкентда дарвоза кўп. Қайси биридасизлар?

– Осмон дарвозасидамиз. Ҳозир борамиз сизникига!

– Қандай бўларкин? Соат бир бўляяпти-ку! Ҳамма ухлаган!

– Ухлаган бўлса, майли, уйқулари оромли бўлсин. Шоир халқи ҳамиша бедор. Биз ухламаганда, энди сиз ҳам ухламайсиз-да, азизим!

– Йўлдошларингиз борми?

— Ҳа, ҳаммаси ўзингиз билган мусофиirlар – мен, Фотех, Жалол Икромий...

Бирдан Жалол Икромийнинг овози эшитилди:

— Кечирасиз, Зулфияхоним, Мирзо сизларнигига борамиз, деб туриб олган. Ойбекнигига бора қолайлик, десам, тинчини бузмайлик, дейди. Ғафур Гуломникини айтсам, Ғафур зиёфат қиласи, самолётдан қолиб кетамиз, дейди.

— Бўпти, марҳамат, келинглар, – дедим.

Ўйга кирдим. Аямларни уйғотдим.

— Аяжон, турсизми?! Тожиклар меҳмон бўлиб келишяпти уйимизга. Ўғлингизнинг ўртоқлари бор-ку, Турсунзода, Икромий, Тошкентда яшаган Фотех Ниёзийни биласиз!

— Туришга хеч ҳолим йўқ. Саҳобатни уйғотинг. Ўзларинг меҳмон қилиб, жўната қолинглар, – дедилар.

Зум ўтмай етиб келишди.

Уйда сабзи йўқ экан, кўшнимнинг уйидаги чироқни кўриб, югуриб чиқдим. Ахволни айтдим.

— Гўштингизни чиқариб юборинг-да, бемалол меҳмонларингиз билан ўтираверинг. Тайёр бўлгач, Саҳобатойни чақираман.

Ўшанда кириб-чиқиб юрган сингилларимиз бўй етиб қолишган кизлар эди. Дарров уларга тожиклардан куёв топишиди. Шу ерда режа тузишиди. Тепада ой балқирди. Ҳовлида Ҳамид Олимжон эккан ток тагидаги столда тузалган дастурхон атрофида ўлтиришиди. Кузда тўй ҳам ўтказиладиган бўлди. Бу адабиётчиларнинг дўстлигини ҳам мустаҳкамлайди, деди кимдир. Шеърхонлик ҳам қиёмига етди. Гира-шира тонгда аэропортга жўнаб кетишиди. Дўстлар учун бу хонадон эшиклари доим очиқлигини билишарди.

Мен яна бир бор ўша сухбат сурурини хис қилиб севиндим. Садриддин Айний, Сажжод Зохир, Файз Аҳмад Файз, Степан Шипачёв, Қайсин Қулиев, Марварид Дилбозий, Мустай Карим, Эди Огнешт – буларнинг ҳар бири ўз уйига, Тошкентдаги ўз манзилига тушгандай кириб келишарди. Шоиранинг қадрдонлари – халқимизнинг дўстлари эди.

Дўстлик, қардошлик туйғулари шу сабабли ҳам Зулфия ижодида «Мокомото дури»дан қиймат улуғланади. Ўз халқининг меҳмоннавозлик фазилатлари унинг табиатига сингиб кетган эди.

Бу фазилат ҳар сафар Тошкент анжуманлари чоғида, икки улуғ шоир дастурхони теварагида жам бўлган дўстлар даврасида доим намоён бўлган.

1976 йилнинг октябрь ойида шоира катта бир гуруҳ чет эллик ёш ёзувчиларни уйига таклиф қилди.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёш ёзувчиларининг Тошкент симпозиумида непаллик ёш шоира Банира Гири ҳам бор эди. У ҳовлида сайр этиб юаркан, кийикдай чаққонлик билан тиз чўқдида, Зулфиянинг этакларини кўзига суртди:

— Сиз мен учун шеърият тимсолидирсиз.

Комилик шоира Антонина Кимитвал:

— Сиз бизнинг момақайимиз (онамиз) бўласиз адабиётда.

Фаластиининг ёш оташин курашчи шоири Тавфиқ Файёд таъзим бажо келтириб, шоиранинг қўлларини ўпди ва унга қора фломастер ручкасини совға қилиб, деди:

— Мен маҳбусликда турма деворларига бу қалам билан юртим озодлиги ҳақида шеърлар ёзганман. Сиз бу қалам билан гўзал ўзбек қизлари ҳақида кўшиқлар битинг, азиз Зулфияхоним.

Тожик шоираси Озод Аминзода сўзлари кулогимда янграйди:

— Сизлар баҳтлисизлар, — дейди у бизга — мумтоз хазинангиз бор. Бу — Зулфия. Undan баҳрамандсизлар...

Шоирларни бир-бирига яқин, азиз қилган шеъргина эмас, инсонийлик хислати, маънавий улуғворлик ҳам. Мана шу икки нурли хислат Зулфияга дўст тутинган барча эл-элатлар ижодкорлари меҳрида ҳам намоёндир...

ҲАЙРАТ

Хозир устоз турган соҳилда турибу,
Гўё имтиҳондан ўтмоғим даркор...
...Мен ҳам нам қирғоқ узра
Мехробга киргандай аста тушиаман.

Ойбекнинг 80 йиллиги юбилейи тараддулари олдидан сухбат очилиб кетди. Зулфия сўнгсиз ҳурмат ва ўқинч билан сўзлайди:

— Сўзлаш ҳам оғир. 1968 йил. Абдулла Қаххор дағн этилаяпти. Тумонот одам. Ойбек акага кўзим тушди. Жуда эзилиб кетган.

Унинг катта-катта кўзларида бир жаҳон мунт. Назаримда, буқчайиб қолгандай кўринади. Юрагим зирқираб кетди...

Ойбек ва унинг рафиқаси билан сафарда бўлганмиз. Қаршидан самолётга чиқиб кетаётганларида қадлари букилгандай кўриниб, дилим зир кетди яна.

Саксондара... Бу ерга Бухоро ва Навоий шахрида бўлиб келганмиз. Йўл шу қадар гўзал. Гуллаган Ўзбекистон худди кафтда тургандай. Навоий йўлида ҳам, Бухоро йўлида ҳам ҳамроҳимиз шоир Тошпўлат Ҳамид эди. Соҳилда тўхтадик. Сув бир дунё нурни эркалааб окиб ётарди. Ойбек қирғоққа тушиб, Зарафшондан ҳовучлаб сув олиб ичдилар. Сув бармоқлари орасидан ирмоқлардай тўкилади.

«Бир ҳовуч сув» деб ёзиб кўйдим ён дафтарчамга.

Кейин Таллимаржонда эшак минганд қизча, мунчоқдай кизалок эди, бувиси билан борарди. «Хуриликко» деб ёзиб кўйгандим.

Бухородаги янги ишга тушган меҳмонхонада Ойбек ака қаттиқ ишладилар. Ҳаво иссик, дим. Жон саклаш қийин. Турли одамлар билан сухбатни Зарифа опа ёзиб оларди. Ойбек ака юzlаридан тер қуилиб, тинимсиз ишлардилар. Адиг беҳад гўзал илҳом дақиқаларига фарқ эди. Унинг ишлаганини кўриб, «Вой-эй, биз бутун умр ўйнаб ўтдик-а! Ёзиш бунақа бўларкан!» дедим ўшанда...

... Оға адилларимиз ҳаётдан бирин-кетин кетишди. Юраклар унишиб қолди. Қандайдир бурч – ўталмаган бурч дилингни эзиб қоларкан.

Мана, шоиранинг армонлари, бурчлари. Ўтганлар хотираси олдилда ҳам, бугунимиз олдилда ҳам бурчли деб ҳисобларди ўзини.

1970 йил. Шоира Ойбекка бағишлиланган «Куёшли қалам» достонини мухлисларига тақдим этди.

Ғафур Ғулом ва Миртемирни эслаганларида ҳам нафис бир ҳурмат, шогирдлик эҳтироми билан сўзлаганларига кўп бор гувоҳ бўлганман.

1984 йилда Зулфия чуқур ҳурмат ва ихлос тўла «Миртемир ёди» сарлавҳали мақола ёзиб, ҳалиқ севган шоирнинг бахшиёна ижоди ва шахсияти ҳакида адабиёт мухлислари хукмига ҳавола этди.

Номлари, ёдлари пайғамбар монанд

Ҳазрат устозларим – тераң илдизлар.

Зулфия бу пурхикмат, аллома халқ шоирларини ўзига, ижодига, хаётига таянч билиб яшаган. Шу таянчлар билан ўзини қудратли ҳис этган.

ШОИРЛИК МАФТУНЛИКДИР

Ўзбекистонда тожик адабиёти байрами кунлари.

Алишер Навоий номли театр саҳнасида «Зебо» қизлари. Улар алвон блузка, оппоқ шимда «Эй, санам» ашгуласига рақсга тушишди. Майдада ўрилган соchlари кора тўлқиндай тўлғанарди.

– Гўзал қизларнинг гўзал ёшлигига монанд гўзал рақс. Инсон кадди қоматининг гўзалиги.

– Мана, гўзаликни аёллардай ҳис қилиш керак экан, – деди ҳайратланиб тожик ёзувчи Фазлиддин Мухаммадиев.

– Эсингиздами:

Сендеқ санами кўрмади Лутфи Чигатойда...

Чин сўйла, Хито ҳўбларига на бўлурсен?

Ўйлайманки, гўзалик туйғуси ҳақида гап боргандада унга эркак ёки хотин кўзи билан қарааш деган тушунчанинг ўзи хато.

Гўзалик – баркамоллик. У кучли ва қудратлидир.

Лоп этиб унинг хаёлидан яна ёшлик йиллари ўтди. Ҳамид Олимжон билан икковлари «Искра» театри томонда саир қилишарди. Рўпарадан Мухтор Ашрафий ўтиб қолди. У жуда кўркам киши эди. Зулфия лол бўлиб, тикилиб қолди. Бир пайт Ҳамид Олимжон унинг билагидан ушлаганча, бўлдими, кетдикми, деди.

Зулфия хиёл хижолатда:

– Кечирасиз, хафа бўлманг!

– Кўзни нимага берган? Шоираликни-чи? Гўзаликка маҳлиё бўлмасангиз, ҳайратланмасангиз! Шоирликни – мафтунлик, дейдилар.

Биз бир-биримизни шундай тушунардик, биз руҳан яқин эдик. Руҳан яқинлик бўлмаган муҳаббат, оила, бу – омонат, хаёлидан кечди шоиранинг.

Бу сұхбатлар, хотиралар шуғасида күнгілім исійди.

Хәётни шундай устозлар хотираси, ўчмас ёди билан түлік, мұкаммал деб биламан.

ШЕРІЯТНИНГ ЮЛДУЗИ

1981 үйл. 28 июнь – 6 июль кунлари Москва шаҳрида Бутуниттифоқ Ёзувчиларининг VII анжумани бўлиб ўтди. Зулфияхоним тавсиялари билан бўлса керак, мен ҳам ушбу анжумандада қатнашдим. Зулфия опа қизлари – олимма Хулкар Олимжонова билан «Москва», мен эса «Россия» меҳмонхонасига жойлашдик. Устоз ҳар куни менга күнғироқ килар, ё тушлик, ё кечки тамадди учун таклиф этар, бир ўзингиз ресторанга киришингиз нокулай. Ҳеч тортинмай кела-веринг, бир маҳал суюқ овқат ичмасангиз бўлмайди, деб қатъий айтардилар. Мени хижолатга солиб, харажатини ҳам ўзлари ҳисобкитоб қиласардилар. Марказий Адабиётчилар уйида Зулфиянинг шеърият ҳақидаги ёрқин маърузасини таникли шоирлар, адабиётшунослар ҳайрат ва шавқ билан тинглашарди. Москванинг исисиқ, дим ҳавосига қарамай, кўпчилик жой етмаганидан тик оёқда туриб тинглашарди. Маъруза адабий журналларда чоп этилди. Зулфияхоним қайси даврага кирса, номдор ёзувчилар бирпасда уни ўраб олишар, самимий сұхбат бошланиб кетарди.

Тушлик пайти барча ўзи күнган меҳмонхонага отланди.

Йўлга тушдик. Автобус бекатидамиз. Шаҳарнинг тунд, гунгурт ҳавоси. Ёз бўлишига қарамай, қуёш неча кунлаб кўринмайди. Бекатда машхур шоирлар гурунг қилишади. Ҳазил, лутф, қаҳқаҳа. Бирдан кўнғир булутлар орасидан офтоб чарақлаб чиқиб қолди.

Тўладан келган, паст бўйли грузин шоири хурсанд бўлиб, қуёшни кўрсатди.

– На небе – солнце, на земле – Зулфия светит.

Майин қаҳқаҳа, лутфдаги шодмонлик бекатни тутди. Зулфияхоним нимтабассум ила ёқимли жилмайиб, ташаккур айтди.

Мен ва Хулкар опа сўз санъаткорлари – Кайсин оға Кулиев, Муса Фали, Мустай Каримнинг бехад гўзал дўстона сұхбатидан ўзимизда йўқ шод эдик. Зулфияга ихлос, эҳтиром – ўзбек аёлига, меҳнаткаш халқимизга, ўзбек шеъриятига бўлган чексиз хурмат ифодаси эканидан баҳтиёр эдик...

ЧУНДАЙ КУН КЕЛДИ

ЧУНДАЙ КУН КЕЛДИ

ЧУНДАЙ КУН КЕЛДИ

Москва. Ёзувчилар анжумани сўнгиди Катта Кремль саройида зиёфат берилди. Улкан шоирлар, ёзувчилар, адабиёт мухиблари, анжуман меҳмонлари билан гавжум кошона. Барча дўст-ёрлар тўпига кўшилар, бир-бираига меҳр-ихлос изҳор қиласар, адабиёт шарафи, дўстлик шаънига самимий сўзлар айтишарди. Анжуманнинг барча иштирокчилари Зулфияхоним ўтрусига шошар, бир оғиз ширин сўз айтишга ошикар, ўз халки номидан ўзбекнинг Зулфиясига дилидагини баён қиласарди.

— Шарқнинг юлдузи шарафига — деб лутф қиласарди Қайсин оға.

Расул Ҳамзатов, Мустай Карим, Давид Куғултинов, Муса Фали, Римма Казакова, Оқжамол Омарова, Гулруҳсор, Евтушенко... барчаси Зулфия юлдуз буржи шуъласига интиларди. Хулкар опа ҳам, мен ҳам бу илтифотлардан яйраб, суюниб томоша қиласардик.

Бир пайт шоир Рамз Бобожон Зулфияхонимга дедилар:

— Зулфия опа! «Зулфия» деган журнал чикиши учун қадаҳ кўтарайлик.

Сезгир ва закий Зулфияхоним бир лаҳза хаёлга чўмди ва кулими-сираб жавоб қайтарди:

— Шундай бўлади! Фақат кўп йиллардан кейин...

Бу сўзлар заминида кўп маъно бор эди...

1999 йил 10 июнда Президент Ислом Каримов Фармони билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти бугун ёш истеъдодли қизларни ижодга, илҳомли меҳнатга, мушоирага чорламоқда. Бугунги кунга келиб 212 нафар ёркин истеъдодли, зукко, билимдон қизларимиз кўксига Зулфия сиймоси туширилган нишон балқиб турибди.

Истеъдодли қизларимиз «Зулфия» деган буюк номни, Қалб аталган меҳрни, вафо тимсолини, дўстлик кўйчиси рамзини, она Ватан эътирофини кўксига офтобдай такиб юргани Мустакилликнинг инжа мевасидир.

Ёш зулфиялар тимсолида азиз Зулфияхоним яна сафларга қайтди. У ўзбек қизлари учун меҳнат, муҳаббат, ижод, Ватанга эътиқод рамзи бўлиб қайта яшамоқда.

ОЛТМИШ ЙИЛЛИК ВУЛҚОН

Зулфия 1995 йилда «Хотирам синиклари» достонини ёзди. Асар адабий жамоатчилик орасида шов-шув бўлиб кетди. Бу достонда шоиранинг армонлари, акасининг умрига завол бўлган қатағон йиллари даҳшати, мушфиқ, мунис онаси Хадича аянинг дунёни ўртовчи изтироблари аланга олиб ётади.

Ака, жонум акам, жондошим акам,
Олтмиш йил изимга қайтиб йиглайн.
Бўғизимда тош бўлган йўқловларимни
«Оҳ»ларим эритар – айтиб йиглайн.
Онам қўлларида муштдай тугунчак,
Тоши шаҳарни кезар авахта излаб.
Авахта нечадир, зор она неча,
Нечалар яшарди замонни «сиз»лаб.

Бу фарёд, ўтли исён ора «Гуллаган ўрикдай ораста отин» Хадича аянинг Сўфи Оллоҳёр, девона Машраб баёзларидан ўқиган газаллари жилғалардай шилдираб оқади гўё...

– Менинг онам қаноти қайрилган қуши эди. Онамнинг қанчадан-қанча қўшиқ ва афсоналарни, достон ва эртакларни билшиига ақлимиз бовар қилмасди. Бу сеҳрли афсона ва достонлар бизга бениҳоя ҳузур багишлар, ўзига ром қилиб олар, ҳар сафар янги жислава касб этар эди. Ҳозиргидай замон ва шароитда яшаган онам ким бўларди – шоирами, олимами, билмадим. Лекин шунга аминманки, мўъжизалар яратишга қодир, жаҳонни кўзга кенг очувчи, инсонни гўзаллик сари етакловчи, сўзга шайдолик ҳиссини менинг қалбимда остона ҳатлаб кўчага чиқмаган оддий аёл – онам уйготган, – деб таърифлаганди Зулфия она Хадича аяни.

Бу достон Ҳурриятнинг пойқадамига битилган севинч шукронаси, 1937 йилги қатағон қурбони – қирчинидан қийилган акаси Нормат Исроиловга 60 йил орқага қайтиб ёзилган марсия қўшиғи. Исроил ота номидан қаттол замонга айбловномадир.

Хадича онанинг Аҳмаджон деган ўғли Москвада ўқиган, зиёли инсон эди. У шамоллаб қолиб, вафот этган. Педагогика институти талабаси Каримжон ўғли эса трамвайдага кетаётуб, дўстининг

бошидан учган дўпписини ушлаб олайин деб, фожиали ҳалок бўлган. Ўғиллари кущдай кирилган онанинг силла мадори қуриди. Ўғилларидан жудо бўлиш она кўксига доғ устига доғ солди, бу мусибатларни кўтаролмай онаизор 1938 йили оламдан ўтди.

Исмоил, Қодир деган ўғиллари эр етиб, оёққа турди, ўзидан кўпайди. Уларнинг фарзанд, невара, эваралари улкан чинор шажарасига айланди.

Ховлимиз зийнати жамабил, райҳондай
Отам таъбирича, эдим бойчечак...

— Мен ўзим тувилиб ўсган уйни эслайман, — ёзади Зулфия «Мен тонгни куйлайман» китобида (1950 йил). — Ёзда тупроққа, қунида лойга ботиб, кўчамизнинг тротуари бўлмагани учун, деворларни ушлаб уйимизга кирап эдим. Лекин ҳовлимизни боғ деб атар эдилар. Биз асли Тошкентнинг Дегрезлик маҳалласиданмиз. Бобомни Муслим дегрез деб атар эдилар. Даҳам (Исройл дегрез)... даҳам десам, қонимга ширин ва алами ҳаяжон юргурганини ҳамма вақт ҳис қиласман, даҳамнинг меҳнатли катта ҳаёти, тақдир унинг бошига соглан қатор уқубатларнинг алами менинг томирларимни қайтакайта кесиб ўтганини сезаман.

Зулфия опа айтишларича, янгаларига эш бўлиб, палак тикиб ўсганлар. Доно она ўз келинларини сийлар, кўркам, зебо бўлиб эшикдан кирган барваста ўғилларини кутиб олишини ўргатаркан. Боғ ҳовли гулзор. Ҳовли этагида бир лаби учган қозон тагида қишин-ёзин ўсма кўм-кўк гуркираб туаркан. Хадича ая беҳининг уруғини тўплаб, пиёлага озгина сув қуярканлар. Бехи елими билан келинларининг зулфини гажак қилиб котириб кўярканлар. Ёшларнинг ахиллигидан суюниб юрарканлар. Шундай орастга, файзли, хосиятли хонадонда ўсан Зулфиянинг яна бир баҳти – баҳшифеъл, мулоим, дарёдил Комила аяга келин бўлди, Ҳамид Олимжоннинг гавжум хонадони меҳрини қозонди...

Ёзувчи Сарвар Азимов, Ҳамид Олимжоннинг опаси Асолатхон, сингиллари таниқли хирург Роҳатой, муаллима Саҳобатой, тарихчи олима Мухаббатойлар Зулфияхонимни бағоят ҳурмат қиласар, туғишган опаларидай азиз билишарди... Зулфия опанинг қувончли кунларида, ҳижрон дамларида ҳамдам, ҳамдард, таянч бўлишган улар...

БАҲОР БИЛАН УЧРАШУВ

1995 ийл, апрель. Республика Хотин-қизлар қўмитаси Тошкент Давлат Аграр университетида «Зулфия издошлари» адабий анжумани доирасида шоиранинг ижодий кечасини ташкил қилди.

Дорилфунун дарвозасида меҳмонларни катта олим, ректор Эркин Шайхов кутиб олди.

— Зулфия опа, ҳозир мўъжиза рўй беради. Сизни 80 та баҳорингиз қаршилайди...

Дарҳақиқат, икки саф бўлиб тизилган атлас кўйлакли навниҳол талаба қизлар тирик камалакдай товланар, кўлларида бир донадан қизил чиннигул бор эди...

— Ассалом, мен биринчи баҳорингизман.

— Мен ўн саккизинчи баҳорингиз.

— Мен йигирма тўққизинчи.

Шоира шаҳдам келар, ҳар бир «баҳори»ни оғушилаб, пешонасидан ўпар, юзларида самимий викор, эрка табассум бор эди... Ногоҳ у бир лаҳза тўхтаб қолди... Йигирма тўққизида қор остида қолган баҳори, бир кечада оппоқ оқарган соchlари, тушимми-ўнгимми, деб жудолик ичра ёнгандари... Ҳамид Олимжон ёди.

Сени бирдан эсонсиз кўрдим,

Жоним чиқди менинг-да.

Пешвозида «баҳорлар» кўлида гул тутиб, шоирани кутарди. Ҳаёт ва муҳаббатнинг буюк қувончлари, ижоднинг завқли паҳзалари.

— Мен киркинчи баҳорингизман.

— Саксонинчи баҳорингизга хуш келибсиз...

Баҳор камалаклари оралаб шоира саҳнага кўтарилиди... Учрашув қарийб уч соат давом этди...

Филология фанлари доктори Умарали Норматов, олим Эркин Шайхов, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Гуломова, Олий Мажлис раиси ўринбосари Бўритош Шодиева ва камина ҳам сўзлади.

«Зулфия издошлари» кўрик-танлови голибларини ардоклаб, устоз уларга оқ йўл тиладилар. 15 дақиқа сўзлаб, бир жуфт шеър ўқидилар. Яйраб кетдилар:

— Юбилей ўтказиш ниятим йўқ эди. Бу файзли учрашувдан сўнг, қарасам, ижод байрами яхши экан. Одамга куч-кувват берар экан. Шундай садоқатли мухлислар билан дийдорлашув мен учун баҳт, катта байрам, — деди шоири.

Зулфия опа яхши сўздан, тилакдан, самимий икрордан, кутловлардан ёш боладай суюнардилар.

1995 йил, 30 май.

Президентимизнинг табрикномалари матбуотда чиккан куни табриклаб қўнгироқ қилдим.

Табрикномада шундай жумлалар бор эди:

«...Сиз Гулбаданбегим, Зебуннисо, Увайсий, Нодирабегим каби Шарқнинг буюк фозила аёллари бошлаган анъаналарни бойитиб, янги погонага кўтардингиз. Мехрибон ва талабчан устоз Зулфияхонимнинг маҳорат мактабидан кўплаб ёш истеъододлар баҳраманд бўлдилар.

Истиқлол руҳи сизни, ижодингизни янада яшартириб юборди. Мафтункор шеъриятингиз ёшлик нафаси билан қайта учқунланди.

Сизнинг, эл ардоғидаги етук ижодкор, моҳир таржимон, атоқли ношир-муҳаррир ва жамоат арбобининг таваллуд куни миллий байрам сифатида ниишонланиши мустақил давлатимиз ҳаётida катта воқеа. Бу қуттуз сана истиқлол замонида, ёргу кунларда ўтаётгани миллионлаб мухлисларингизнинг қувончига қувонч қўшиши жуда табиийdir.

Шундай эзгу лаҳзаларда сизни яна бир бор чин дилдан муборакбод этаман.

Улуг халқимизнинг севимли шоирасига, муҳаббат ва ҳаёт куйчи-сига мустақам соглиқ, ижод ва илҳом завқи доимо ёр бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти».

Ойдинжон, ўқидингизми? Бунча теран, ёрқин сўзлар! Бунча лутф! Бунча самимий... Қаранг-а, Зебуннисобегим, Нодирабегим анъаналарининг давомчиси, дебдилар... Бундай кутловга қандай

сўзлар топиб, жавоб ёзсан-а, – гўдакдай кувониб, шодлигини яши-ролмай ҳаяжонланарди устоз... – Шоир одам ҳам бундай залворли сўзларни топиб ёзолмайди...

...Муҳташам «Туркистон» саройи. Ўзбекистон раҳбари номидан кутловни ўкиб, Давлат маслаҳатчиси Хайрулла Жўраев топширикаркан, Зулфияхоним кутловномани уч бор пешонасига теккизиб, та-воф қилди...

Бу чинакам шарқона назокат, миннатдорчилик, шоҳона эҳти-ромга шоҳона эъзоз белгиси эди...

Олим Иброҳим Faфуров маъруза қилди. Халқ шоирлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов самимият тўла дил сўзларини айтишиди Мен ҳам сўзлаб, «Саодат» журнали ҳамда Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси номидан табриклидам:

– Шогирдларингизни санаб саноғига етиб бўлмайди. Улар юл-дузлардан ҳам кўпроқ. Аслида биздай шогирдларингизга фарзанд-ларингиздан кўпроқ меҳнатингиз сингиган, меҳр кўрсатгансиз. Бизнинг барчамизнинг зуваламизга Сизнинг қалбингиздан нур кўшилган, фазилатларингиз зарра-зарра бўлиб ҳар биримизнинг умримизни зийнатлаган. Бутун меҳру муҳаббатингиз, навқирон ва мафтункор ёшлигингиз «Саодат»нинг саҳифаларига кўрк бўлиб со-чилиб ётибди. Дијбар овозингиз унинг ҳар бир сатрида садо беради. Халкингизга иззату икром, одобу андишангиз, вафо садокатингиз рамзи бўлиб қолган «Саодат». Асрлар ўтади, замонлар эврилади, ўшандা ҳам ўқтам, мағрур ва қатъиятли овоз билан жаҳон шоирла-рини мушоирага чорлайверасиз. Тинчлик, биродарлик, баҳту саодат ва муҳаббат, ҳаёт бонгидай Инсониятни огоҳликка чорлайверади муnis овозингиз...

Сахнага Гулчехра Жўраева, Насиба Усмонова, Кутлибека, Ди-бар, Гулжаҳонлар гулдаста кўтариб чиқишаётганида, гўзаллар гулдастаси, дейишди ҳайратланиб залдагилар. Устоз барчамизни бағрига босиб оналик меҳри билан пешонамиздан ўпаркан, сарой тоқиларигача гулдураб қарсак бўлиб кетди.

Тожик шоираси Озод Аминзода, қирғиз шоираси Хонбиби Эсен-кораевалар шеър ўқидилар.

Зулфияхоним қаср деворларини гумбурлатиб, юракларни титра-тиб, «Бу оқшом» шеърини ўқиди.

— ашк нутгид
— маддият таърихи
— тарзлар тарзлар
— таъсирлар таъсирлар
— таъсирлар таъсирлар

— ахме зинхони

— маддият таърихи
— тарзлар тарзлар
— таъсирлар таъсирлар

Ҳикматлар баҳрида дур, марваридим 2. Ҳамон ташаккур Аждодларим менга ифтихор, гурур. Можжаси Ҳамид Шу мавжилардан томган нуқра умидим. Шоира қизларим баҳси этган сурур... ишчизету фан...

Ҳамон эътиқодим – ҳақиқат, ҳақдир,
Сўзлайман юзимни тутиб Каъбага.
Емира олмайди ўткинчи тақдир,
Осуда ўтади руҳим абадга.

Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур,
Асли Сиз афторим, мен зиёсиман.
Тонгларингиз кулсин дориломон, хур,
Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман.

Л. Синай ташаккур
Можжаси Ҳамид
Шоира қизларим баҳси
Ишчизету фан...

Л. Синай ташаккур
Можжаси Ҳамид

Марснинг ҳе
С баломиз ямоқ

Хизоди Ҳамид

Доди Тажорбий

Чўёз мажизи Узбек

Ак интифодчига

Л. Синай

Сахна гулларга тўлиб кетди...

Концертни шоира томошабинлар қаторида ўтириб томоша қилди. Хонандалар сахнадан тушиб, кучоқ-кучоқ гулларни шоирага тухфа этишар, ардоқли шоира эса гулларни бир-бир томошабин – муҳлисларга улашарди. Сарой гулхонага, шеъриятнинг мўъжиза гулшанига айланди. Кечанинг поёнида томоша залидан чиқкан ҳар бир аёл-қиз қўлида биттадан гулдаста – Зулфия деган ноёб баҳор чаманидан тухфа билан уйига қайтди.

Зулфияхоним гулни, баҳорни жуда севарди. Гул совға қилсангиз, Сиздан миннатдор бўларди. Ўзи хам гул ҳадя қилишни ёқтиарди. У чинакам баҳор ошуфтаси эди. Баҳор қаримаганидек, Зулфиянинг қалби, туйғулари, бегубор, мусаффо илҳоми навқиронлигича биз шогирдларини мафтун этарди.

Учрашувлар, байрамлар, мушоиралардан кучоги гулларга тўлиб, тўғри Ҳамид Олимжон бошига борар, гулларни унинг хобгохига сочар, ғойибона дийдордан таскин топиб қайтарди...

1995 йил, ноябрь. «Саодат» журналининг 70 йиллик байрами муносабати билан вилоятларда, Тошкент шаҳрида учрашувлар, адабий кечалар бўлиб ўтди. Шундай тадбирлардан бири Маннон Үйғур номидаги театр ва рассомлик санъати институтида бўлиб ўтди (хозирги Санъат ва маданият институти). Тошкент шаҳар Миробод тумани хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўtkазилган тадбир жуда файзли, хаяжонли бўлган. Азиз устозимиз Зулфияхоним

иштирок этиб сўзладилар. Шунда ёши улуғроқ бир муаллима аёл шоира ўтирган даврага келиб, опанинг елкаларига қўлини қўйиб, Ҳамид Олимжон ҳакида сўйлади ва «Куйгай» ашуласини айта бошлиди. Зулфия опа охиста ўрниларидан туриб, ҳалиги аёлга жўр бўлиб, куйладилар. Ҳамид Олимжон сиймоси тирилиб, даврага киргандай, йиғилганлар ашулани сел бўлиб тинглашиди. Шу ғазал яна уни ёшлигига, муҳаббатдан баҳтиёр кунларига олиб кетгандай, у бу дунёни унутиб, ғойибона дийдорга етгандай эди, хаёллар гирдобига ғарқ эди. Унинг шу маҳзун, майсум қиёфаси ҳеч хотирамдан ўчмайди...

СУРАТГА ШАРХ

1996 йил, 1 март. Тонгда бошланган иссиқ қор борлиқни оқ чодрасига ўраган, оппоқ қор салтанатида шаҳар ғаройиб эртаклар қасрига ўхшаб кўринарди. Баҳмал кирларидан Тошкентга – Зулфияхоним хонадонига бойчечаклар келиб улгурганди. Бойчечакнинг нозик гуляпроқлари шамнинг ёниқ илдизларидаи нур сочарди. Кафтдайгина гулдонда баҳорнинг арзанда қизи – бойчечак шоира га севинч баҳш этарди. Тинимсиз қўнғироқлар. Кетма-кет келаётган меҳмонларни шоира меҳрибонлик ва илтифот ила кутиб олар, шогирдларини бағрига маҳкам босиб, пешоналаридан ўпар ва юзларини охиста силаб, тўрга таклиф этарди.

Шеър ва сўз.

Сўз ва шеър.

Бу давранинг шукухи, файзи, мазмуни шунчалар гўзал ва оромбаҳш эди. Ўзи учирма қилган қалдирғочларини қанотига олиб, лутфу назокат ила ардоклаб, уларнинг камолидан яйраб тўрда ўлтирадилар Зулфияхоним.

Ўша сухбатлар, ўша дийдорлашув дилдаги армонларга айланиб колганига анча бўлди. Ушбу суратда муҳрланган устознинг мунис чехраларидаги майнинлик ва мукаррамлик ёзилмаган шеърларнинг сирли сатрларидир. Бойчечаклар Зулфияхоним нафаси кезиб юрган хонага ҳар йил 1 март куни эшик қоқиб келаверади. Гуллар, лолалар йўқлаб боради уни.

Сизни сўроқлаб баҳор келди. Зулфияхоним, тинглаяпсизми?



Суврат 1996 йилнинг 1 март куни Зулфия хонадонида олинган.

Биринчи катор, ўнгдан: Сайёра Раҳматхўжаева, Гулчехра Жўраева, Зулфияхоним, Ойдин Ҳожиева, Дилбар Саидова, иккинчи катор, ўнгдан: Риояхоним Олимжонова, Хосият Ёкубжонова, Кутлибека Раҳимбоева, Санъат Маҳмудова, рассом Лайло Салимжонова, олдинда ўтирган Хулкар Олимжонова.

(Машраб Нуринбоев фотоси).

СҮНГГИ ДИЙДОР

1996 йил. Баҳорда Зулфияхоним бетобланиб, стационарга ётдилар. Ўзим билан овора бўлиб бора олмадим. Ёз ойлари эса боришимга Хулкар опа рухсат бермадилар. Тинимсиз туш кўраман: «Композиторлар» кўчасининг икки тарафида оппоқ столлар, стуллар терилган, оппоқ дастурхонлар ёзилган... Яна кўнғироқ қилдим. Бу гал Омон ака (ўғиллари) ижозат бермадилар. Зулфия опа бемор ҳолатда шогирдларига, муҳлисларига кўринишни истамасдилар.

Августнинг биринчи куни. Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаоллари, таниқли олималар, шоиралар «Темурий маликалар» илмий анжуманинга йигилишган. Шу тадбирга бориш учун шайланиб турсам, ховлимизга ишхонадан кўнғироқ бўлди:

– Зулфия опа ўтибдилар...

Дарҳол Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним яшаган ҳовлига жўнадим. «Композиторлар» кўчасига кайрилишимиз билан, кўчанинг

икки четида қатор терилган оппоқ елим курсилар кўзга ташланди. Кўча бошида машинадан тушиб, файзли йўлакдан юриб, табар-рук хонадонга кириб бордим. Кузнинг сарин ҳавоси эсар, ораста, гулбоғчали ҳовлида аллақачон одамлар йифила бошлаган эди. Пешайвонга чиқадиган зинадан Омон ака кўз ёшларини артганча тушиб келарди. У кишининг нигоҳидан «кириш мумкин эмас» маъносини уқдим.

— Иссик дийдорларини кўролмадим, лоақал бир нафас кўриб, видолашай, — дедим-да, жавобни ҳам кутмай зинадан кўтарилдим.

Мехмонхонада турган кўркам аёл ҳайратланиб қолди, ғассол бўлса керак. Мени таниди шекилли, йўлимни тўсмади.

Қадрдон устозим иш кабинетларидаги кўйилган каравотда укпардай бўлиб ётар, юзлари кичрайиб, ранглари сариқ пилладай бўлиб қолган эди... Беш дақиқагина ғанимат меҳмоним олдида бўлиб, рози-ризолик сўрадим, кўз ёшларим юзларимни ювиб тушар, худди устоз ҳозир кўзларини очиб, Ойдинжон, келдингизми, дейдигандай...

Ҳалиги фариштали аёл эшикка суянганча мени кузатар, чиқиб туринг, дейишга ботинмасди... Секин ўрнимдан туриб, меҳмонхонага ўтдим. Бир оздан сўнг Раъно Раҳмон, Кутлибека, Дилбар Саидова, Шарифа, Дилбар Маҳмудовалар келишди. Бирпаста оппоқ либосли бир неча отинойилар кириб келишди. Тўпланганлар таҳлил, тақбир, тасбих айтишар, хонада жаннат нафаси кезарди. Меҳмонхонага одам тўлиб кетди. Курсиларни чиқариб ташлашди. Хона ўртасида стол устига тобутни кўйишди. Ҳулкар опа Зулфияхонимнинг бошларини икки кафтига олиб турар, гўё совиб бораётган вужудга фарзандлик меҳридан ҳарорат бермоқчи бўларди. Соат 12 га яқин Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Гуломова, Олий Мажлис раиси ўринбосари Бўритош Шодиева, шоира Гулистон Матёқубова, олималар, адibalар кириб келишди.

Кимдир йиғлай бошлаганди, Ҳулкар опа, аям йиғлашни ёмон кўрардилар, деб тўхтатди. Ўшанда муборак жума куни эди.

Дилбар Гуломова Зулфияхоним ҳакида сўзладилар. Мен гапирдим, шеърларидан ўқидим, Гулчехра опа, Шоҳида Шоҳимардонова, Гулистон Матёқубова ёниб, ўртаниб сўзладилар. Ҳовли, зиналар, кўча одамларга тўлиб кетди, узок-яқиндан шоиранинг дўслари,

мухлислари, шогирдлари уни сўнгги йўлга кузатиш учун оқиб келарди. Гуллар, гулчамбарлар еру кўкка сифмас, бу кўчага баҳор ташриф буюргандай кўзлар камашарди. Соат 12 дан чорак ўтиб, халқ ўз севимли шоирасини елкасида кўтариб, одамлар дарёси (айтишларича, олдин Ҳастимом масжидида жаноза ўқилган) Чигатой қабристонига қараб шошарди. Тобут устига баҳордай рангин сўзана ва бухороча зардўзи камзул ёпилган, худди бир қучоқ лолазор ловуллаб кузнинг боғларидан ўтаётгандай эди...

Баҳорнинг биринчи куни дунёга келиб, августнинг биринчи кунида ардоқли шоира Зулфия Истроилова халқига хайр-хўш килиб бу фоний дунёдан ўтди...

АЛВИДО

Зулфия...

Пешоналари кенг, маликалардай хусну малоҳатли, йиллар оша дўсту шогирдларини ардоқлаб, жондай яқин бўла борган мўътабар устоз...

Бунчалар сукут сақламоққа, сўзсиз сўзлашмоққа қачон ўргатди тангрим Сизни?

Илк бор саломлар жавобсиз қолди. Илк бор лутфу назокат тўла меҳр аралаш пешвоз чикмадингиз Сизни йўқлаб келган шогирдларингизга...

Она Ўзбекистон лолу ҳайрон, бир оғиз сўзингизга мустару мунтазир турибди...

Эҳ-хе, қадрлигим, ўзбекнинг шаъни-шукухини Сизчалик жарангдор овозда куйлаганлар кўп эмас аслида.

Ҳамид Олимжон номи ва ёди билан музайян бу ҳовлида дўстлик йўллари туташган, диллар, эллар бир-бирига пайванд бўлган.

Мушоиралар, дўстлар гурунги, шогирдлар қувончи билан файзиёб бўлган бу даргоҳ барчамизни оханрабодай чорлаб турарди. Бошимизга иш тушганда югурдик Зулфия опа, қайдасиз, деб. Битмаган мушкулимизга Сиз балогардон бўлардингиз. Янги достон битсак – имтиҳонга шошгандек ҳаяжон билан келардик Сизга. Сиз чинакам дарё эдингиз. Ундан барчамиз баҳра олардик, Сиз заррача миннат қиласдингиз.

Буюк Жавоҳарлаъл Неру, Индира Ганди, Пабло Неруда, Амрита Притам,Faфур Ғулом, Мирзо Турсунзода, Қайсин Кулиев, Николай Тихонов, Эди Оғнечвётлар сұхбатида қанчалар самимий ва дилбар эсангиз, биздек сингилларингизни ҳам шунчалар иссиқ меҳр ва илтифот билан сийлаб, күнглиминизни олардингиз. Шунда буюклиқдаги соддалиқ, соддаликдаги улуғворликни қўриб ҳайратга тушардим. Одатда бошига оғир мусибат тушган одамлар күнгли қаттиқроқ бўладилар. Лекин Сизда халқнинг аслзодалиги, олийхўмматлиги, оналарнинг беназир меҳру муруввати жамланган эди. Сиз шеърларингизга жуда-жуда ўхшардингиз, Зулфиябегим!

Мен бир жонман	шоғим Адабиёт давлатом
борлигим туйгу	этидувланисиёнотини ўзига
Ҳамма билан бор ишим...	шонада йиғини ўзига
Мени шодлик, баҳт бойлаб юрар	нефзиши ўзига
Мен қалб аталган дардни...	з нахентини ўзига

Шеърларингизда сизиб, унинг тоза илдизларида оқиб юргувчи дард юракларга малҳам бўлгувчи, кўнгилларнинг тафтини олгувчи дард эди. Хосиятли, шифобахш туйғу эди улар. Этагингизга бош уриб йиғлаган биз ғўр шогирдларингизни, қанчалаб аёлларни овутиб, қаддини кўтариб, тўғри йўлга солгансиз. Ирода ва бардоши, ҳаётнинг талотўпларида гарқ бўлмай, турмуш гирдобидан омон чикишни ўргатгансиз.

Сизнинг тегрангизда гул атрофида айланган боларилардай ғувилларди шоирлару шоирлар. Байрамларда, улуғ кунларда Сизни тавооф қилиб, қўлингизни олиб кетиш ўзи муҳибу муҳлисларингиз учун бир саодат эди. Сиз бутун ёшлигингиз, гўзал илҳом тўла умр фаслингизни бағишилган «Саодат» журнали Ўзбекистон хотин-қизлари харакатининг байроқдори бўлди. Журнал сахифасида ёритилаётган ҳар бир қаҳрамон, у ишчими, дехқонми, ижодкорми, масъуль вазифадами – минг бир ўйлаб, сўнгтина у ҳақда сўз айтишга ўргатардингиз бизни. Либосидан тортиб бармоғидаги узукларигача зийрак нигоҳингиздан ўтказардингиз, эл назарига одоб ва камтарлик билан тавсия этайлик уларни, дердингиз. Элу юрт андишаси кучли эди Сизда. Сиз халқни беҳад севардингиз. Ҳар бир юракда бир шоир яшайди, хом-хатала сатрларни щеър деб эълон қиласвериши

халққа ҳурматсизлик бўлади, деб уқтиардингиз. Ох, шону шухрат аршида порлаб, зару зевар ичидан яшаб – ўзини унумтаган асилим, покдомон мунисим, ўз эътиқодидан заррача чекинмаган саботда мардона устозим!

Сизнинг кулоқларингиз сирға учун яралмаганидики, дуру гавҳар такиб юрганингизни эл кўрмади. Қалам учун яратилган бармокларингизга танҳо феруза кўзли узуккина сирдош эди. Сиз баркамол оддийлигингиз билан бизни мафтун этардингиз. Сиз янги шеър ёзган кунингиз «Саодат»да байрам бўларди. Тонг сахарлаб шахдам қадамлар билан ишхонага қандай кириб келганингизни сезмай қолардик. Марварид Дилбозий, Товшан Эсенова, Оқжамол Омарова, Озод Аминзода, Фариза, Турсунхоним, Римма Казаковалар йўли Тошкентга тушса, албатта, Сизга, сўнг «Саодат»га меҳмон бўлишарди. Даврага шеър киради. Аввал Ҳамид Олимжондан, сўнг ўзингиздан ёд ўқирдингиз...

Сиз минбарга чиқсангиз, салобат чўкарди муҳташам саройларга. Тиник ва қатъий, айни пайтда латиф овозингиз сеҳргар эди, шоирам! Катта анжуманларда яхши шеър ўқиган ёш шоирга лутф билан гулдаста тутардингиз, ўзингизга ярашарди бу лутф! Олис юртлардан келган шоиралар ҳам пойингизга таъзим этиб, Сизни идеалим, деб ҳурмат бажо этардилар. Элга муносиб бўлиш бахтини, Сўзни мукаддас билиш туйгусини дилимизга соглан муаллима бўлдингиз бизлар учун! Йигирма йил аввал бизларни «беш гўзал достоним» деб алқагандингиз. Бугун достонларингиз ўнлаб, юзлаб топилади бу шеърмакон Ватанда...

Табрик хатларига, оддий мактубларга ҳам ўз кўлингиз билан икки оғиз ширин сўз битиб қўйишни яхши кўрардингиз.

Бир суратингизга шундай сўзлар битиб бергандингиз:

« ... Ойдинжон! Менинг Ойдиним! Шеър тинглаган масъуд онлардан хотира...»

Хотира... Бунча аччиқ бу сўз... Юрагимнинг бир тори узилиб айтаётирман бу сўзни. Ёрқин хотиралар ҳам бир давлат экан. Сизнинг виқорли тоғдай бўлиб юрганингиз, гоҳ-гоҳ дийдорлашув, қўнғироқ орқали сўзлашувлар ғанимат экан, билсам.

Сиз унтилмас устозлар: Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Миртемир каби ўзбек адабиётининг олтин

буржидаги ёрқин юлдуз эдингиз. Энди бу юлдуз хотира бўлиб қалбимизга, имонимизга кўчди. Начора, ўлим ҳак. Видо демокдан ўзга қурбимиз йўқ.

Кўзда ёш, дилда ёндиргувчи, ўртовчи изтироб билан Сизни кузатарканмиз... Фарёд отилади юрак тубидан:

— Шунчалар нурли пешона, маликалардай сохибжамол Зулфия-хонимни қандай қилиб топширдик-а?..

Тупроққа топшириш мүмкінми ўзбекнинг бегойимини?! Фақат бир таскин бу хижронзада юракларга мадад беради:

Умид ва ишонч билан яшаётган, шоираси севиб куйлаган бу меҳнаткаш халқнинг қалбига, ўйларига Зулфияхонимнинг азиз номи тонг нурларидаи сингади. Янги насллар жамолида покиза орзудай, осуда кунлар нашидасидай, муҳаббатнинг навқирон ўланларидаи яшайверади.

... Мен шоур сүзидай интиқ ўқийман.

Баҳорнинг бинафша мактубларини.

Гүзәл хотиралар – мүқаддас Ватан

Пок тутар Дунёнинг қутбларини.

«Миллий Тикланиш» газетасы.

6 август 1996.

ЗИЁРАТ

1997 йил, 1 март. Эрталаб Кутлибека билан Олой бозоридан бир кучоқ оқ чиннигуллар олиб, Чигатой хобгохига бордик. Ҳавода майда булдуруқ ёғиб турарди. Зулфия опанинг қабрларига фарзандлари гул қўйиб кетишган экан. Тиловат қилдик. Икки қатор қилиб териб қўйилган кизил чиннигуллар орасига биттадан оқ чиннигул қўйдик. Оқ гул, кизил гул ялтираб турарди. Устоз F. Фулом, А. Қаҳхор, Ойбек, Шайхзода, Уйғун, Ботир Зокиров, Саидахонимларнинг бошларига ҳам ўтдик. Ёшгина аёл қабрлар бошини тозалаб юрган экан, ёнимизга келди, куръон тиловат қилди...

Кўнглимиз бўшаб, фаромуш бўлиб, бу ердан чиқарканмиз, қор тезлашди, бўралаб ёға бошлади. Ўтган йили шу куни устознинг иссиқ бағирларида яйраган гуллар, мана энди қор оғушида жунжикиб, порлаб ётарди. Ўша куни соғинч билан шеър битдим.

Оштада шоира қызлар...
Сүлфия

Сизни согинарман байрамларда,
Ёмғир шивалаган күкламларда,
Давраларда, лутфу карамларда
Иссиқ юзингизни күргим келадир.

Аллоҳдан ганимат инъом тонгларда,
Намозшом гүлдай сирли шомларда,
Илҳом шалолали хур пайғомларда
Иссиқ юзингизни күргим келадир.

Янги шеър ўқишиб қўнгироқларда,
Ўгитингиз тинглаб ясон қулоқларда,
Шифо симиргандай соғ булоқлардан,
Фойиона суҳбат қургим келадир.

Кўкси, кўнгли тўла эзгулик, зиё,
Қайда гуллар энди ул меҳригиё?
Дунёга бир келди-кетди Зулфия,
Баҳордай қайтмайди, дегим келади...

Ўша тонг сехрли тушдан уйғониб кетдим. Зулфия опанинг хобгоҳларидан қабутаргами, инсон қиёфасигами ўхшаган оппоқ бир шуъла пориллаб чиқиб, муаллақ турди-да, бўшлиққа сингиб кетди. Икки-уч марта бу туш такрорланди.

2001 йил, 1 март. Эрталаб ишга боришдан олдин Қутлибека билан Чигатой қабристонига бордик. Ҳар гал Зулфияхоним хобгоҳини зиёрат қилганимизда оқ ва қизил чиннигуллар олиб бораидик. Бу моҳи Рамазонда, во ажаб, Зулфияхоним ва Ҳамид Олимжон абадий висолга етгандай, оқ ва қизил чиннигуллар гулзорида соғинчли бир туйғу ором топгандай кўринди.

Бир шам атрофида халқ учун ижод қилган икки сўзон юрак битта шамга айланиди. Гулларнинг нафис гулбаргларида хаёл, соғинч, муҳаббат, вафо, икки вужудни бир-биридан айиролмаган ҳижрон шуълалари алангаланади.

Гул қўяман. Гулга жон инади. Охиста тиловат мавжида гуллар шивирлади: Муҳаббат – мангур. Севги – абадий. Вафо, Садоқатга

ўлим йўқ. Афсона сўйлаган гулларга кўз ёшларим жаранглаб сочилади. Оддийгина мармартош қўйилган хилхонадан гул узилмайди.

Энди икки қабр тепасида тушимда чараклаб икки юлдуз кўринар, тонг сахарда шуълалари бирлашиб самога сингиб кетарди.

* * *

Қора мармартош. Унда икки нурли чехра балкиб туради. Зулфия шеър ўқияпти, Ҳамид Олимжон эса уни тингляяпти. Зулфиянинг энг баҳтиёр кунларида олингандар сурат. Дунё шеър завкига фарқ. Уларни абадият сукунатида ой, юлдузлар, кундузи куёш тинглайди. Мармар тошда икки шоирнинг сатрлари битилган:

Ўлгач, ёнгинангда қолсам бир умр:
Ўттиз ёш, соч ёйик, кўзларим гирён...
Жуфт кўрса зурриёт, булут, шеърхон, нур,
Қадам етганича кетсанк икковлон...

ЗУЛФИЯ.

* * *

Ўхшалий йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон,
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур.

ҲАМИД ОЛИМЖОН.

Уларнинг пойига қўйилган гуллар баҳор ва ҳаёт рамзи бўлиб, авлодларга маҳзун ва гўзал афсоналар шивирлаб ётади.



2008 йил 1 март. Намхуш сахар. Кеча ёғиб ўтган ёмғирнинг заҳри билиниб турибди. Бугун шоира Зулфиянинг ҳайкали очилади. Соат 8 га етиб бордим. Тумонат одам. Ўзбекистон Давлат Санъат музеийига туташ хиёбон таъмирланиб, ораста қилинган, чор атрофда капалакгуллар мўлтираб турибди. Ҳамид Олимжоннинг «Ўрик гуллаганда» кўшиғи янграйди. Орада Зулфияхоним ўзи ўқиган шеърлар юракларга ҳаяжон солади, шоиранинг фарзандлари, набиралари, шогирдлари, Зулфия мукофоти совриндорлари, шахар жамоатчилиги ҳаяжонда.

Соат 11 да ҳайкал юзидан оқ парда туширилди. Салобат тўкиб, илҳом оғушида хаёлга чўмган Зулфияхонимнинг сиймоси офтобдай чараклаб кетди...

Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайдиддин Султонов, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Тошкент шахар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, олима Ҳулкар Олимжонова, Зулфия мукофоти совриндори шоира Дилафрўз Усмонова сўзладилар.

Ўша куни ҳаяжон ичра айтганларим ҳали эсимда:

— *Баҳор элимизга Зулфиянинг тугилган куни билан кириб келади. Зулфияни кўрганлар ҳам, кўрмаганлар ҳам бу сўлим гўшага шоирани зиёрат қилишига талтинадилар. Зулфияхоним диллардан дилларга шеърдан кўприклар ташлаган, эллардан элларга дўстликдан меҳр кўргонларини тиклаган, сұлҳарвар, эркпарвар шоира. Шеърияти билан, шахсияти билан Шарқ аёли тимсолига айланган. Бу ерга ёшларимиз Садоқат, Вафо, Эътиқод, Нафосат дарсини олгани келадилар. Шоира ҳамон ҳалқига Она бўлиб, мураббия бўлиб хизмат қилмоқда. Қани эди бу нурли, мукаррам сиймо яна сафимизга қайтсаю, бугунги меҳмонларини бағрига босиб, ҳар бирларини уй тўрига чорласа... Бугун қирларнинг лолалари келди Зулфияхоним пойига бош уриш учун, Бахмалнинг бойчечаклари келди уни согиниб... Биз жсаннатмакон устозимизни согинган эдик, мана, озгина бўлса-да таскин топдик. Зулфияхоним билан бу дийдор учун ташаккур. Адабиётга, ўзбек Оналарига бўлган меҳру ихлос учун ташаккур Юртбошимизга...*

Радио, телевидение, мухбирлар, мухлислар билан гавжум хиёбон аста-аста бўшаб боради. Гуллар чаманзорида Зулфия қайта туғилгандай шеър ўқиб туради:

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Хеч кимда кўрмайин умримга ўҳшиаш,
Сўйдим,
эркаландим,
айрилдим,
кўйдим,
Иzzat nima – билдим, шу-да бир яшаш!

Ушандан бери Зулфияхоним ҳайкали пойидан қадам узилмайди. Ҳамиша гуллар яшнаб туради. 1 март – унинг туғилган куни шеърият байрамига айланади, шогирдлар, мухлислар, ёру биродарлар бу мунаввар масканга жамланадилар, уни гулларга буркайдилар, шеърлар янграйди, хотиралар қайта-қайта жонланади.

ЗУЛФИЯ ҲАЙКАЛИ ПОЙИДА

Бунда келди Сизни бир бор кўрганлар,
Назм боғингиздан гуллар терганлар.
Мехробга киргандай сир босиб келар
Бир бора кўрай деб интиқ юрганлар.

Чучмомалар келар Бахмал ёқлардан
Ҳамид Олимжоннинг нафасин олиб.
Лолалар тушади Чотқол тоғлардан
Баҳор сочқиларин қўйнига солиб.

Аста тушиб мармар кошонангиздан
Маликадай викор, салобат тўкиб,
Мехр билан ўпиди пешонамиздан,
Даврага кирасиз ёниб шеър ўқиб.

Тегрангиз ўрайди бийрон, хур қизлар
Гўзал ёшлигингиз тимсоли, асли.
Кўзларида чақнаб баҳтдан юлдузлар,
Тилга кирап буюк мұхаббат фасли.

САХ МУЖАББАТ
ЭТИРИМ КИРГИЗСТАН

Сандондан сачраган чўғдай ловуллаб,
Юракларга кўчар севги, ҳаёт, шавқ.
Бахор шалоласи тушар шовуллаб,
Шеър сехрига тўлар шоир Шарқ.

Шон-шуҳрат аршида порлаган умр
Хикмат китобидай варакланар шод.
Хоргин чеҳрангиздан тарадди нур:
«Мен сени куйлайман эй, она ҳаёт».

Бир лаҳза мангулик. Бир лаҳза дийдор.
Илоҳий дамларда илҳом ва суур.
Зулфия пойидан бошланган баҳор,
Дилларга ташрифинг учун ташаккур!

1 марта 2012.

ЭҲТИРОМ ВА МУҲАББАТ

Муҳтарам Президентимизнинг 2014 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарорини ўқиб, қалбим фарх ва ғууррга тўлди. Қарорда белгиланган тадбирлар, шоира сайланма асарларининг нашр этилиши, мушиорлар, илмий, адабий анжуманлар ўtkазилиши, замондошлари хотираларининг китоб ҳолида чоп этилиши замирида буюк муҳаббат ва эҳтиром нишонасини кўрдим. Ғуурдан бошим осмонга етди. Биз учун гўзал байрам, яна бир имтиҳон, яна бир карра устознинг барҳаёт руҳидан куч-кувват, илҳом олиш имкони туғилди.

Устозимнинг бутун ҳаёти, залворли ижоди, шогирдларига меҳру муҳаббати, тонг нуридай мусаффо вафоси, садоқати кўз ўнгимда қайтадан жонланди. Ҳаётнинг тўфонли, бўронли йилларидан, оловли гирдобраридан, ҳижрон алангаларидан матонат билан ўтган Зулфиянинг жасоратга тўла умр йўллари яна бир карра кино тасмасидай ўта бошлади.

Кўкси тўла орденлару нишонлар, жаҳоний мукофотлар соҳибаси бўлган шоира Истиқлолнинг дастлабки йилларида – 1994 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирланганида, жуда суюнган эди.

— Қанчадан-қанча мукофотлар, сийловларни кўрдим, лекин ҳеч бириси мустақил Ватанимнинг биринчи орденидай шодлантирган, — дегандилар устоз.

1995 йилнинг май ойида Зулфиянинг 80 йиллик юбилейи миллий байрамга айланиб кетган эди. Адабиёт муҳлисларига, ҳалқимизга беҳад гўзал шодлик ва ифтихор туйғуларини бағишилаган, элимизниң қадру қийматини баланд кўтарган файзиёб кунлар эди у дамлар. Шоира «Хотирам синиклари» достонини эълон қилганида адабий жамоатчилик, номдор олимлар, саксон ёшда ҳам шунчалар ўтли, алангали достон битиш мумкинми, деб ҳайратга тушгандилар. Зулфия пинҳона йўлларига кўз тутган Озодлик, Эркинлик, чинакам Хуррият келганидан ва уни кўришга, кутлашга мусассар бўлганидан баҳтиёр эди.

вя иштаги
чес, курса
сиз суперзв
шар ҳараки
тим да ҳам
бади ҳам да
таджиклар
ламибудан

Хуррият, келдинг-эй, наҳотки келдинг,
Келар йўлларингда пинҳона толдим.
Менинг ота-онам, жон Ватанимда,
Элим тақдиррида абадий қолдинг!

Келдинг-эй, Истиқлол, истиқбол бўлиб,
Қалбимга насиминг билан йўл солдинг.
Сен шу ҳур назмга ихтиёр бериб
Мен оғир булутдек бир ёғиб олдим...

Шундай комил ишонч ва ифтихор билан ёзган эди ҳалқимизнинг ёруғ кунларидан шод бўлиб шоира.

Истиқлол оналари – гуриллаб ижтимоий фаолият майдонига чиқаётган ўзбек хотин-қизларининг овозини у ёлқинли шеъриятига омухта қилди. Унинг зуваласидаги ҳаётпарварлик, меҳрмуҳаббат, Шарқ аёлларига хос одобу назокат, вафодорлик, она Тўмариснинг жасорати шоира ижодини тириклик нурларига чулғаб ётарди. Нур, қуёш, тонг, қўшиқдан қорилганди шеърларининг зуваласи. Шеърий иморати деразалари, дарвозаларидан ҳаёт шуъласи тараларди. Қадимдан ўзбек хонадонлари иморатларини кунга қаратиб, кунгай қуришни яхши кўрадилар. Тонгнинг илк нурлари, қуёш ҳарорати бундай уйларнинг пештоқидан ўпади, ёруғликка чулғайди. Ҳаётнинг руҳафзо нафасларидан нурафшон

қилади. Қүёшга очилган деразалардан қалбларга, уйларга умид ва қувонч ёғдулари тотли сингади. Сахарда офтоб олтин буғдой каби ниш ураётган кезда боғлар қушларнинг сайроғидан уйғониб кетади. Ипак шабадаларнинг қанотидан ҳаётнинг гул исли нафаси, дарёларнинг яшил зарраси тўкилади. Ҳаётнинг, умрнинг, қуёшнинг – тирик мавжудотнинг шоду хуррамлик тўла янги ёруғ куни бошланади. Гўзал қалбли устозим Зулфия шеърларида мен ана шундай ҳаётбахш шабадаларни, нашидани, туйғуларнинг озода, меҳр-муҳаббатли алансини кўраман, тирикликка олқиш ва ихлос уқаман. Қуёш, энг аввало, тоғлар чўққисини нафаси билан иситганидай Зулфияхоним шеърияти қасрини ўз баҳорий нафасидан нурафшон айлаган. Балки шу боисдир унинг сатрларида дард ёркин, эктирослар пўртанали, муҳаббат оташи жонни жизғанак қилади. Ҳижрони йиглатади, умидлари овутади, бардошингизни қайроқдай қайрайди, маҳзун ҳаёллар аро келажакнинг қувонч ва кудрати балқиб туради.

Элим, қуёш йўлин йўл деб билган ҳалқ...

Қайларга элтади бу қуёшнинг йўли?

Эзгулик, муҳаббат, келажак боғларига эмасми?

Тун зулматидан омон чиккан юраклар қўёшни она сутидай симириб, қайта қувватга тўлмайдими? Бу чин эътиқодdir, кундузнинг химматига ишонмоқдир. Инсонни улуғ ишларга, буюк меҳнатга рағбатлантирувчи некбин овоз бу! Истиқлолдан анча йиллар олдинроқ у она ҳалқига қўёшли кунларни соғинган эди, хушнуд кунларни илҳақ кутган эди.

Унинг овозида, устозлар айтганидай, муazzзам Шарқ намоён эди. Унинг овози севги ва садоқатнинг, Оналик мартабасининг, дўстлик ва қардошликнинг, ирода ва матонатнинг, ҳалқ қалбининг гўзал тароналари бўлиб жаҳон шеъриятининг улуғвор симфониясига қўшилиб кетганди.

«... Зулфияни одамларга ардоқли қилган, адабиётимизнинг ёрқин юлдузларидан бирига айлантирган, XXI асрнинг буюк аёллари қаторига қўшиган омиллар нималар? Менимча, бу унинг эътиқоди, жуда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлари, дили билан тилининг бирлиги, шеърларида мадҳ этган инсонийлик, вафо, садоқат ва

диёнат деган нарсаларга ҳаётда оғишимай амал қилганида», – деб ёзган эди Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов.

Ҳамид Олимжон ва Зулфия муҳаббати Тоҳир ва Зуҳра севгисидай халқимиз орасида афсонага айланиб кетган. У биз – шогирдларига эътиқодда событликни, шеъриятга содикликни, Ватанга жон-дилдан хизмат қилишни ўргатганди. У салмоқли ижоди билан адабиётлар ўртасида, эллар ва элатлар орасида олтин кўпприклар курди. Устознинг табаррук хонадони дунёнинг буюк ёзувчилари учун муқаддас Сўз кошонасидай эди...

Бугун унинг буюк заҳматлари қадрланиб, халқининг кўзу кипригида турибди. Мен уни соғинсан, Юртбошимиз ташабbusи билан шаҳримизнинг сўлим гўшасида қад кўтарган муаззам хайкали пойига бораман. Баҳор бойчечакларидаи ҳар йили баҳорнинг биринчи кунида навниҳол Зулфияларни унинг атрофида кўриб ўзимда йўқ шод бўламан.

Йўлимга соғинч билан кўз тикаётгандай бўлади устоз. Хиёбондаги курсичаларда сухбатлашиб ўтирган ёхуд Зулфия пинжига кириб сувратга тушаётган қизларни кўриб юрагим энтикиб кетади. Улар Зулфиянинг буюк қалбидан харорат олаётгандай, меҳри офтобида исинаётгандай туюлади. Шоиранинг улуғвор, бироз ҳорғин, бироз хаёлчан сиймосида мангулик нурлари ўйнайди. Устозимнинг давр шамоллари емиролмаган, халқ хотирасидаги гўзал ёди билан гойибона сухбатлашаман. Ботиний туйғу билан ҳис қиласман – замондан миннатдор Зулфиянинг ифтихор тўла овози қулогимда жаранглайди:

Эъзозлар, ардоғлар учун ташаккур,
Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.
Тонгларингиз кулсин дориломон, ҳур,
Бахтим шул – ўзбекнинг Зулфиясиман.

ЁЗИШМАЛАРДАН БИРГИНА ШИНГИЛ

* * *

Оидинжон!

Шеърлар журналда куйидаги тартибда берилишини иштиркос қиласман:

Шалола

Ўзимга әзір көтүү қызына жарылышта, сабактарда даңыншылардың түркілігін
Согиниб салып ифқарыйткан жаңы мәдениеттегі шаржның Оңайлы
Яна баҳор җоким түхөб нығада үйде түркілік салынған. Оңайлы
Тұрга ташриф әзінде де мәдениеттегі шаржның оңайлылығын
Сүк түркілік мәдениеттегі шаржның оңайлылығын
Кәни саломинг? әзінде де мәдениеттегі шаржның оңайлылығын
Нечун таңыңа әзінде де мәдениеттегі шаржның оңайлылығын
Осмонда әзінде де мәдениеттегі шаржның оңайлылығын
Хусумат әзінде де мәдениеттегі шаржның оңайлылығын
Күзгү олдидаштың әзінде де мәдениеттегі шаржның оңайлылығын
Шаббода әзінде де мәдениеттегі шаржның оңайлылығын
Үгирламанг қаламым бирдікүн әзінде де мәдениеттегі шаржның оңайлылығын
Хайкал әзінде де мәдениеттегі шаржның оңайлылығын
Орзуга айб йүк әзінде де мәдениеттегі шаржның оңайлылығын
Күплик қылган экан, «Учыб кетди полапон қуши»ни өлиб
қолдиршишингиз мүмкин. «Орзуга айб йүк» туркүмни хотималайди.
Жуда босмахона чиқимларига сабаб бүлгудай эсам, ҳаммасини үз
хисобимга олишга тайёрман.

Сизларга әхтиром билан

ЗУЛФИЯ.
12. 05. 68.

Уйбу шेърлар юкоридаги тартибда «Шарқ юлдози» журналиниң 1968 ишгі 5-китобчасида босилган.

* * *

«Ойдинжон!

Мана вайда килинган таржималар, аслини ҳам қўшиб юборяп-
ман, албатта таққослаб кўриб, таҳрир қилинг. Ҳамиша кишининг
нуксони четдан аникроқ кўринади.

Русчаси Сизга керак бўлмай қолиши билан менга қўнғироқ
қилинг, мен уни олдираман.

Кўчирилгач, менга ҳам бир нусхасини ўша китоб билан қайта-
рурсиз.

Мана вайда килинган таржималар, аслини ҳам қўшиб юборяп-
ман, албатта таққослаб кўриб, таҳрир қилинг. Ҳамиша кишининг
нуксони четдан аникроқ кўринади.

ЗУЛФИЯ.
19.02. 1973 иш».

Ойдинжон! Минг бор кечирсинлар.

Тун соат 1³⁰ гача қайтадан кўриб тузатиб чиқдим, кўчиришга куч топмадим, мана, шу дори таъсиридан гаранг бўлиб соат 7 да уйғондим, кўчира бошладим. Иккиси саҳифа улгурдим. Ярим соатдан кейин машина келади.

Кейин ишлаб, ташлаб кўярман, афсус.

Сиз ёзинг, вақт сизга етарли. Минг бор узр ва кечирим. Менинг ҳаётим шундай.

ЗУЛФИЯ,
6.09.82 йил».

Изоҳ: Марварид Дилбозий ҳақидаги мақола кўзда тутиляпти.

Зулфия она Москвага кетиш олдидан ёзганлар.

МЕХР ИНЖУЛАРИ

Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида буюк алломаларимизнинг маънавий жасорати ҳақида сўзлаб, Зулфияхоним хусусида ҳам меҳр-эҳтиром билан шундай ёзадилар:

... Нафакат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атоқли шоирамиз Зулфияхонимни ҳам мен ана шундай фидойи инсонлар қаторига қўйиган бўлардим. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърият муҳлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак, муболага бўлмайди.

Лекин бу мураккаб ҳаёт қалби ўз халиқи ва Ватанига меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган бу аёлни ҳамма вақт ҳам аягани йўқ. Аслида, бу дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби барчанинг ҳам бошида бор. Аммо замандуҳ ва ҳасратларини матонат билан енгиз, тоздек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланган Зулфия она сингари аёллар ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибdir.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти.

(«Юксак маънавият – енгилмас куч» китобидан)

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

ШОИРА ЗУЛФИЯ ОПАМИЗГА

Ўтган йиллар учун чекманг хижолат, Узр сўрайберманг юрагингиздан. Хижолатин тортсин ўзи табиат, Табиат узрини сўрасин сиздан.

Заҳматкаш, меҳнаткаш шу қалам билан,

Буюк асримизнинг сиз ҳам ҳақлисиз.

Даврга гоҳ кувонч, гоҳ алам билан

Баҳо бермоқлийка сиз ҳам ҳақлисиз.

Табаррук бир ёшга етибсиз омон,

Аллоҳим кун берса, адоги бўлмас.

Агар юракларни забт этса инсон,

Ундейин умрнинг саноғи бўлмас.

Коронғу тунларда оловли сўзни,

Кимки машъял килса, толе унга ёр.

Бахтили аёлман деб атабсиз ўзни,

Сиздай шоири бор ҳалқ ҳам баҳтиёр.

1995.

ГЎЗАЛ ИЛТИФОТ

Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуровнинг «Паривашлар мажлиси» китобида шундай гўзал лавҳалар бор:

...Шоира Зулфиянинг саксон беши ишлиги арафасида телевидение бир кўрсатув қиласиган ва шоира ҳақидаги суҳбатларни у яшаган ҳовлида ёзив оладиган бўлди. Шоира уйида унинг гўзал руҳи кезиб юргандай, ҳаммамиз шу руҳнинг таъсирида унинг асиру мубталоси эдик. Ўртада танаффус бўлди. Бир пиёла кўк чой устида мен Эркин Воҳидовдан сўрадим:

— Опа билан илк бор қандай учрашгансиз?

Эркин аканинг хаёли олтмишиинчи йилнинг августига кетди.

— Олтмишиинчи йилнинг ёз тишиқчилигида Дўрмонда ёш ёзувчиларнинг семинари очилди. У пайтлар менга шундай туюлармиди ёки ўзи асли шундаймиди, семинарлар жуда қизғин ўтарди. Кўп катта ёзувчилар келиб ёшлиарнинг машҳуарини таҳлил қилиши асносида ижод сирлари устида сўз юритишар, бу суҳбат-тахлиллар ниҳоятда мароқли бўларди. Шеърларим матбуотда кўзга ташланана бошлаган, радиода, телевидениеда ёшлиар ижодига багишланган саҳифаларда қатнашардим. Мени ҳам семинарга таклиф этишиди. Жуда кўп тенгкўр қаламкашлар билан кўришдим. Уларнинг суҳбатлари қувноқ ва аллангали эди. Бир маҳал аргувон остида сувнинг салқинида оҳиста суҳбатлашиб ўтирасак, дарвозадан ёзлик либосларга чулғанган икки чиройли аёл кириб келишиди. Зулфия опани дарҳол танидик. Она гўзал кўйлакда яна ҳам гўзал кўринардилар. Худди бу дунёning одамига ўхшамас, осмондан пари тушгандай эди, назаримизда. Мен аёл кишининг бунчалар кўркам ва басавлат бўлишини шунда кўришим. Ҳаммамизни опанинг салобати босди. Жимиб қолдик. Баъзилар юраги нўкиллаб боғнинг ичкарисига ўзини олди. Мен ҳам дик этиб ўрнимдан туриб пича нарида қўл қовушириб турдим. Она ўша пайтда қирқ беш ёшлиарда эдилар. Айни дунё сўраб турган, шуҳрат тиллапояларидан жуда юксакларга кўтарилган чоғлари. Аёл ва инсон, ижодкор сифатида хўб етилган, ҳар қандай кишининг ақлини шошириб қўярдилар. Она ҳамроҳлари билан аргувон остидаги шоҳи кўрпачалар ташланган сўрига ўтирилар. Сўри ҳам, боз ҳам янада яшиаб кетгандай бўлди. Сўри устида босвoldи, бўрикалла қовунлар юмалаб ётарди. Она бир гўзал табассум қилиб, «бу қовунларни сўядиган мард борми?», деб сўрадилар. Биз – ёшлиар кулишиб дарҳол қовун сўйинига киришиб кетдик. Мен бир қизилуруг қовунни паллаладим. Текис чиройли коса қилиб она олдидаги оптоқ дастурхонга қўйдим. Она кутимаганда завқланиб, худди Ойдин Собированинг анвойи ҳикояларидағига ўхшаб савол бердилар:

— Шеърни ҳам шундай чиройли ёзасизми, йигит?

Мен изн сўраб шеър ўқидим. Ўшанда «Буюк ҳаёт тонги» китобим чиққан, унга машҳур шоир Туроб Тўла сўзбоши ҳам ёзган эди. Она қарангким, ўқиган эканлар.

— Ҳамид Олимжоннинг руҳи сезилади, — дедилар ва кўп яхши сўзлар айтиб алқадилар. Эркин Воҳидов ҳикоя қиляпти-ю мен она нинг ажисиб илтифотли инсон эканликлари ҳақида ўйлайман. Илтифотлари гоятда табиий ва гўзал назокатга чулганган бўларди.

(«Паривашлар мажлиси». Т., «Янги аср авлоди». 2012.)

Ибройим ЮСУПОВ,

Ўзбекистон ва Қорақалпогистон
халқ шоири.

ЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ БУЗУҚ ҲАВОДАН

Зулфияга

Бузук кўрдим бугун ҳаво авзойин,
Кўчада ёқимсиз шамол изиллар.
Уй кошида, бокқа кеч кирган сайин
Шоирам бир ўзи ўйчан кезинар.

Унсиз кузатади улкан чинорлар
Япроқларин сочиб унинг пойига.
Майналар чағ-чағлаб қайдадир йиғлар,
Каргалар қагиллар анҳор бўйида.

Гул мавсуми тугаб, оёқлабди ёз.
Кузга гал келганин ўйларим маҳзун?
Ўқинч сўқмоғида бевақт синган соз –
Армонини тинглаб, титрарми дилхун?

Жароҳати битмас шоирнинг жонин
Ва лекин, шоирам, Сиздан илтимос:
Унутсангиз ҳамки бутун дунёни,
Огоҳ бўлинг бундай ҳаводан бехос.

На куз бу, на қишидир, бир расво ҳаво,
Қай мавсум, деб бирор сўрамас ҳозир.
Ишониб бўлмас бу ҳавога асло,
Ким бўлганингизга қарамас ҳозир.

Ёлғиз тор хонада ёлғизгина соз
Шамол елпіб ўтса, йиғлайды мунглұғ.
Үқинч сўқмоғида кезманг бу аёз,
Виждонингиз покдир, юзингиз ёруғ.

Дардли лира билан одамлар баҳтиң
Жон күйдириб куйлаб келгансиз доим.
Гүзәллик гулию сабр дараҳтиң
Күнгил боғингизга эккан худойим.

Биби Фотимани мен ёдға олсам,
Күнглимда хурматим оргади Сизга.
Агар мен художүй мусулмон бўлсам,
Намоз ўқир эдим этагингизда.

МИХОРЯН
ЖУМРАН МАСС

Гап бор: «асранганни – асрайман» деган,
Бир иложин топар дини соғ одам.
Чикманг бу изғириқ турган кўчага,
Ўзингизни асранг бузук хаводан!

Дэл оғизиңиң күнглими Светлана СОМОВА,
Сизга жаҳонга дарсанларниң күнглими рус шоираси.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИГА

Шоира Зулфияғат

Бу кўзларми, кора чарос ё?
Бундоқ кўзлар этса мубтало
Газал битиб шоир бўлурлар,
Хаёлларга асир бўлурлар.
Ниҳол қаддинг елда тебранган
Қизил гулнинг нозик бир банди,
Ё кирдаги оқ лоламисан
Тошкент боғин эрка дилбанди?
Сочинг қора шаршара мисол,
Нигохингда ўқтамлик, ғуур,
Хулкингдаги соғ тийнат, жамол.

Халқинг феъли мұжассамидур.
Не толедир: буюк бир шодлик
Бахш этибди бу она диёр:
Дуторинг бор мұғиза созлик,
Күшиқлари жүшкін, бетакрор.
Бармокларинг тор пардасида
Югуаркан, сочилсін жаранг,
Дарё бўйи, тоғ дарасида
Ёйилганда бу баҳтли оҳанг,
Жўровозинг бўлсин сингиллар,
Авж пардада жўшсин мақоминг.
Тинглайверсін элатлар, эллар,
Сеҳрласин хушбаҳт илҳоминг!

Эргаш ИБРОҲИМ,
қозоқ шоири.

ҲАДЯ ЭТАЙ

... Мен она ўлкамда гулшан оралаб,
Сўзга сўз қўшгандай гуллар саралаб,
Миниб Кўкчатовнинг хур шамолига
Чикурман Зулфия истиқболига.

Бу соғ ҳавони ул бол каби тотсин,
Бу гўзал қирлардан маҳлиё ўтсин,
Хеч ким битолмаган бир қўшик битсин,
Бу юрт сувратини юракда элтсин.

Ошарман булатта туташ тоғлардан,
Муздай сувлар олиб шўх булоқлардан,
Бахмал ўтовлардан, кўқ ўтлоклардан
Унга тухфа элтай кўп йироқлардан.

Яна ҳадя этай тип-тиниқ бир кўл.
Сувлари жимиirlаб турсаю мил-мил,
Ярадор бир оккуш бошида нукул

Жуфти чарх урганча сўраса кўнгил...
Унга ҳадя этай тип-тиниқ бир кўл.

Виталий КАЧАЕВ

ЗУЛФИЯ ЭККАН КЎЧАТ

Оқ булут қанотида,
Шамоллар қўшигига
Африка тупроғида
Кўчат ўтказди шоир...
У кўчатнинг томири
Тошкент қалбига туташ.
Шоир шеър ўқир экан
Мисрлик,
Сомалилик
Қизлар сари талпинар,
Барг ёзади чинор ва
Худди бўлиқ тупроққа
Интилганидай илдиз
Талпинади ёш дарахт...
Бўз ерда, қақрок ерда
Томир отар, чирмашар
Зулфия эккан дарахт.
Шоир жўнаб кетаркан,
Занжи қизлар бокар шод:

Кун қиздирган маконда
Куртак ёзган кўчатмас,
Шоира ўз қалбини
Қолдирганди умрбод...

Лиана ДАСКАЛОВА,
болгар шоираси.

ЗУЛФИЯГА

Кора зулфларингда баҳор атри бор,
Жон ўрттар сен ишқ деб созлаганда тор,

Илхом парисин-да сенда күнгли бор,
Шундан лириканға ёшлик шавқи ёр,
Қора зулфларингда баҳор атри бор...

Хонбibi ЭСЕНҚОРАЕВА,
киргиз шоураси.

ЗУЛФИЯХОНИМГА

Щоңранинг 80 йиллик юбилейида ўқылган

Тұмарисдай эл бошқарыб,
Кирнинг бошин олмадинг.
Бибихонимдай Темурга
Нақшин сарой солмадинг.
Бироқ сени суйган элга,
Сенга таъзим қилган элга
Умрингни бағышладинг.

Шеърларингта ошиқ бўлиб,
Хайрон қолган зотлар кўп.
Келажакка қаламингнинг
Бисоти мўл, мулки хўп.
Ким айтади тош кесмоқдан,
Ким айтади бош кесмоқдан
Ўлан ёзмоқ ўнгай деб?

Шеър ёзмоқ – тогни ағдармок,
Заргардай қум эламоқ.
Олтин ўлан излаганда
Олов тутди Ёнартоғ.
Саксон ёшга кирган опам,
Саксон олма терган опам,
Бош эгаман эгилиб.

Бор-будингиз ишқ, нафосат,
Сиз – ор-номус туғидай.
Кўнглим маним чайқалади

Сирдарёning сувидай.
Қандай ўлан мангу қолар,
Қайси ўлан йўқолар
Бир дарёга куйилмай?

Аскар тоғдай қизлар борки,
Сўз заргари Сизлар борки,
Ортимизда излар борки,
Йўқдир ҳасрат, қайғум-да!
Доно Шарқнинг чинорисиз,
Сиз Туроннинг туморисиз –
Хосиятли, бўйнимда.

Ўйламасдан ўт симиргум
Севмоқ учун Ватанди
Бўз даладан бўзлаб келдим;
Бағрингта ол бўтангни!
Бир қўлимда қаламим бор,
Битта қўлимда – болам!
Йўлим очик, хатар – бекор,
Довул-бўрон қилмас кор –
Устоз, бер фотихангни!

1995.

МАКТУБЛАР, ТАБРИКЛАР...

Зулфияхонимга тури табриклар, биродарлик мактублари, таржимонларидан жуда кўп хат-хабарлар келиб турарди. Бу ёзишмаларда меҳр-муҳаббат, ихлос ва дўстона эҳтиром туйғулари барқ уради. Унга бўлган дўстона муносабатлар замирида ўзбек аёлига, ўзбек халқига чуқур хурмат, иззат-икром туйғулари балқиб туради. Шоиранинг дўстлари, таржимонлари унга дил сўзларини ёзиб, оғаларча, сингилларча меҳрибонлик, сирдошлиқ, дилдошлиқ қилганларини кўриб, суюнасиз. Зеро, мактублар, табрикномалар кўнгил ойнасидир. Таржимонлари билан ёзишмалар 1947 йилдан бошланиб, умрининг сўнгигача давом этган. Факат юракларни эмас, элларни, қардош дўст халкларни бир-бирига боғлаган, қадрдон қилган бу

мактубларда ҳарорат, самимият учкунлайди. Н. Тихонов, К. Симонов, Э. Межелайтис, М. Карим, Қ. Қулиев, М. Дилбозий, С. Липкин ва бошқаларнинг мактубларида инсоний самимиятни кўриш мумкин.

Куйида шоиранинг қизи Ҳулкар опа лутған тақдим этган хатлар ва табрикномаларнинг бир нечтасини эътиборингизга ҳавола эта-ман.

БАРКАМОЛ ИНСОН, БАРКАМОЛ ШОИР

Катта ҳаёт йўлини босиб ўтиб, кўпгина яхши китоб ёзиб қўйган кишига бўлган муносабатингни икки оғиз сўз билан ифода этиш жуда мушкул.

Зулфияда ҳам шоир сифатида, ҳам инсон сифатида энг муҳим фазилат – ундаги яхлитлик, интилишларининг кенглиги, шеъриятда, ижодда, ижтимоий ҳаётда ва тинчлик учун бўлган курашларда фидойилик деб биламан. Менинг кўз олдимда кечган фаолиятларини кузатишнинг ўзигина унинг ҳамма ишга завқ-шавқини, қалб кучининг бутун ўтини бағишлиб яшашлигидан сўзлашга ҳак беради.

Мен ўз вақтида Зулфиянинг шеърларини севиб, қувонч билан таржима қилганман, зоро бу шеърлар мухаббат, бекиёс оташин мухаббат ҳақидаги шеърлардир. Менинг назаримда Зулфия ўзининг бутун аёллик латофати ва нағислиги билан бирга мана шундай баркамол инсон, бақувват ва мустаҳкам иродали баркамол шоирдир

Константин СИМОНОВ, Россия.

(Хат Холида Сулаймоновага ёзилган бўлиб, 10 май 1978 йил санаси кўрсатилган. Мактуб машинкада битилган, имзо қўйилган.)

СЎЗ МАСЬУЛИЯТИ

Ҳозирги илмий-техника инқилоби даврида, буюк ўзгаришлар замонида шеъриятнинг, шеърий сўзининг масъулияти ниҳоятда ошиб кетди. Бу масъулият шундай залворлики, уни нозик аёл елкаси кўтаролмайдигандек туюлади. Аммо ўзбек шоираси Зулфия ижодида бу нарса бутунлай аксинчадек кўринади. Бу ҳақда унинг ўзи жуда яхши гапирган:

ВАКТНИ КИШАНЛАШГА ҲАМОН МЕН ОЖИЗ.

ТУПРОГИМ ВА УМРИМ УЗРА ЭЛТАР ЙҮЛ.

НЕ ЁССАМ ТУБ-ТУБДАН ХАЁЛГА ДОИР,

ИНСОНИЙ ҚАЛБИМНИҢ ТЕБРАНИШИ УЛ.

НАҚАДАР МАРДОНАВОР БУ САТРЛАР!

Ираклий АБАШИДЗЕ,

Грузия

* * *

БИЗНИНГ МУҲТАРАМА, ҚАДРЛИ ЗУЛФИЯ!

Сиздан – менинг севимли шоирамдан илиқ ва эзгу табриқ сўзларини олиш мен учун жудаям ёқимли бўлди, ишонинг. Сизга чин юракдан раҳмат, Сизга ёрқин шеърий илҳом ва баҳт тилайман.

Сизнинг Эдуардас МЕЖЕЛАЙТИС.

Вильнюс, 7. 10. 74.

Азиз Зулфия!

«Шалола» учун раҳмат.

Китобингиз менга жуда кўп қувончили соатлар, дақиқалар баҳи этди. «Ҳарорат» бўлимидаги шеърлар энг яхши сатрлар, албатта. Бўлимнинг чўққиси эса «Тўрга ташриф» шеъридир. «Литературная Россия» газетасида ўқигандим шекилини, ўшандаёқ бу шеър хотиррамда ўрнашиб қолганди. «Ўғирламанг қаламим бир кун» аъло шеър. Менинг назаримда уни олдинроқ тугатиш керак, кейинги икки банд чўзилиб кетгандай туюлди менга.

Кўнглингиз ҳамишадагидай парвозда, фикрларингиз кўламдор.

Сизнинг борлигинингиздан, Сизни ўзимга яқин ва азиз инсон деб айтига олганимдан қувонаман.

Степан ШИПАЧЁВ.

4. 5. 1970 й.

Азиз, қадрли Зулфия, Сизни шу пайтгача табриклай олмаганим ва 80 йиллик юбилейингиз тантаналарида иштирок этолмаганим учун маъзур тутинг. Бу эса кўнглимни хира қилиб туради.

Марварид Дилбозий ҳеч қачон ёшликтаги дугонасини ва ажойиб ўзбек халқини унутмайди.

Азизим Зулфия, баҳорда оғир операцияни бошимдан кечирдим, ҳаётим қил устида турарди, мана энди сал ўзимга келгач, сизга мактуб ёзялман.

Ўшангача мен Сизга хат билан янги китобимни юборувдим, олдингизми?

Қадрлигим менинг, мен Сизга энг муҳими саломатлик тилайман, соғлик бўлса, ижод ҳам бўлади. Бутун ўзбек халқига, гўзал шоирасини севгувчи ва чин муҳлиси – ўзбек халқига баҳт, саодат ва озодлик тилайман.

Муҳаббат ила қучаман ва ўтиб қоламан М. ДИЛБОЗИЙ.

*(Муҳрда Тошкентга хат етиб келган
сана – 16.10. 95 кўрсатилган.)*

Қадрли Зулфия!

Азиз хоним!

Сизнинг ажойиб мактубингиз ва гўзал китобларингизни олдим. Беҳад миннатдорман. Менинг сафаргашта умрим хатларга жавоб ёзишимни доим кечиктиради. Узримни қабул этинг. Бу мактубингиз мени қанчалар суюнтирганини, ҳаяжонлантирганини тасаввур ҳам этолмайсиз. Уни ўқиб, кўзимга ёш келди. Сиз қанчалар ноёб истеъдод эгасидирсиз, хатдаги доимлик эса ҳайратга солди мени. Сиз чиндан истеъдодлисиз, Сизда табиий соғлик балқиб туради, маънавий-руҳий кувват бор, оламдаги барча гўзалликнинг бокира ибтидо туйғуси, шеъриятга илоҳий муносабат ва нафис теранлик бор Сизда. Мактубингизни ўкиб, руҳим покланди гўё. Бу гашларимда лоф йўқ. Факат Сизга ташаккурим баёни, холос.

Хом сут эмган бандалар каби менинг бу дунёда гуноҳларим кўп. Сиз эса маъсумасиз. Сиздан мусаффолик, руҳий кудрат насимлари эсади. Мен Сизни ва китобларингизни ана шу боисдан ҳам севаман. Сиз улкан Инсон ва катта шоирсиз. Бу таъриф Сизга ярашади доим.

Китобларингизни аслиятда ва таржимада ўқидим. Сиз Шарқ ва Ғарб оҳангларини ўз ижодида пайваста қилган ҳозирги замон

сўз санъаткорларидан бирисиз, ўз она тилининг имкониятлари ва қардош халқлар маданий бойликлари ютуқларини омухта қилиш эса ажойиб самаралар беради.

Гапим чўзилиб кетди, чоғи... Мактубингизда ҳаёт ва шеърият хусусида ажойиб фикрлар бор. Бу фикрлар теранлиги, таровати ва соғломлиги билан менда таассурот колдириди. Фикрларингиз кенг кўламли, улар одамни хаёлга толдиради. Улар дилга яқин, содда. Шу туфайли ҳам ҳайратимни узундан-узоқ сўзларда ифодалаяпман.

Азиз Зулфия!

Бир томлик китобингизга сўзбоши ёзиб беришимни истабсиз. Мен бундай илтимосни бажаришдан қувонаман, ўзим учун фаҳр ва шодлик деб биламан, жон-дилим билан адо этаман. Бу шунчаки шарқона лутф эмас, юрагимнинг нидосидир.

Сиз шахс ва санъаткор сифатида мен учун қадрлисиз. Сизни ва Сиз бошингиздан кечирган барча ташвиш ва шодликларни ғоят ҳурмат қиласман.

Яқинда китобингиз мухаррири Г. Фолькдан хат олдим, сўзбошини кутяпти экан. Кеча унга жавоб бердим, март охирларида қўлига тегади...

Азиздан-азиз Зулфияхоним, Шарқнинг юлдузи, кўрки, Шарқнинг биллурдай жарангдор овози! Мен «Зулфияга» деган шеър битдим, Н. Гребневга бердим таржима учун. Ҳозир у шифохонада, у соғайиб чиққач, русчага ўгирса, ижозатингиз билан матбуотга берармиз.

Кириб келган янги йилингизда узоқ умр, саломатлик, илҳом, шодлик ва барча эзгуликлар ёр бўлсин. Яна бир бор тухфа китобларингиз, хатингиз учун ташаккур айтиб,

Сизни бехад ҳурмат қилувчи, оғаларча ардоқловчи

Сизнинг Қайсин ҚУЛИЕВ

(Қабардин-болқар шоири).

8 январь 1974, Нальчик.

* * *

Бизга туғишгандан азиз Иңсон, қадрли Зулфия, кўнглимнинг шавкатли валломати!

Сизнинг таваллуд байрамингиз шукухи, Зулфия овулининг нафис руҳини биз ҳамон асраб юрибмиз. Мен ва рафиқам Равзахоним

Сизни кўпдан бери билардик. Лекин ўша (1975 йилнинг) ноябрь кунлари Сизнинг юксаклигиниз, ўхшалий йўқ улуғворлигинизни қайтадан кашф этдик, хис қилдик. Вактни ҳам, табиатни ҳам, олқиши ва мақтovлар, қарсаклар шавкини ҳам эслай олмайман. Фақат Сизни, мукофотлар, мақтовли сўзлар заррача ўзгартиролмайдиган собит эътиқодли Инсон – Зулфияни эслайман. Шеъриятга содиқ ва муносиб шоири Зулфияни эслайман. Сизнинг шеъриятингизни ва барчага мансуб шеъриятни эслайман. Зоро, барча истеъдод эгала-рига ҳам шеъриятга муносибликни ато этмаган. Ва барча талантли шоирларга ҳам ўз истеъдодига муносиб бўла олиш баҳтини берма-ган. Сиз ўз истеъдодингизга ярашиқлisisiz, Зулфия!

Оғаларча қучиб, ҳамиша Сизнинг МУСТАЙ,

17.01.76.

(Бошқирдистон ҳалқ шоири)

* * *

Салом, қадрли Зулфия!

Агар жим бўлиб кетганим учун мендан ўпкаломоқчи эсангиз, айтиб кўяй, ғазабингизни икки одамга, менга ва Лев Минаевичга сочсангиз... Гап шундаки, у роппа-роса бир ойдан бери тугунини туғиб, Тошкентта боришга чоғланади. Мен эса унинг қаҷон жўнашини ва сизга ёзган мактубимни ола кетишини кутаман. Ниҳоят фурсати келди.

Энг аввало, ишларим ҳақида баён килсан. Сизга Шарипов но-тўғри маълумот берган чоғи. «Советский писатель» нашриётида Ҳамидинг китобини чоп этиш ҳақида ҳеч қандай гап бўлганий йўқ. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибияти СССР ёзувчилари котибиятига хат ёзиб, унинг бир томлик рус тилидаги китобини нашриётнинг 1950 йил режасига киритишни сўраши кераклигини билдим. Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, энг яхшиси республика ҳукумати бу ишга аралащса, ўйлайманки, ҳаммаси осон кўчади. Бу эса унчалик қийин эмас Ўзбекистон ҳукумати учун.

Ўйлайманки, 1950 йилда фақат Ҳамид(Олимжон)нинг эмас, балки Ҳамидинг рафиқаси Зулфиянинг ҳам китоби рус китобхонлари қўлига тегади. Азиз Зулфия, достон ёзаётган эдингиз, ишлар қандай кетяпти, ёзиб юборинг.

Мен бу ерда Мирзо (Турсунзода) билан жуда фаол ишләяпман. У яна 2 та янги шеър ёзи. Мен уни рус тилига ўгирдим. Унинг бир туркум шеърлари «Новый мир» журналининг 3 ёки 4-сонида чоп этилади. Яна ушбу сонда 7 нафар тожик шоирларининг шеърларидан таржималар берилади. Хулласи калом, Сталинобод (Душанбе) шаҳридаги ишларим бесамар кетмаяпти. Бу эса мени кувонтиради. 21 марта Мирзонинг адабий кечаси бўлиб ўтади. У сизнинг бу кечада катнаша олмаётганингиздан жуда афсусда. У сизга ва оиласнгиз аъзоларига дўстона саломларини етказишмни илтимос қилди. Менинг Лев Минаевичга ҳавасим келади. У сизни ва барча дўстларни кўришга ва Тошкент баҳоридан баҳра олишга муюссар бўлади. Умид қиламанки, жавоб мактубини сиз менга почта орқали жўнатасиз. Шунда у бирор орқали бериб юборганингиздан кўра тезроқ кўлимга тегади. Агар сизга қийин бўлмаса, нашриётга қўнғироқ қилиб мен ҳақимда эслатсангиз, албатта қалам ҳақи тўғрисида ҳам...

Сизга Нина Сергеевна қизғин салом йўлламоқда.

Мен учун фарзандларингизни ўпиб қўйинг, сингилларингиз ва ойингизга саломимни етказинг.

Кўлингизни ўтиб, маҳкам қисиб, ЛИПКИН.

15.03.1949

Онлайн музей

Онлайн музей

* * *

Менинг азиз Зулфиям! Сизни яна бир карра чин юракдан мукофот¹ билан табриклайман. Сизнинг байрамингиз менинг ҳам байрамим, шеъриятни севган, ҳаёт мусиқасини, эзгулик ва ҳақиқатни севган барча одамларнинг байрами. Яна шуни ҳам жуда айтгим келадики, сиз олган мукофот, оддий қилиб айтганда, ўзбек шеъриятида ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйди. Бу сиз учун биринчи мукофот эмас, сўнгиси ҳам эмас, албагта яна бошқа мукофотлар ҳам бўлаверади.

Сизга иккита шеърингиз таржимасини жўнатаяпман.

Сизни севгувчи С. ЛИПКИН.

11.11.1976.

¹ «Халқлар дўстлиги» ордени.

9 август 1975. Қадрли Зулфияхоним!

Юборган китобингиз ва илиқ мактубингиз учун сизга катта раҳмат. Аслида мен сиздан туғилган кунингиз ва мукофотингиз билан табрикламаганим учун узр сўрашим керак эди. Рўзғорнинг ишларидан ортмай сизга ёзолмаганим, бепарволигим учун хижолатдаман. Онамнинг оёғи синиб, тўшакка михланиб қолган. Унинг тирик қолгани ўзи мўъжиза дейишади. Мен энди тамоман уйга боғланиб қолдим, ахир у кишини боғ ҳовлимизга олиб боролмайман...

Менга ўзингиз ҳақингизда ёзинг. Умуман тез-тез ёзив туринг. Сизни таржима қилишдан доимо хурсанд бўламан. «Художественная литература» нашриётида янги босмадан чиқсан китобингизни кўрдим. У жуда чиройли тўплам бўлибди. Ҳозирча бизга беришгани йўқ.

Қайсин Шуваевич (Қайсин Кулиев) менинг олдимда китобни варактаб унинг гўзаллиги ва чиройли безакларини кўриб ҳаяжонланиб кетди. У менинг бундай чиройли китобим ҳали чиқмаган деб ҳавас қилди... Кўрдингизми, ҳамма эркак шоирларнинг сизга ҳаваси келаяпти, сиз бундай ҳавасга муносибсиз.

Сизга чин кўнгилдан соғлик ва яхши кайфият тилайман. Шунда шеър ҳам туғилавради.

Ҳурмат билан,

Ю.Н. (ЮЛИЯ НЕЙМАН).

Изоҳ: Мен ҳозиргина Ирина Серафимовна билан қўнгироқлашим. У сизга китоб юборилганини ва сиздан жавоб келмаганига хавотирланаётганини айтди.

Сиздан келган мактубнинг муҳрига кўра сиз Кисловодскийда бўлсангиз керак, деб ўйладим.

Китобингиз кўргазмага қўйилишини айтишиди менга.

* * *

Салом, қадрли Зулфия...

Мен сизни мукофот билан, асосийси, туғилган кунингиз билан кечикиб бўлса ҳам табриклайман. Туғилган кун инсон учун доимо

энг гўзал айём, айниқса шоир учун, ахир шоир умри жуда узок, баъзан мангу давом этади. Бир йил ўзида бир неча тугилишларни музассам қиласди – яна ва яна қалб қайта-қайта туғилаверади. Ахир шеър бу – юрак дегани. Ҳар қандай юрак эса бу ҳаётдир.

Мен сиз учун жуда қувонаман. Чунки мен шеърларингизни севиб таржима қилганман. Аёл киши учун таваллуд кунлари – байрам, агар у чиройли, кўркам бўлса. Сиз эса сохибжамолсиз. Аёлни вақт ҳам ҳатто чиройлироқ қиласди. Анна Андреевна Ахматова кексалик чоғларида ҳам гўзал бўлган. Кексалик фасли ҳали сизга узоқ. Аллоҳ сизга соғлик, яхшиликлар ва илҳом бахш этишини истайман. Биз жуда кам учрашганмиз, лекин мен сизга тезгина кўнгил қўйиб боғланиб қолдим, сизнинг шахсиятингиз ва шеърларингиз жозибалидир. Камгина таржималарим кирган бўлса ҳам китобингизни кўришни орзу қиласман. Шеърларингизни катта қувонч билан таржима қилганман. Ўша китобингиз менда бўлишини истар эдим. Энг яхшиси. менинг манзилимга жўнатишингизни сўрайман. Манзилим ёзувчиларнинг энг охирги маълумотномасида бор.

Сёма (Семён Липкин) менга ўғлингиз уйланганини айтди. Келинингиздан мамнуунмисиз, ўғлингиз бахтиёрми? Менинг ҳаётим эса ўша-ўша ғалати ҳаёт. Переделкинода яшаяпман... Сизни ўпиб қоламан.

Сизнинг Инна (Лиснянская).

Изоҳ: Хатнинг санаси ёзилмаган. Зулфиянинг 1975 йилда Москвада чоп этилган «Избранное» китобида И.Лиснянскаянинг 5 та таржимаси берилган.

* * *

Ассалому алайкум меҳрибон онахонимиз Зулфиябегим!

Азиз онахон, мен Тошкентдан катта таассурот билан келдим. Ҳали ҳам кўз олдимда ўша катта Туркистон саройи, ўша зиналар, ўша атлас кўйлакли кизлар, ўша меҳчагуллар (чиннингул). Ҳўжандга келиб ўз таассуротимни катта мажлис (хотин-кизлар йигини)да айтиб бердим. Телевизорга чиқиб, Президент муҳтарам Ислом Каримовнинг сизга ёзган мақтублари, миллий байрам эълон килганлари, Сизга тақдим этган тухфаларини айтиб бердим. Бизда

апрель ойидан бошлаб янги журнал («Хўжанд» – ёзувчилар учун) чиқаяпти. Тўртингчи сонида Сизнинг сувратингиз билан менинг таассуротларим чиқди. Ўша журнални сизга юбораман, қабул килинг.

Азиз онахон, менинг номимдан қизингиз Ҳулкарой, набирангиз Фотимахон, гўзал қиз Сайёрахон, ўғлингиз Омонжон, ҳамма дўстларга салом ва эҳтиромимни айтарсиз. Ойдиной Ҳожиева, муҳтарама Дилбархон Гуломовага катта раҳмат ва самимий салом.

Кечирасиз, ўзбек тилида биринчи хат ёзишим. Хатоларини ислоҳ қилиб, ўқийсиз.

Мехри шумо ҳамеша дар дили ман. Ба шумо саломати, умри дароз, табъи хуш, илҳоми фаровон орзумандам.

Камоли эҳтиром билан,

Озод АМИНЗОДА,

Хўжанд шаҳри

(тожик шоираси).

28.08.95.

ДЎСТЛАР ҲАМДАРДЛИГИ

ЗУЛФИЯХОНИМ ИСРОИЛОВА ВАФОТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЗИЯНОМА

Ўзбек халқининг асили фарзанди, ўзбек маданиятининг намояндаси Зулфияхоним Исроилованинг вафоти мени чукур қайғуга солди. Унинг ёрқин шеърияти ватанпарварлик, дўстлик ва биродарликнинг, ҳаётсеварликнинг, Аёл қалби гўзаллигининг ноёб қўшиклари эди. Унинг сермазмун ва кизғин адабий фаолияти Ўзбекистон маданий ҳаётини бойитган, қардош халқларнинг ҳам бебаҳо мулкига айланган, бутун дунёда шуҳрат қозонган. Бизнинг серташвиш, курашларга тўла давримизда у авлодларга бунёдкорлик, руҳиймъянавий камолотни васият қилди. Мен шахсан сухбатларига сазовор бўлганим, Ҳиндистоннинг улкан дўсти, буюк арбоб – Зулфияхонимни йўқотишдан беҳад изтиробдаман.

Аллоҳдан унга раҳматлар бўлсин!

Ҳиндистон Ташиқи Ишлар вазири

жсаноб И. К. ГУЖРАЛ.

1996.

ЗУЛФИЯ – МЕНИНГ АЛКА КУМАРИМ!

Хиндистонга Осиё ёзувчиларининг анжуманига келганида Зулфия менинг меҳмоним бўлди. Ана шунда ўртамиизда мустаҳкам дўстлик пайдо бўлди. Бу дўстлик мен Ўзбекистонга ташриф буюрганимда яна ҳам чукӯр илдиз отиб, гўзал мевалар берди. 1961 йилда мен Зулфия хонадонида бўлдим. Унинг бир неча шеърларини панжоб тилига ўтиреди, у эса менинг байтларимни ўзбекчалаштириди.

*Яна илҳом шавқида юрак
Сўз излайди ёниқ, беором...*

Ўзбекча сўзлар, панжоби оҳанглар бир сатрда тизилиб, илҳом шариллаб, дўстлик ҳакида гўзал бир достон ёздим.

Тошкент билим юртларидан бирида адабий учрашув бўлди. Биз ўз шеърларимизни ўқидик. Мен бухороча зардўзи дўппи кийиб олган эдим. Зулфия кулогимга шивирлади:

– Ё, раб, сен ўзбек гўзалига ўхшайсан, Амрита!

Эртаси куни биз атлас тўқувчи қизлар даврасида бўлдик. Бизга шоҳи рўмоллар тухфа килишди. Шоҳи дуррача ўраган Зулфияга караб мен ҳам лутф қилдим:

– Зулфия, сен панжоб гўзалининг ўзи бўлдинг-қолдинг!

Зулфия мени ўзбекчалаб Амрита хоним деб атай бошлади, сўнг исимимнинг маъносини сўради, ўзбекчада мени Ўлмас хоним деб сўйлай бошлади. Мен «Зулф» сўзининг ҳиндуҷчада «Алка Кумари» маъносини билдиришини айтиб, дугонамни Алка Кумари деб чақира бошладим.

Бизнинг дўстлигимиз икки шоиранинг, икки тилнинг, икки элнинг чинакам дўстлиги, дилга яқинлиги тимсоли эди.

Менинг Зулфиям – Алка Кумарим хотирасига хайру дуолар бўлсин, дейман.

Амрита ПРИТАМ,
1996.

Изоҳ: Шеърлар, хатлар ва таъзияномаларнинг қорақалпоқ, қирғиз, рус, тоҷик тилларидан таржисимаси муаллифники.

ТАВАЛЛУД БАЙРАМЛАРИ

* 1965 йил, ноябрь.

Зулфиянинг 50 йиллик таваллудига бағишлиланган анжуман Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида бўлиб ўтди.

*1975 йил, 14 ноябрь.

Шоиранинг 60 йиллик юбилей тантанаси Ўзбекистон Давлат филармониясининг концертлар залида бўлиб ўтди. Анжуманда Константин Симонов, Ираклий Абашидзе, Қайсин Кулиев, Мустай Карим, Муса Фали, Давид Қуғултинов, Евгений Евтушенко каби машҳур шоирлар иштирок этдилар. Зулфиянинг ижодий йўли хақида профессор Лазиз Қаюмов маъруза қилди. Зулфиянинг севимли шогирди Ҳалима Худойбердиева устозига бағишлиланган шеърини ўқиб берди:

Маликам, нима айтай, мен бугун Сизнинг ҳақда,
Колумбдай очгансиз-ку ўз қалбингиз – қитъани.
Айтмай десам, бу юрак нимагадир ишҳақдай,
Айтмай десам, саросар, лолман қалам тутгани,
Кездим қитъангизни мен, қуёшлари күйдиргич
Кўкламлари унча хуш, сўймаганни сўйдиргич...

* 1985 йил, 2 декабрь.

Алишер Навоий номидаги Катта Академик опера ва балет театрида атоқли шоиранинг 70 йиллик таваллуд кечаси бўлиб ўтди. Сахнада Зулфияхоним ва унинг шогирдлари – таникли шоиралар. Шогирдлар номидан «Гулхан» журнали Бош мұҳаррири О. Ҳожиева устозни қизгин табриклади. Белорус шоираси, Зулфиянинг қадрдон дўсти Эди Огненцвет самимий тилакларини изҳор қилди...

* 1995 йил, 30 май.

«Туркистон» саройида Зулфиянинг 80 йиллигига бағишлиланган тантанали кеча бўлди. Ўзбекистон Президентининг чукур эҳтиром билан битилган табригини Давлат маслаҳатчиси X. Жўраев ўқиб берди. Олим Иброҳим Гафуров маъруза қилди.

Эртаси куни Зулфия хонадони элга дастурхон ёзди.

Соат 12 ларда барча шоира, адаба, журналист қизларни устоз меҳмонга чорладилар. Файзли хонадонда самимий сухбат, қизгин мушоира оқшомгача давом этди.

ЗУЛФИЯ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ЙИЛНОМАСИ

Зулфия Исроилова 1915 йил 1 марта Тошкентда хунарманддегрез оиласида туғилган. Унинг бобосини Муслим дегрез дер эдилар ва у Дегрезлик маҳалласида яшар эди. Отаси Исроил дегрез ва унинг укалари Ўқчи маҳалласида истиқомат қилар эдилар.

1931 – 1933 йиллар. Зулфия хотин-қизлар билим юртида таълим олди.

1931 йил, 17 июль. Зулфиянинг «Мен иш қизи» номли биринчи шеъри «Ишчи» газетасида босилиб чиқди.

1932 йил. Зулфиянинг биринчи шеърий тўплами – «Ҳаёт вараклари» чоп этилди.

1935 йил. Зулфия Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасига ўқишга кирди.

1935 йил, 23 июль. Зулфия ва Ҳамид Олимжоннинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди.

1937 йил 19 январь. Зулфиянинг биринчи фарзанди Ҳулкар дунёга келди.

1938 йил. Зулфия ёшлар ва ўсмирлар нашриётига ишга кирди.

1939 йил, 23 июль. Зулфия хонадонида Омон туғилди.

1941 – 1950 йиллар. Зулфия Ўзбекистон Давлат нашриётида бадиий адабиёт бўлими мудири лавозимида хизмат қилди.

1943 йил. Зулфиянинг биринчи марта рус тилида В. Луговской сўзбошиси билан «Верность» номли шеърий тўплами нашр этилди.

1944 йил, 3 июль. Зулфиянинг умр йўлдоши Ҳамид Олимжон автоҳалокат туфайли вафот этди.

1950 йил, октябрь. Зулфия қайта нашр этила бошлаган аёллар журнали «Ўзбекистон хотин-қизлари» (хозирги «Саодат»)да адабиёт ва санъат бўлимининг мудири, 1953 йилдан 1985 йил июль ойигача журналнинг бош муҳаррири бўлиб ишлади.

1959 – 1980 йиллар. Зулфия Ўзбекистон Олий Кенгашининг (V–VI–VII–VIII–IX–X чақириқ) депутати.

1965 йил. Зулфияга «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвон берилди.

1968 йил, апрель. Зулфия Жавоҳарлаъл Неру номидаги халқаро мукофотнинг биринчи совриндори бўлди.

1968 йил, 22 май. Зулфия Болгарияниң биринчи даражали «Кирилл ва Мефодий» ордени билан мукофотланди.

1970 йил, 17 апрель. «Ўйлар» ва «Шалола» («Водопад») шеърлар китоблари учун Зулфияга Ўзбекистон Давлат мукофоти берилди.

1970 йил, ноябрь. Зулфияга Халқаро «Нилуфар» мукофоти берилди.

1975 йил, март. Зулфия «Халқлар дўстлиги» ордени билан тақдирланди.

1975 йил, 14 ноябрь. Зулфия таваллудининг 60 йиллиги Ўзбекистон Давлат филармониясининг концертлар залида бўлиб ўтди.

1984 йил. Зулфияга «Меҳнат Каҳрамони» унвони берилди.

1985 йил, 2 декабрь. Зулфиянинг 70 йиллик таваллуд байрами Алишер Навоий номидаги Академик Катта опера ва балет театрида бўлиб ўтди.

1994 йил, август. Зулфия Ўзбекистон Республикасининг биринчи ордени – «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

1995 йил, 30 май. Зулфия таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кечак Турсистон саройида бўлиб ўтди.

1999 йил, 10 июнь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Фармонига биноан 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган истеъдодли, зукко, ўқишида ва жамоат ишларida алоҳида ўрнак кўрсатган қизлар учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Тошкентдаги марказий кўчалардан бири Зулфияхоним номи билан атала бошланди.

2008 йил, 1 март. Пойтахтнинг сўлим, обод гўшасида шоира Зулфияга ҳайкал ўрнатилди, тантанали маросим ўтказилди.

2014 йил, 31 октябрь. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори эълон килинди.

ЗУЛФИЯ АСАРЛАРИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

1. Ҳаёт вараклари. Шеърлар. Т., 1932 й.
2. Темирой. Т., Ўздавнашр, 1934 й.
3. Шеърлар. Т., Ўздавнашр, 1939 й.

4. Қизлар қўшиғи Т., Ўздавнашр, 1939 й.
5. Уни Фарҳод дер эдилар. Т., Ўздавнашр, 1943 й.
6. Ҳижрон кунларида . Шеърлар. Т., Ўздавнашр, 1944. й.
7. Ҳулкар. Шеърлар. Т., Ўздавнашр, 1947 й.
8. Мен тонгни куйлайман. Шеърлар. Т., «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» нашр. 1950 й.
9. Дугоналар билан сұхбат. Шеърлар ва мақолалар. Т., Ўздавнашр, 1953 й.
10. Ойдин Собирова (ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк), Т., Ўздавнашр, 1953 й.
11. Юрагимга яқин кишилар. Шеърлар. Т., Ўзгадабийнашр, 1958 й.
12. Гулларим. Шеърлар (кичик ёшдаги болалар учун) Т., Ўзгадабийнашр, 1959 й.
13. Танланган асарлар. Т., Ўзгадабийнашр, 1959 й.
14. Ҳаёт жилоси. Шеърлар. Т., Ўрта ва олий мактаб, 1961 й.
15. Куйларим сизга. Шеърлар. Т., Ўзгадабийнашр, 1963 й.
16. Шеърлар. Т., Ўзгадабийнашр, 1963 й.
17. Куйларим сизга. Шеърлар. Т., Ўзгадабийнашр, 1965 й.
18. Ўйлар. Лирика. Т., 1965 й.
19. Ўйлар. Лирика. 2-нашри. Т., F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969 й.
20. Лолакизгалдоқ. (Шеърлар, Кичик ёшдаги болалар учун. К.П. Назаров ва В.М. Сосновец расмлари) Т., «Ёш гвардия» нашриёти, 1970 й.
21. Қуёшли қалам. Достон (ёзувчи Ойбекка бағишланган) Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971 й.
22. Висол. Шеърлар ва достонлар. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972 й.
23. Асарлар. Икки томлик. Биринчи том. Шеърлар. Т., F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Сўзбоши муаллифи Миртемир. 1974 й.
24. Асарлар. Икки томлик. Иккинчи том. Достонлар ва таржималар. Т., F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975 й.
25. Асарлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. Шалола. Шеърлар. Т., F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 й.

26. Асарлар. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. Мушоира. Шеърлар (Достонлар. Либретто. Таржималар). Т., Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985 й.

27. Асарлар. Уч жилдлик. Учинчи жилд. Камаләк (Хотиралар. Очерклар. Сухбатлар. Таржима). Т., Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 й.

28. Хаёллар, туйғулар... Шеърлар. Кириш сўзи. Иброҳим Ғафуровники. Т., Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й.

29. Қатра. Лирика. Шеърлар. Т., «Ёш гвардия» нашриёти, 1985.

30. Тонг билан шом аро. Сайланма. «Шарқ» НМАК Баш таҳририяти, Т., 2005 й.

ЗУЛФИЯ ТАРЖИМАЛАРИ

31. Н. А. Некрасов. Рус аёллари (достон).

32. Мустай Карим, Ой тутилган тунда (уч пардали фожиа).

33. Александр Гинзбург. Там-там садолари (драматик достон).

ЗУЛФИЯ ДОСТОНЛАРИ

34. Уни Фарҳод дер эдилар

35. Икки ўртоқ

36. Мушоира

37. Водий юлдузлари

38. Сўроклади шоирни шеърим

39. Куёшли қалам

40. Зайнаб ва Омон (либретто)

41. Хотирам синиклари

ЗУЛФИЯ АСАРЛАРИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДА

Алоҳида наширлар

42. Верность (стихи). Пер.: В. Державин, В. Липко, А. Кочетков, Л. Пеньковский, С. Сомова, Н. Ушаков, Т., Госиздат, 1943.

43. Я пою зарю (стихи). Т., Госиздат, 1951.

44. Доброго утра, люди мира! (стихи). Авторизованный перевод с узбекского. М., «Советский писатель», 1952.
45. Лирика. М., «Правда», 1958.
46. Стихотворения. М., Гослитиздат., 1961.
47. Живой дождь. Лирика. Т., 1965.
48. Дар долины. М., «Правда» 1966.
49. Сердце в пути (стихи). Т., Изд-во худож.лит., 1966.
50. Сюзане (стихи). Перевод с узбекского. М., Детгиз., 1966.
51. Моя весна (стихи) М., «Советский писатель», 1967.
52. Водопад. Стихи. Т., Изд-во худож.лит., 1969.
53. Мўгулистанда Зулфия, Р. Ҳамзатов, П., Бровка ва Е. Евтушенко шеърларидан иборат тўплам чоп этилган.
54. 1969 йилда Зулфиянинг мўфул тилида шеърлар тўплами нашр қилинди.
55. Поэма огня и дороги. Пер. с узб. М. Борисова. (Светлой памяти Айбека посвящается) Т., Изд-во лит-ры и искусства, 1972.
56. Избранное. Стихотворения и поэмы. Перевод с узбекского. М., Изд-во худ.лит., 1975.
57. Лирика (арман тилида). Ереван. «Айпетро», 1961.
58. Лирика (қоракалпоқ тилида). Нукус, Қарақалпакгиз., 1962.
59. Шеърлар (қозоқ тилида). Олмаота, Казгослитиздат., 1962.
60. Томчилар (тожик тилида). Душанбе, Таджикгосиздат., 1960.
61. Лирика (белорус тилида). Минск, «Белорусь», 1967.
62. Шеърлар (озарбайжон тилида). Баку, 1969.
63. Ҳаёт вараклари (бошкирд тилида). Уфа, Башкнигосиздат. 1969.
64. Куйларим сизга (крим-татар тилида). Эшреф Шемизаде тарж. Т., Эдабият ва санъат нашрияти, 1972.
65. Палак (украин тилида). Киев, «Весёлка», 1973.
66. Шеърлар (киргиз тилида). Фрунзе. «Киргизия», 1973.
67. Ўрик гуллаганда (татар тилида). Қозон, «Татар книга», 1974.
68. Танланган асарлар (болгар тилида). София, «Нар. культура», 1967.
69. Зарафшон (форс тилида) Дж. Эфтихор тарж. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969.

70. Абдулла Олимжон. Шоира Зулфия. Танқидий биографик очерк. Ўзбек адабиёти тарихидан материаллар. Т., Ўзфанакадемнашр., 1953.
71. Мусина Голия. Шоира Зулфиянинг ижодий йўли. (Филология фан. номзоди даражасини олиш учун ёзилган дисс.) Т., 1960.
72. Мусина Голия. Зулфиянинг ижодий йўли. Т., Ўззадабийнашр., 1961.
73. Султонова М. ва Олимжонов А. Зулфия. «Ўзбек совет адабиёти» тарихи» китобида. Т., 1962, 2-т.
74. Султонова М. Шоира Зулфия. Т., «Кизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» нашриёти, 1962.
75. Каюмов Л. Шоира Зулфия (Ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк). Т., 1965.
76. Бобохўжаев Н. Зулфиянинг поэтик маҳорати, филол. фанлари номзоди даражасини олиш учун ёзилган дисс. Т., 1967.
77. Мусина Голия. Зулфия публицистикаси. Т., «Фан», 1965.
78. Акбаров А. Қалб куйчиси. Т., Ўзкомпартия МКнинг бирлашган нашриёти, 1965.
79. Каюмов Л. Зулфия. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.
80. Султонова М. Ижод сахифалари. Т., «Фан», 1975.
81. Акбаров А. Зульфия. Литературный портрет. Т., Издат. лит. и искусства им. Гафура Гуляма, 1975.
82. Зулфия (биобиблиография). Тузувчилар: Раъно Иброҳимова, Мамлакат Фуломова. Кириш сўзи Н. Каримовники. Т., «Фан», 1977.
83. Зулфия ҳаёти ва ижоди. Мактаб кўргазмаси ва болалар кутубхонаси учун материаллар. Тузувчи Х. Сулаймонова. Т., «Ўқитувчи» нашр., 1980.
84. Султонова М. Зулфия. Т., 1985.
85. Иброҳимов М. Қуёшли шеърият ижодкори. Т., 1986.
86. Эҳтиром. Нашрга тайёрловчилар Раҳима Шомансур ва Раъно Раҳмон. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1995.
87. Тонгнинг ўзидай пок ва ёркин. Зулфия замондошлари хотирасида. Нашрга тайёрловчилар Ҳулкар Олимжонова, Омон Олимжонов. Т., F. Ғулом НМИУ, 2006.

88. Раҳима Шомансурова. Қадр кечаси қатралари. Т., «Янги аср авлоди», 2008.
89. Олимжонова Риояхон. Менинг теран томирларим. Т., «Шарқ» НМАК Бош таҳририяти, 2009.
90. Мухтарама Улуғова. Мұхаббат саройида мангу қолғанлар. Т., «Ниҳол», 2011.
91. Ойдин Ҳожиева. «Тўрт танҳо». Ўзбекистон халқ шоири Зулфия Истроилова ҳақида эсдаликлар. Т., «Ўзбекистон» НМИУ, 2013.

ЗУЛФИЯ ШАЖАРАСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Қосим бобонинг ўғли Муслим ота
Муслим отанинг фарзандлари
Истроил (Исмоил, Қодиржон, Нормат, Бувиниса, Аҳмаджон, Ка-
римжон, Зулфия).

Ҳамдам (ёзувчи Адҳам Ҳамдам).

Фаёз (шоир Илёс Муслим (1901 – 1993), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими; Тўхтахон; Ўзбекистон халқ артисти Кифоят Муслимова (1916.01.05. – 1996.20.04); Ҳамроҳон; Фотима-Зухра; Маҳкамбой; Аббос Муслимов, техника фанлари доктори, профессор, Бишкекда яшайди; Йўлдош; Эргаш).

Рахмат (Собир, Мели).

Хури (Кабир).

Жўра (Одил, Гулсара)

Исҳоқ (Октябрь, Ўткир, Ботир, Шоҳида, Шойра).

Нишон (Мунира);

Туроб (Ўлмас); **Турсуной** (Аброр); **Тўхта**.

* * *

Истроил ота (1872–1946) ва

Хадича она (1879–1938) фарзандлари

Исмоилжон (1897–1972). Ветеринар. Рафиқаси Ойниса. 6 нафар фарзанд кўрган.

Қодиржон (1898–1992). Турли идораларда раҳбарлик лавозимида ишлаган. Уруш йилларидан то нафакага чиққунча Тошкент трамвай-троллейбус заводида ишлаган. Рафиқаси Инобат. (Фар-

зандлари: Мунаввар – ўқитувчи, Қайнар – Тоштрамда ишчи, ота касбини давом эттирган; Баҳодир –матлубот ходими; Ғайрат – техника фанлари номзоди, доцент; Аҳмаджон –технолог уста, Каримжон – хунарманд)

Нормат, тахм. 1905 йил, раҳбарлик лавозимларида ишлаган, 37-йилда қатағонга учраган. **Аёли Манзура**, **қизчаси** Клара болалигида нобуд бўлган.

Бувиниса, чевар дўппидўз бўлган, тўйдан бир кун олдин вафот этган.

Аҳмаджон, Москвада таҳсил олган, шамоллаб, Тошкентда вафот этган.

Каримжон, педагогика институти талабаси, баҳтсиз ходиса туфайли ҳалок бўлган.

Зулфия, (1915.01. 03 – 1996. 01. 08). Ўзбекистон ҳалқ шоири.

ЗУЛФИЯ ВА ҲАМИД ОЛИМЖОН АВЛОДЛАРИ

Қизи: Олимжонова Ҳулкар Ҳамидовна, 1937. 19 январь. Филология фанлари номзоди, доцент.

Күёви: Тошмуҳамедов Омон (1932–2001), (ёзувчи Ойбек ва кимёгар олима Зарифа Сайдносированинг ўғли). Тарих фанлари номзоди.

Неварадарлар: Тошмуҳамедова Гулшод 1960 й. Санъатшунос. Уч нафар фарзанди бор. **Мухитдинова** Лола 1962 й. Тарихчи, таржи-мон. Икки нафар ўғли ва икки нафар невараси бор. **Тошмуҳамедова** Фотима, 1969 й. Филолог. Бир нафар фарзанди бор. **Тошмуҳамедов** Ҳусанбек (1969–2005), Ойбек уй музейининг илмий ходими бўлиб ишлаган.

Сондай М. Зулфия * * * ҲССР-1996-1-10-24

Ўғли: Олимжонов Омон Ҳамидович, 1939 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аппаратида 45 йилдан ортик турли лавозимларда ишлаган. Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати (1995–2004), «Шуҳрат» медали ва «Халклар дўстлиги» ордени билан мукофотланган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист.

Келини: Олимжонова Риояхон Йўлдошевна, 1939 й. Шифокор, 50 йилга яқин тиббиёт соҳасида хизмат килган, тиббиёт фанлари номзоди.

Неварапар: Олимжонов Улуғбек Омонович, 1964 й. ТошДУ (ЎзМУ) шарқ факультетини тамомлаган. Хусусий тадбиркор. Икки нафар қизи ва бир нафар невараси бор. **Олимжонов** Фаррухбек Омонович, 1975 й. Иқтисодиёт институтини битирган. Иқтисодчи. Уч нафар фарзанди бор. **Олимжонов** Отабек Омонович, 1977 й. Шарқшунослик институтини битирган. Тадбиркор. Уч нафар фарзанди бор.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ХОНАДОНИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Мулла Азим (гувур) бобоси, **Ўғилой** бувиси.

Олимжон – шоирнинг отаси

Комила буви, шоирнинг онаси (1890–1970).

Опаси: Икромова Асолат (1907–1983).

Ҳамид Олимжон, ўзбек халқ шоири (1909–1944).

Синглиси: Олимжонова Роҳат (1918–1971).

Тиббиёт фанлари номзоди, ортопед.

Укаси: Азимов Сарвар Олимжонович (1923–1994).

Филология фанлари доктори, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Синглиси: Қобилова Саҳобат (1928–2000).

Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Синглиси: Ғуломова Мұхаббат (1932–2002).

Тарих фанлари номзоди.

Зулфия ва Ҳамид Олимжоннинг шажараси ҳақидаги ушибу маълумотларни олишида яқиндан кўмаклашган *O. Олимжонов, Ҳ. Олимжонова, Р. Олимжонова, Лола Мұхитдинова ҳамда Қодир отанинг қизи Мунаввар Исроилова, Қодир отанинг невараси Гулчехра Шоумарова, эвараси Сайджон Шоумаров, Муслим бобонинг эвараси Махмуда Муслимова, Қодир отанинг ўғли Ғайрат Исроилов, Зулфиянинг неваралари Улуғбек ва Отабек Олимжоновлар ва эвараси Темурбек Мұхитдиновга чин дилдан миннатдорчилек билдираман.*

Мана азиз ўқувчим, устозим ҳақида ўз билганиларим, ўз қуловим билан эшиштганларим, Зулфияхоним қанотида ишлаган ишларимда

ўзим гувоҳ бўлган воқеалар ҳамда замондошларим, сафдошларим хотирасига таяниб ушибу китобни қозогзга туширдим. Бир шогирд сифатида унунтимас устозим олдидағи қарзимни озгина бўлса-да узишига интилдим.

Буюк шоиранинг 100 йиллик таваллуд байрамига камтарин тұхфам деб қабул қылгайсиз.

Эҳтиром билан мұаллиф.

3 декабрь 2014 йил.

Куйидаги манбалардан фойдаланилди:

1. Зулфия (биобиблиография). Тузувчилар: Раъно Иброҳимова, Мамлакат Гуломова. Кириш сўзи Н. Каримовники. Т., «Фан», 1977.
2. Зулфия ҳаёти ва ижоди. Мактаб кўргазмаси ва болалар кутубхонаси учун материаллар. Тузувчи X. Сулаймонова. Т., «Ўқитувчи» нашр., 1980.
3. Эҳтиром. Нашрга тайёрловчилар Раҳима Шомансур ва Раъно Раҳмон. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1995.
4. Тонгнинг ўзидаи пок ва ёркин. Зулфия замондошлари хотирасида. Нашрга тайёрловчилар Ҳулкар Олимжонова, Омон Олимжонов. Т., F. Fулом НМИУ, 2006.
5. Олимжонова Риояхон. Менинг теран томирларим. Т., «Шарқ» НМАК Бош таҳририяти, 2009.
6. Мухтарама Улугова. Мұхаббат саройида манту қолганлар. Т., «Ниҳол», 2011.
7. И. Ғафуров. «Паривашлар мажлиси». Т., «Янги аср авлоди». 2012.)
8. Зулфиянинг турли йилларда чоп этилган «Сайланма» асарлари. Ҳамид Олимжон. Мукаммал асарлар тўплами. Т., «Фан» нашриёти, 1979. Биринчи том.
9. Наим Каримов мақолалари.

* * *

С. Безносов, Борис Мизрохин, Содик Маҳкамов, Рустам Шарипов, Машраб Нуринбоев, Нўймонжон Мухамаджоновлар фотолари ҳамда шоира Зулфиянинг шахсий архивидаги ва мұаллиф мулкидаги суратлардан фойдаланилди.

МУНДАРИЖА

Масъуд онлар.....	4
Устоз қанотида.....	12
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.....	18
Дур каби ноёб	25
Маликадай улуғвор, онадай меҳрли.....	28
Елкаларига Семурғ кўнган шоир.....	34
Суврат ва сийрат.....	35
Оҳанрабо	39
Энг гуллаган ёшлик чоғимда	46
Санъаткор таржимон.....	52
Зулфия таржималаридан	56
Зулфия ёғуллари	66
Олтмиш йиллик вулқон	75
Баҳор билан учрашув.....	77
Сўнгти дийдор	82
Алвидо.....	84
Зиёрат	87
Абадият лаҳзалари	90
Зулфия хайкали пойида	91
Эҳтиром ва муҳаббат	92
Ёзишмалардан биргина шингил	95
Меҳр инжулари	97
Мактублар, табриклар.....	105
Дўйстлар ҳамдардлиги	114
Таваллуд байрамлари	116
Зулфия ҳаёти ва ижоди йилномаси.....	117
Зулфия асарлари ўзбек тилида	118
Зулфия таржималари	120
Зулфия достонлари	120
Зулфия асарлари хорижий тилларда	120
Зулфия ҳаёти ва ижоди ҳақидаги асарлар	122
Зулфия шажараси ҳақида маълумот	123
Зулфия ва Ҳамид Олимжон авлодлари	124
Ҳамид Олимжон хонадони ҳақида маълумот.....	125

ОЙДИН ҲОЖИЕВА

ЗУЛФИЯ АБАДИЯТИ

Ўзбекистон халиқ шоири Зулфия Истрошова
ҳаёти ва ижоди лавҳалари

Мухаррир Алишер Саъдулла

Бадиий мухаррир X. Кутуков

Техник мухаррир Л. Хижсова

Кичик мухаррир Д. Холматова

Мусаххих Н. Абдурахмонова

Компьютерда тайёрловчи Б. Душанова

Компьютерда матн кўчиргувчи X. Ҳакимова

Нашриёт лицензияси AI № 158.14.08.09.

Босишига 2015 йил 9 февралда руҳсат этилди. Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$.

Офсет көғози. «Times New Roman» гарнитурасида оғсет усулида босилди.

Шартли босма табоги 7,44.+0,46 вкл.+0,11 фронт. Нашр табоги 7,17+0,55 вкл.+0,14 фронт.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 15-43.

Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлигининг «O'zbekiston»
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: iptduzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

19.000



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-234-6

A standard linear barcode representing the ISBN number.

9 789943 282346